ISSN 2091-5659

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

# СОБРАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**№ 10**

**2026 йил 9 - 14 март**

**Расмий нашр**

**Официальное издание**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари жойлаштирилади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

# МУНДАРИЖА

*БИРИНЧИ БЎЛИМ*

210. «Ёқилғи-энергетика соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш чоралари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 11 мартдаги ЎРҚ-1121-сон Қонуни

*ИККИНЧИ БЎЛИМ*

211. «Ўзбекистон Республикасининг Киберхавфсизлик стратегиясини белгилаш ва кибержиноятчиликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 10 мартдаги ПФ-38-сон Фармони

212. «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузурида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 13 мартдаги ПФ-40-сон Фармони

213. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 11 мартдаги ПҚ-93-сон қарори

214. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 12 мартдаги ПҚ-95-сон қарори

215. «Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни янада жадаллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 13 мартдаги ПҚ-96-сон қарори

216. «Аграр секторни замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашнинг навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 13 мартдаги ПҚ-97-сон қарори

217. «Қишлоқ хўжалигида замонавий технологияларни жорий қилишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 13 мартдаги ПҚ-99-сон қарори

218. «Миллий статистика тизими мутахассислари малакасини ошириш ҳамда соҳага рақамли технологияларни жорий этишни янада жадаллаштириш орқали юқори самарадорликка эришиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 13 мартдаги ПҚ-103-сон қарори

219. «Лойиҳаолди ва харид ҳужжатларини комплекс экспертиза қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 13 мартдаги ПҚ-104-сон қарори

*УЧИНЧИ БЎЛИМ*

220. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 10 мартдаги 94-сон қарори

221. «Давлат органлари ва ташкилотларида ички аудит фаолиятини рақамлаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 13 мартдаги 100-сон қарори

*БЕШИНЧИ БЎЛИМ*

222. "Kam uchraydigan kasalliklarni davolash uchun moʻljallangan orfan dori vositalari hamda kam uchraydigan (orfan) kasalliklarga tashxis qoʻyish va ularni davolash uchun moʻljallangan tibbiy buyumlar roʻyxatiga qoʻshimchalar kiritish toʻgʻrisida" Oʻzbekiston Respublikasi sogʻliqni saqlash vazirining buyrugʻi *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 12-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3258-5-son)*

223. "Oʻzbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (24-sonli BHMS) "Qarzlar boʻyicha xarajatlar hisobi"ning 23-bandiga oʻzgartirish kiritish haqida" Oʻzbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirining buyrugʻi *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 13-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1996-2-son)*

224. "Buxgalteriya hisobining milliy standarti (20-sonli BHMS) "Kichik tadbirkorlik subyektlari tomonidan buxgalteriya hisobini yuritishning soddalashtirilgan tartibi"ga oʻzgartirishlar kiritish toʻgʻrisida" Oʻzbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirining buyrugʻi *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 13-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2501-2-son)*

225. "Oʻzbekiston Respublikasi foydali qazilmalari zaxiralarini hisobga olish va hisobot balanslarini tuzish boʻyicha yoʻriqnomaga oʻzgartirishlar kiritish haqida" Oʻzbekiston Respublikasi togʻ-kon sanoati va geologiya vazirining buyrugʻi *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 13-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2699-3-son)*

226. ""Bojxona ishi sohasida qoʻllaniladigan ayrim hujjatlar va hisobotlar shakllarini tasdiqlash toʻgʻrisida"gi qarorga oʻzgartirishlar va qoʻshimcha kiritish haqida" Oʻzbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qoʻmitasining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 13-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2778-7-son)*

227. "Pochta aloqasi milliy operatori uchun jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirgʻin qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish boʻyicha ichki nazorat qoidalarining 1-ilovasi 4-bandiga oʻzgartirish kiritish toʻgʻrisida" Oʻzbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirligi, Oʻzbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining qarori *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 13-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3061-6-son)*

228. "Oʻzbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (8-sonli BHS) "Koʻchmas mulk, bino va jihozlar"ga oʻzgartirishlar kiritish haqida" Oʻzbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining buyrugʻi *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 13-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3144-2-son)*

229. "Ички ишлар органлари ходимларини терроризмга ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган деб топиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида" Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарори *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 13 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3171-1-сон)*

230. “O‘zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (21-sonli BHMS) “Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasi va uni qo‘llash bo‘yicha yo‘riqnoma”ning 26-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida” O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 13-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3593-2-son)*

231. “Ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish dasturi doirasida buyurtmachisi aniqlanmagan va taqsimlanmagan mablag‘larni buyurtmachilarga taqsimlash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining buyrug‘i *(Adliya vazirligi tomonidan 2026-yil 13-mart ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3786-son)*

232. “Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг буйруғи *(Адлия вазирлиги томонидан 2026 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3787-сон)*

# БИРИНЧИ БЎЛИМ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ

10 (1238)-сон
210-модда

# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
# QONUNI

## Ёқилғи-энергетика соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш чоралари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил 15 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2025 йил 31 октябрда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда ёқилғи-энергетика ресурслари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш соҳасидаги ишларни тизимли равишда йўлга қўйиш, шунингдек ушбу соҳада таъсирчан давлат назоратини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга ёқилғи-энергетика ресурслари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўриш, шунингдек электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш, газдан ёқилғи ёки хомашё сифатида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликка тортиш чораларини такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига электр, иссиқлик энергиясидан, газ ва водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жазо чоралари кучайтирилишини назарда тутадиган, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига эса ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ноаниқликларни бартараф этишга, якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ёқилғи-энергетика ресурслари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга ҳамда бундай ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораларининг таъсирчанлигини оширишга қаратилган ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун энергиянинг тежалишини, ундан оқилона фойдаланилишини ва энергия самарадорлиги оширилишини таъминлашга, ёқилғи-энергетика ресурслари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, шунингдек фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 2, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда, № 8, 818-модда, № 9, 954, 964-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1079, 1083-моддалар, № 11, 1186-модда, № 12, 1280, 1287-моддалар; 2025 йил, № 2, 196-модда, № 3,

376, 377-моддалар, № 5, 643, 647-моддалар) **185$^{2}$-моддаси биринчи қисмининг санкциясидаги** «йигирма беш бараваридан» деган сўзлар «ўттиз бараваридан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8,

800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар; 2025 йил, № 1, 5, 8-моддалар, № 2, 187, 188, 196, 198, 201-моддалар, № 3, 368, 376-моддалар, № 4, 517, 521-моддалар, № 5, 643, 644-моддалар, № 6, 729-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **61-модда учинчи қисмининг санкциясидаги** «ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда» деган сўзлар «ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **100-модда**:

**биринчи қисмининг**:

**диспозициясидаги** «Электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш» деган сўзлар «Мансабдор шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор томонидан электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **101-модда биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса – йигирма беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **103-модда**:

**биринчи қисмининг**:

**диспозициясидаги** «Газдан фойдаланиш қурилмасига газни рухсатсиз очиб бериш» деган сўзлар «Мансабдор шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор томонидан газдан фойдаланиш қурилмасига газни рухсатсиз очиб бериш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**санкциясидаги** «мансабдор шахсларга» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмининг**:

**диспозициясидаги** «Газдан фойдаланиш қурилмаларини газ сарфини ҳисобга олмай туриб» деган сўзлар «Мансабдор шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор томонидан газдан фойдаланиш қурилмаларини газ сарфини ҳисобга олмай туриб» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**санкциясидаги** «мансабдор шахсларга» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **198[6]-модданинг**:

**номидаги «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги»** деган сўзлар «**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **248-модда тўртинчи қисмининг**:

**иккинчи хатбошиси** «91[1]-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлардан кейин «100-моддасида (ёритиш учун электр энергиясидан хўжасизларча фойдаланишга оид қисмида)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**тўртинчи хатбошисидаги** «91[2]-моддаларида, 101-моддасида (бундан Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига тааллуқли ишлар мустасно)» деган сўзлар «91[2]-моддаларида, 100-моддасида (ёритиш учун электр энергиясидан хўжасизларча фойдаланишга оид қисмида), 101-моддасида (бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига тааллуқли ишлар мустасно)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **249[1]-модда**:

**биринчи қисми** «Ушбу Кодекснинг» деган сўзлардан кейин «100-моддасида (ёритиш учун электр энергиясидан хўжасизларча фойдаланишга оид қисмида)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекснинг 100-моддасида (ёритиш учун электр энергиясидан хўжасизларча фойдаланишга оид қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органларининг профилактика инспекторлари томонидан тузилади»;

**учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

9) **$260^2$-модда**:

**номидаги** «**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги**» деган сўзлар «**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг**:

**биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг 100, 101, 102, 103, 172, 173, $198^6$-моддаларида, 228-моддасида (ёқилғи-энергетика соҳасида қўйилган муҳрларга (пломбаларга) тааллуқли ҳолларда) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади»;

10) **340-модданинг иккинчи қисмидаги** «$249^1$-моддасининг тўртинчи қисмида» деган сўзлар «$249^1$-моддасининг бешинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** — **Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 11 март
№ ЎРҚ–1121

# ИККИНЧИ БЎЛИМ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 06/26/38/0219-son
11.03.2026-y

10 (1238)-сон
211-модда

# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2026 yil «10» март №ПФ–38

## Ўзбекистон Республикасининг Киберхавфсизлик стратегиясини белгилаш ва кибержиноятчиликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, ахборот инфратузилмасининг барқарорлигини таъминлаш, рақамли иқтисодиёт тармоқларида киберхавфсизликни янада кучайтиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, кибержиноятчиликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, фуқароларда киберхавфсизлик маданиятини шакллантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида **қарор қиламан:**

**1.** Қуйидагилар **Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизлик соҳасида** асосий **стратегик мақсад ва вазифалари** этиб белгилансин:

**(а) мақсадлар:**

**(i)** миллий **кибербарқарорликни мустаҳкамлаш**, муҳим ахборот ва давлат рақамли **инфратузилмасини ҳимоя қилиш**;

**(ii)** киберхавфларни тизимли камайтириш ҳамда фуқаролар, хусусий сектор ва давлатнинг рақамли хавфсизлик даражасини ошириш;

**(iii) кибержиноятчиликка қарши фаол курашиш**;

**(iv)** киберхавфсизлик соҳасида рақамли инновациялар, сунъий интеллект технологияларини **ривожлантириш** ва технологик **мустақилликни** мустаҳкамлаш;

**(v)** халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва кибермаконни **глобал тартибга солиш жараёнларида иштирок этиш**;

(б) **вазифалар:**

(i) кибертаҳдидларга жавоб қайтариш миллий марказлари ва кибертаҳдидларни **эрта аниқлаш ҳамда** улар ҳақидаги маълумотларни **тезкор алмашиш тизимларини** ташкил этиш;

(ii) рақамли идентификация, аутентификация ва фойдаланишни бошқариш миллий инфратузилмасини, шунингдек, маҳаллий дастурий ва аппарат ечимларини ривожлантириш;

(iii) маълумотларни ҳимоя қилиш, хусусий секторнинг масъуллигини ошириш ва киберҳодисаларга муносабат билдириш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш ва **стандартларни жорий қилиш**;

(iv) рақамли криминалистика имкониятларини ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ихтисослаштирилган бўлинмалари салоҳиятини ошириш;

(v) халқаро кибермашғулотлар, битимлар ва киберҳодисалар қўшма текширувларида иштирок этиш.

**2. Қуйидагилар:**

(а) **Ўзбекистон Республикасининг 2026–2030 йилларга мўлжалланган киберхавфсизлик стратегияси** (кейинги ўринларда – Стратегия) **1-иловага** мувофиқ;

(б) **Ўзбекистон Республикасининг 2026–2030 йилларга мўлжалланган киберхавфсизлик стратегиясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”** (кейинги ўринларда – “Йўл харитаси”) **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

**3.** Давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари Стратегия ҳамда “Йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг **ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсан жавобгардирлар**.

**4. 2026 йил 1 апрелдан** эътиборан:

(а) Адлия вазирлиги, Энергетика вазирлиги ҳамда Солиқ қўмитасида тегишли таркибий бўлинмалар негизида амалдаги штат бирликлари доирасида камида 4 та штат бирлигидан иборат **Киберхавфсизликни таъминлаш бўлими**;

(б) қуйидаги давлат органлари ва ташкилотларида амалдаги штат бирликлари ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида киберхавфсизликни таъминлашга масъул **таркибий бўлинмалар ташкил этилсин**:

(i) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси;

**(ii)** Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги;

**(iii)** Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Энергия самарадорлиги миллий агентлиги;

**(iv)** Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаменти;

**(v)** Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Мудофаа саноати агентлиги;

**(vi)** Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги;

**(vii)** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги;

**(viii)** Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги;

**(ix)** Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси;

**(x)** Ёшлар ишлари агентлиги;

**(xi)** “Ўзбекгидроэнерго” АЖ.

**5.** Ушбу Фармоннинг 4-бандида назарда тутилган давлат органлари ва ташкилотлари 2026 йил якунига қадар ташкил этилган бўлинмалар фаолияти натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котибиятига маълумот тақдим этсин.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби раислигида Киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчи миллий кенгаш **ташкил этилсин.**

**7.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котибияти **бир ҳафта муддатда** Мувофиқлаштирувчи миллий кенгаш низоми ва унинг таркибини тасдиқласин.

**8. 2026 йил 1 апрелдан** Энергетика вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Марказий банк, рақамли ҳукумат ва банк-молия соҳасидаги ахборот тизимларида киберхавфсизлик таъминланганлик ҳолатини баҳолаш бўйича мутасадди ташкилотлар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳларни шакллантирсин ҳамда баҳолаш натижалари юзасидан маълумотларни 2026 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котибиятига тақдим этсин.

**9.** Рақамли технологиялар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизматининг киберхавфсизликни таъминлаш бўйича тегишли таркибий бўлинма (масъул ходим) ёки етарли куч ва воситаларга эга бўлмаган давлат органлари ва ташкилотларига киберхавфсизликни таъминлаш бўйича **аутсорсинг хизматини кўрсатувчи ташкилотлар хизматидан фойдаланишга рухсат бериш** ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

**10.** Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра давлат органлари ва ташкилотлари белгиланган тартибда фақат киберхавфсизликни таъминлаш бўйича аутсорсинг хизматини кўрсатувчи ташкилотлар **реестрига киритилган юридик шахслар** хизматидан фойдаланишлари мумкин.

**11.** Давлат хавфсизлик хизмати:

**(а)** **2026 йил 1 августга қадар** Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда киберхавфсизликни таъминлаш бўйича аутсорсинг хизматини кўрсатувчи ташкилотларни рўйхатга олиш ҳамда ушбу хизматдан фойдаланиш тартибини назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**(б)** киберхавфсизликни таъминлаш бўйича аутсорсинг хизматини кўрсатувчи ташкилотлар реестрини юритсин.

**12.** Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2026 йил 1 апрелдан** бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари (ҳарбийлаштирилган тузилмалар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бундан мустасно) томонидан **бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳамда бюджет параметрлари доирасида зарур маблағларни киберхавфсизликни таъминлаш масалаларига йўналтирилади**.

**13.** Давлат хавфсизлик хизматининг миллий ахборот тизимлари ва ресурсларининг замонавий **кибертаҳдидларга бардошлилик даражасини ошириш мақсадида** илғор хорижий тажриба асосида уларнинг **киберхавфсизлик борасидаги заиф жиҳатлари ва камчиликларини аниқлаш бўйича мустақил экспертлар иштирокида танловлар ўтказиб бориш** ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

**14.** Белгилансинки, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси субъектларининг ахборот тизимлари ва ресурсларида **киберхавфсизлик билан боғлиқ заифлик ва камчиликларни аниқлаш бўйича танловлар Давлат хавфсизлик хизмати** томонидан белгиланадиган махсус **электрон платформада ўтказилади**.

**15.** Давлат хавфсизлик хизмати:

**(а) 2026 йил 1 августга** қадар Адлия вазирлиги билан биргаликда ахборот тизимлари ва ресурсларининг **киберхавфсизлик борасидаги заиф жиҳатлари ва камчиликларини аниқлаш бўйича мустақил экспертлар иштирокида танлов ўтказиш тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин**;

**(б) 2026 йил 1 октябрга** қадар давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси субъектларининг ахборот тизимлари ва ресурсларида киберхавфсизлик билан боғлиқ заифлик ва камчиликларни аниқлаш бўйича танлов ўтказиш учун махсус электрон платформани яратсин.

**16.** Ички ишлар вазирлиги **2026 йил 1 июлга қадар** тезкор фаолиятни ахборот-техник қўллаб-қувватлашга мўлжалланган киберлаборатория ташкил этиш юзасидан қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**17.** Давлат хавфсизлик хизмати Рақамли технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликда **2026 йил якунига қадар** ёшларнинг интернетдан хавфсиз фойдаланиш юзасидан билимларини ошириш мақсадида:

**(а)** юқори синфлар ўқувчилари учун тарбиявий соатлар доирасида **кибермаданият машғулотларини** ташкил этсин;

**(б)** талабалар ва мактаб ўқувчилари учун киберхавфсизлик асослари бўйича **бепул онлайн курсларни** тақдим этадиган платформалар ҳамда мавзуга оид ижтимоий роликларни ишлаб чиқсин.

QMMB: 06/26/38/0219-son
11.03.2026-y



**18.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котибияти:

**(а)** “Йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирсин;

**(б)** “Йўл харитаси” масъул ижрочилар томонидан, шу жумладан, ҳудудлар кесимида ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилиши юзасидан назорат тадбирларини амалга оширсин;

**(в)** вазирлик, идора, давлат муассасалари ҳамда банк, тўлов тизими операторлари, кредит ва тўлов ташкилотларининг киберхавфсизлик тизимини ислоҳ қилиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб борсин;

**(г)** ушбу Фармонда белгиланган топшириқлар ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб борсин.

**19.** Ушбу Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

QMMB: 06/26/38/0219-son
11.03.2026-y

10 (1238)-сон
211-модда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 10 мартдаги ПФ–38-сон Фармонига
1-илова

# Ўзбекистон Республикасининг 2026–2030 йилларга мўлжалланган киберхавфсизлик СТРАТЕГИЯСИ

## 1-боб. Стратегиянинг асосий мақсад ва вазифалари

**1.** Стратегиянинг асосий мақсади келгуси беш йилда киберхавфсизликни таъминлашнинг устувор йўналишларини белгилашдан иборат.

**2.** Қуйидагилар Стратегиянинг асосий мақсадига эришиш вазифалари ҳисобланади:

**(а)** давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини кибертаҳдидлардан ҳимоя қилишни назарда тутувчи давлат ҳимоя тизимини янада ривожлантириш;

**(б)** давлат органлари ва ташкилотларининг ахборотлаштириш ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлик жиҳатидан барқарорлигини ошириш;

**(в)** муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари, давлат ахборот тизимлари ва ресурсларининг барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

**(г)** ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, ушбу мақсадда рақамли криминалистикани кенг қўллаш;

**(д)** кибержиноятчиликка қарши курашиш чора-тадбирларини ва усулларини такомиллаштириш, шунингдек, кибермаконда ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

**(ж)** муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида киберхавфсизлик талабларига қатъий риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда киберхавфсизлик соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликни белгилаш;

**(з)** киберхавфсизлик соҳасида давлат сиёсати тўғрисида ишончли ва сифатли, объектив маълумотларни тақдим этиш орқали мамлакатнинг ижобий имижини яратиш ва унинг халқаро майдондаги обрўсини мустаҳкамлаш;

**(и)** киберхавфсизлик соҳасидаги мутахассисларнинг касбий таълим даражасини ошириш ҳамда малака даражасини баҳолаш тизимини яратиш;

**(к)** илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг қўллаш учун таълим, илм-фан ҳамда тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш;

**(л)** интернетдан тўсиқларсиз фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, айниқса, ёшларда интернетдан фойдаланиш маданиятини янада юксалтириш, уларнинг ёлғон маълумотлар қурбонига айланиши, дунёқараши салбий ғоялар таъсирида шаклланишининг олдини олиш ҳамда фуқароларнинг интернетдан фойдаланиш борасидаги саводхонлигини ошириш;

**(м)** давлат органлари ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизликни таъминлаш бўйича ташкилий-техник базасини ривожлантириш;

**(н)** киберхавфсизликни таъминлаш бўйича илғор ва инновацион технологияларни жорий этиш;

**(о)** киберхавфсизлик соҳасида хорижий давлатларнинг ваколатли органлари, халқаро ва хорижий тузилмалар ва ташкилотлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш. Хусусан, киберхавфсизлик масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Араб давлатлари лигаси мамлакатлари ҳамда бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, стратегик шериклик орқали халқаро тажриба ва технологияларни жалб қилиш;

**(п)** Марказий Осиёда киберхавфсизлик масалалари ҳамда кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича қўшма ташаббусларни ривожлантириш.

## 2-боб. Стратегиянинг устувор йўналишлари

**3.** Қуйидагилар Стратегияни амалга оширишнинг **устувор йўналишлари** ҳисобланади:

**(а)** киберхавфсизлик соҳасини норматив-ҳуқуқий ва ташкилий-техник жиҳатдан такомиллаштириш;

**(б)** давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурсларини, шунингдек, муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини ҳимоя қилишнинг давлат тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш;

**(в)** киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида киберхавфсизлик ҳолатини мониторинг қилиш тизимини жорий этиш ҳамда киберхавфсизлик субъектлари билан ваколатли орган ўртасида фаол ва тезкор ҳамкорликни таъминлаш;

**(г)** киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ишлаб чиқарилишини ривожлантириш ҳамда киберхавфсизлик соҳасидаги илмий ташкилотлар ва ишлаб чиқариш корхоналарини инновацион ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

**(д)** ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини ошириш;

**(ж)** киберхавфсизликни таъминлаш бўйича давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ҳамда кибертаҳдидларнинг олдини олиш ва улардан ҳимояланиш жараёнларига хусусий секторни жалб этиш;

**(з)** кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизими операторлари, валюта биржалари ҳамда кредит бюролари фаолиятида кибертаҳдидларга қарши курашиш ҳамда ахборот тизимлари ва мобил иловаларда киберхавфсизликни таъминлаш чораларини кучайтириш;

**(и)** киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида кадрлар малакасини ҳамда аҳолининг киберсаводхонлигини ошириш;

**(к)** киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни кучайтириш ва трансчегаравий кибертаҳдидларга қарши биргаликда ҳаракат қилиш самарадорлигини ошириш.

## 1-§. Давлат ахборот тизимлари ва ресурслари, бошқа ахборотлаштириш объектлари ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини кибертаҳдидлардан ҳимоя қилиш даражасини ошириш мақсадида киберхавфсизлик соҳасини норматив-ҳуқуқий ва ташкилий-техник жиҳатдан такомиллаштириш

**4.** Ушбу йўналишда қуйидагилар амалга оширилади:

**(а)** қуйидагиларга қаратилган норматив стандартлар, талаблар ва чораларни белгилаш:

(i) муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини уларнинг тоифаларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда киберҳимоясига ягона ёндашувлар ва усуллардан фойдаланган ҳолда ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш;

(ii) давлат органлари ва ташкилотларининг ҳимояланган ёпиқ ахборот тизимларида, шунингдек, муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида фойдаланиладиган амалий ва тизим дастурлари интернет орқали хавфсиз юклаб олинишини ва янгиланишини таъминлаш;

(iii) хавфсиз маълумотлар алмашинуви учун давлат ахборот тизимларининг рақамли ҳукумат доирасида интеграциялашуви, шунингдек, ахборот тизимларида ва улар ўртасида метамаълумотлар (metadata) асосида алмашинувда ҳимояланган маълумотларни идентификация қилиш ва таснифлашни таъминлаш;

(iv) интернетдан фойдаланиш хизматларини кўрсатувчи телекоммуникация операторлари тармоқларининг киберхавфсизлигини таъминлаш;

**(б)** киберхавфсизликни самарали таъминлаш учун давлат органлари ва ташкилотларида, шунингдек, муҳим ахборот инфратузилмаси субъектларида ташкилий тузилмани такомиллаштириш;

**(в)** ахборот технологиялари ва киберхавфсизлик соҳасидаги қонунчилик талабларини бажармаганлик учун мансабдор шахслар жавобгарлигини кучайтириш;

**(г)** ягона оператор ва ягона киберхавфсизлик узелининг инфратузилмасини такомиллаштириш, давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг уларга уланишини таъминлаш;

**(д)** рақамли ҳукумат доирасида давлат ахборот тизимларини интеграция қилишда киберхавфсизлик даражасини ошириш;

**(ж)** давлат ва тижорат хизматларини онлайн шаклда тақдим этишда ахборот тизимлари ва ресурсларидан ҳимояланган тарзда фойдаланиш даражасини ошириш (онлайн хизматлардан фойдаланишда идентификация ва кўп факторли аутентификация ҳамда ҳимояланган уланиш талабларини ўрнатиш);

**(з)** давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари томонидан замонавий кибертаҳдидлар ва киберхавфсизлик муаммоларидан ҳимояланишнинг самарали усуллари ва воситаларини қўллаши ҳамда ташкилотнинг ахборот хавфсизлиги сиёсати устидан назоратни кучайтириш;

**(и)** давлат сирларини қайта ишлашга мўлжалланган ахборотлаштириш объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш тизимини жорий этиш;

**(к)** Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида киберхавфсизлик талабларига риоя этилишини назорат қилиш тизимини жорий этиш;

**(л)** киберхавфсизлик соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини ишлаб чиқиш;

**(м)** киберхавфсизлик соҳасидаги халқаро шартномалар доирасида амалга оширилган мувофиқлик сертификатлари ва синов ҳисоботларини тан олиш механизмини жорий этиш.

## 2-§. Давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурсларини, шунингдек, муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини ҳимоя қилишнинг давлат тизимини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

**5.** Ушбу йўналишда қуйидагилар амалга оширилади:

**(а)** давлат органларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан киберхавфсизликни таъминлаш учун ҳар йили зарур маблағларни режалаштириш (киберхавфсизликни таъминлаш воситалари лицензиясини янгилаш, мутахассислар малакасини ошириш, киберхавфсизлик узелига уланиш ва бошқалар);

**(б)** давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурсларини, муҳим ахборот инфратузилмаси объектларига сертификатлаштирилган ҳамда экспертизадан ўтказилган ҳимоя воситалари ва тизимларни жорий этишда хорижий инвестиция ва грантларни жалб қилиш.

## 3-§. Киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида киберхавфсизлик ҳолатини мониторинг қилиш тизимини жорий этиш ҳамда киберхавфсизлик субъектлари билан ваколатли орган ўртасида фаол ва тезкор ҳамкорликни таъминлаш

**6.** Ушбу йўналишда қуйидагилар амалга оширилади:

**(а)** киберхавфсизлик ҳодисаларини мониторинг қилиш ва уларга жавоб қайтариш миллий тизимини яратиш (SOC) марказларини ташкил этиш;

**(б)** муҳим ахборот инфратузилмаси субъектларининг киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб қайтаришда киберхавфсизлик бўйича ваколатли орган ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан тезкор ўзаро муносабатлар тизимини шакллантириш;

**(в)** давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси объектларидаги заифликлар ва камчиликларни аниқлаш тизимларини яратиш ва жорий этиш;

**(г)** янги кибертаҳдидлар ва заифликлар тўғрисида тезкор маълумот алмашишни таъминлаш, уларга самарали жавоб қайтариш ва объектларнинг ҳимоясини кучайтириш учун киберхавфсизлик соҳасидаги иштирокчиларни хабардор қилиш.

## 4-§. Киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ишлаб чиқарилишини ривожлантириш ҳамда киберхавфсизлик соҳасидаги илмий ташкилотлар ва ишлаб чиқариш корхоналарини инновацион ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш

**7.** Ушбу йўналишда қуйидагилар амалга оширилади:

**(а)** киберхавфсизликни таъминлаш воситалари қўлланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда хусусий ташкилотларни жалб этиш ва уларнинг технопаркларда иштирок этишини таъминлаш;

**(б)** киберхавфсизлик соҳасидаги тадқиқотлар ва ишланмаларнинг устувор йўналишларини аниқлаш, шу жумладан, сунъий интеллект ва блокчейн технологиясини жорий этиш, ушбу ишларни давлат эҳтиёжлари учун амалга оширишга давлат буюртмаларини шакллантириш ҳамда уларни давлат томонидан мақсадли қўллаб-қувватлаш;

**(в)** илмий ва академик муассасалар, касбий ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликнинг самарали шаклларини ишлаб чиқиш, биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказиш;

**(г)** замонавий киберҳужумлар ва кибержиноятларга қарши курашишнинг ҳуқуқий, ташкилий, техник ва амалий жиҳатлари бўйича тадқиқотлар ўтказиш, халқаро амалиётга асосланган инновацион ва самарали усуллар, технологиялар ва ҳимоя стратегияларини ишлаб чиқиш учун киберхавфсизлик соҳасида илмий-амалий тадқиқотларни жадаллаштириш.

## 5-§. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишнинг самарали тизимини ташкил этиш

**8.** Ушбу йўналишда қуйидагилар амалга оширилади:

**(а)** ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг масъул бўлинмалари фаолиятини кучайтириш ҳамда соҳага замонавий технологияларни жорий этишни ривожлантириш ҳамда киберҳужумларга самарали жавоб қайтариш билан шуғулланадиган тезкор гуруҳлар тузиш ва уларнинг доимий равишда тайёргарлик ҳолатини ошириб бориш;

**(б)** тезкор-қидирув ва тергов фаолиятининг замонавий шакллари, воситалари ва усулларидан фаол фойдаланиш, киберхавфсизликни энг юқори даражада таъминлаш ва кибержиноятчиликка қарши самарали курашиш мақсадида киберкриминалистларни тайёрлашни йўлга қўйиш;

**(в)** ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда рақамли криминалистика соҳасини ривожлантириш, шу жумладан, мутахассисларни тайёрлаш ва ўқитиш, ихтисослаштирилган лабораторияларни яратиш, рақамли далилларни тўплаш, таҳлил қилиш ҳамда тергов ўтказиш усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

**(г)** ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан кибермаконда фирибгарлик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва аҳолининг киберҷиноятлар тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш бўйича ўзаро ҳамкорлигининг самарали механизмларини яратиш, киберҷиноятлар тўғрисида ариза ва хабар бериш жараёнини фуқаролар билан боғланиш учун онлайн хизмат ҳамда қулай платформалар ташкил этиш орқали соддалаштириш;

**(д)** давлат ташкилотлари ходимларига ва жамоатчиликка киберхавфсизлик тўғрисида мунтазам равишда янгиликларни етказиб бориш, раҳбарлар ва ходимлар учун тренинглар ўтказиш ҳамда мукаммал ишлаб чиқилган роликлар шаклида оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига киберхавфсизлик тўғрисида тушунчалар етказиш;

**(ж)** ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш ҳамда кибермаконда содир этиладиган янги ижтимоий хавфли ҳаракатлар учун жавобгарликни белгилаш юзасидан Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни такомиллаштириш;

**(з)** фуқароларни телефон ва интернет фирибгарлигидан ҳимоя қилиш учун телекоммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда киберҷиноятчиликка қарши курашиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу жумладан:

**(и)** фирибгар веб-сайтларни автоматлаштирилган тарзда аниқлаш ва уларга қарши курашиш учун фишингга қарши платформа яратиш;

**(к)** потенциал фирибгар қўнғироқларни аниқлаш ва блокировка қилиш ёки улар ҳақида огоҳлантириш юбориш;

**(л)** сохта (шубҳали) қўнғироқларни блоклаш ёки фойдаланувчиларни огоҳлантириш ҳамда уларни исталмаган қўнғироқлардан ҳимоя қилишга қаратилган чораларни кўриш бўйича мобил алоқа операторлари ва провайдерларининг мажбуриятларини белгилаш;

**(м)** реклама ва спам қўнғироқларни чеклаш (рад этиш) ва бошқалар;

**(н)** ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш учун давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, муҳим ахборот инфратузилмаси субъектларининг тезкор ўзаро таъсири ва интеграциясини таъминлаш, шу жумладан, кибержиноятларнинг олдини олиш учун давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, тижорат банклари (кейинги ўринларда – банклар), телекоммуникация операторларининг ўзаро тезкор ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги регламентни ишлаб чиқиш.

## 6-§. Киберхавфсизлик соҳасида хусусий ташкилотларни жалб этиш

**9.** Ушбу йўналишда қуйидагилар амалга оширилади:

**(а)** хусусий секторни киберхавфсизликни таъминлаш соҳасига, шу жумладан, киберҳимояни таъминлаш, киберхавфсизлик ҳодисаларини мониторинг қилиш ва бошқариш, киберхавфсизлик жиҳатдан ҳимояланганликни баҳолаш, мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, стандартларни ишлаб чиқиш ва бошқаларга жалб этиш ҳамда хусусий секторнинг ушбу соҳага сармоя киритишига шароит яратиш;

**(б)** давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурслари ва бошқа ахборотлаштириш объектларини шакллантириш ёки жойлаштириш учун фойдаланиладиган булутли хизматларга (маълумотлар марказлари, хостинг сайтлар, файлларни булутли сақлаш жойлари ва бошқаларга) қўйиладиган киберхавфсизликни таъминлаш талабларини белгилаш;

**(в)** аутсорсинг ва булутли хизматларни тақдим этувчи ташкилотлар томонидан киберхавфсизлик талабларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш;

**(г)** кибертаҳдидларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш учун давлат органлари билан хусусий ташкилотлар ўртасида ахборот алмашиш механизмларини яратиш;

**(д)** киберхавфсизлик соҳасида давлат органлари билан хусусий ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро муносабатлар платформаларини, шу жумладан, интернет платформалар ва форумлар, киберхавфсизлик технологияларини синаш платформалари ва бошқаларни яратиш.

QMMB: 06/26/38/0219-son
11.03.2026-y



## 7-§. Кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизимлари операторлари, валюта биржалари ҳамда кредит бюролари фаолиятида кибертаҳдидларга қарши курашиш ҳамда ахборот тизимлари ва мобил иловаларда киберхавфсизликни таъминлаш чораларини кучайтириш

**10.** Ушбу йўналишда қуйидагилар амалга оширилади:

**(а)** банклар, тўлов тизимлари операторлари, тўлов ва кредит ташкилотларига қўйиладиган кибертаҳдидларга қарши туриш талабларини белгилаш, шу жумладан:

(i) банк ва тўлов тизимларининг киберхавфсизлик жиҳатидан барқарорлигини таъминлаш;

(ii) молиявий хизматлар кўрсатишда кредит-банк соҳаси ташкилотлари фаолиятининг операцион ишончлилиги ва узлуксизлигини ошириш;

**(б)** замонавий халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда банк хизматлари соҳасида турли хил фирибгарликларга қарши курашиш чораларини ишлаб чиқиш, шу жумладан:

(i) кибержиноятчиликка қарши курашиш нуқтаи назаридан банкларнинг мижозлар билан яқин ҳамкорлик қилиши;

(ii) мижозларни фишинг, ижтимоий муҳандислик каби таҳдидлар тўғрисида хабардор қилиш (хабардорлигини ошириш) ҳамда уларни онлайн банкингдан хавфсиз фойдаланишга ўргатиш ва бошқалар;

**(в)** кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизимлари операторлари, валюта биржалари ҳамда кредит бюролари фаолиятида кибержиноятларнинг олдини олиш ва тергов қилиш учун ушбу ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фаол ҳамкорлик механизмларини яратиш;

**(г)** Марказий банк, банклар ва аҳоли ўртасида кибержиноятлар тўғрисида хабардор қилиш, маслаҳатлар бериш бўйича ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини (“ишонч телефонлари”, чат-ботлар, бошқа онлайн хизматлар ва платформалардан бирини) яратиш.

## 8-§. Киберхавфсизлик соҳасида кадрлар салоҳиятини ривожлантириш ҳамда ходимларнинг малакасини ва аҳолининг киберхавфсизлик бўйича ҳуқуқий ва рақамли маданияти (киберсаводхонлик) даражасини ошириш

**11.** Ушбу йўналишда қуйидагилар амалга оширилади:

**(а)** давлат органлари ва ташкилотлари, муҳим ахборот инфратузилмаси субъектлари мутахассисларини киберхавфсизликнинг турли йўналишлари бўйича, шу жумладан, аудит, киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш, рақамли криминалистика, муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида киберхавфсизлик, банк соҳасидаги киберхавфсизлик ҳамда бошқа йўналишлар бўйича ўқитиш механизмини жорий этиш;

**(б)** киберхавфсизлик соҳасидаги мутахассислар CISSP (Certified Information Systems Security Professional), CISM (Certified Information Security Manager), CEH (Certified Ethical Hacker), CompTIA Security+ ва бошқа халқаро сертификатларни қўлга киритишлари учун шарт-шароитлар яратиш, ўқиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш механизмини жорий этиш;

**(в)** давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси субъектларида ишлашга рухсат берилган киберхавфсизлик бўйича мутахассисларни аттестациядан ўтказиш тизимини жорий этиш;

**(г)** киберхавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича давлат органлари билан аҳоли ўртасида ҳамкорликнинг ва ахборот алмашинувини рағбатлантиришнинг механизмини яратиш, шунингдек, кибертаҳдидлар ва хавфсизликнинг энг яхши амалиётлари тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш, шу жумладан, интернет ва онлайн хизматлардан хавфсиз фойдаланиш бўйича ўқитиш;

**(д)** ўқувчилар ва талабаларга интернет тармоғидаги хавфсиз хатти-ҳаракатлар тўғрисида базавий билимларни ўргатиш бўйича юқори синфлар ўқувчилари учун тарбиявий соатлар доирасида кибергигиена машғулотларини ташкил этиш, шунингдек, талабалар ва ўқувчилар учун киберхавфсизлик асослари бўйича бепул онлайн курсларни тақдим этадиган платформаларни шакллантириш;

**(ж)** киберхавфсизлик соҳасида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш учун республика ҳудудларида киберхавфсизлик клубларини ташкил этиш.

## 9-§. Киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида халқаро ва хорижий тузилмалар ва ташкилотлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш

**12.** Ушбу йўналишда қуйидагилар амалга оширилади:

**(а)** киберхавфсизлик соҳасида халқаро ва хорижий тузилмалар ва ташкилотлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш. Хусусан, киберхавфсизлик масалалари бўйича БМТ, МДҲ, ШҲТ, Туркий давлатлар ташкилоти ва Араб давлатлари лигаси мамлакатлари ҳамда бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, стратегик шериклик орқали халқаро тажриба ва технологияларни жалб қилиш. Марказий Осиёда киберхавфсизлик масалалари ҳамда кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича қўшма ташаббусларни ривожлантириш;

**(б)** хорижий давлат ва хусусий тузилмалар, киберхавфсизлик хизматлари, шу жумладан, CERT хизматлари билан ҳамкорликни фаоллаштириш;

**(в)** кибермакондан террористик, жиноий ва бошқа ноқонуний мақсадларда фойдаланишга қарши курашишга қаратилган халқаро киберхавфсизлик тизимини шакллантиришда иштирок этиш, мамлакат манфаатларига жавоб берадиган ва унинг киберхавфсизлигини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган миллий ташаббусларни тайёрлаш ва илгари суриш.

## 3-боб. Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

**13.** Стратегияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш кутилмоқда:

**(а)** мамлакатнинг рақамли суверенитетини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётни рақамли таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва жамиятда киберхавфсизликка бўлган ишончнинг ортиши;

**(б)** давлат ахборот тизимлари, ресурслари, бошқа ахборотлаштириш ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини киберхавфсизлик жиҳатдан ишончли ҳимоя қилишга самарали ёндашув шакллантирилиши, уларнинг барқарор ва узлуксиз ишлашининг таъминланиши;

**(в)** ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар сонининг камайиши, шунингдек, уларни фош этиш даражасининг ошиши;

**(г)** рақамли хизматларга нисбатан фойдаланувчилар ишончининг ошиши;

**(д)** киберхавфсизликни таъминлашга хусусий сектор ва аҳолининг жалб қилиниши;

**(ж)** киберхавфсизлик бўйича мутахассисларнинг малакасини ошириш учун шароит яратилиши, шунингдек, иқтидорли ёшларнинг киберхавфсизликни таъминлаш жараёнларига жалб қилиниши;

**(з)** маҳаллий ахборот-коммуникация маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ахборотни ҳимоялаш воситалари улушининг ошиши;

**(и)** киберхавфсизлик соҳасидаги илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг доимий равишда такомиллаштириб борилиши, шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарининг инновацион фаоллиги даражасининг ошиши;

**(к)** аҳоли киберсаводхонлигининг ошиши ҳамда рақамли хизматлардан фойдаланишда киберхавфсизлик маданиятининг мустаҳкамланиши;

**(л)** мансабдор шахслар ва ташкилотларнинг киберхавфсизликни таъминлаш талабларига риоя қилишга бўлган масъулиятининг кучайиши.

## 4-боб. Якунловчи қоидалар

**14.** Ушбу Стратегия киберхавфсизликни таъминлаш бўйича идоравий дастурлар, илмий-тадқиқот ишлари, чора-тадбирлар режалари ва стандартларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**15.** Стратегияда белгиланган бандлар ижросини назорат қилиш ва амалга оширилаётган чора-тадбирлари самарадорлигини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котибиятига юкланади.

QMMB: 06/26/38/0219-son
11.03.2026-y



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 10 мартдаги ПФ–38-сон Фармонига
2-илова

## Ўзбекистон Республикасининг 2026–2030 йилларга мўлжалланган киберхавфсизлик стратегиясини амалга ошириш бўйича “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш шакли | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Давлат ахборот тизимлари ва ресурслари, бошқа ахборотлаштириш объектлари ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлиги соҳасида норматив-ҳуқуқий ва ташкилий-техник таъминотни такомиллаштириш** | | | | | |
| 1. | Давлат ахборот тизимлари ва ресурслари, бошқа ахборотлаштириш объектлари ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича қоидалар, талаблар ва чора-тадбирларни белгилаш. | 1. Ахборотлаштириш объектлари ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг тоифаларини ҳисобга олган ҳолда киберхавфсизликни таъминлаш бўйича талаблар ва чора-тадбирларни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил май | ДХХ, Мудофаа вазирлиги, ИИВ, ФВВ, ПДХХ, Миллий гвардия, Рақамли технологиялар вазирлиги, ЭТРМ, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| | | 2. Амалий тадқиқотлар ва тажрибалар натижаларини ҳисобга олган ҳолда тизим ва амалий дастурларни интернет тармоғи орқали хавфсиз янгилаш бўйича талаблар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил июнь | |
| | | 3. Интернет тармоғига уланиш хизматларини кўрсатувчи телекоммуникация операторлари тармоқларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларни ишлаб чиқиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил август | |
| | | 4. Интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатувчи телекоммуникация операторлари тармоқларининг киберхавфсизлигини таъминлаш талабларини ишлаб чиқиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил сентябрь | ДХХ, Рақамли технологиялар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, ИИВ, манфаатдор |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 5. Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлиги даражасининг таснифлагичини ишлаб чиқиш.<br>6. Рақамли ҳукумат доирасида давлат ахборот тизимларини интеграция қилишда ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизликни таъминлаш талабларини ишлаб чиқиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси<br>Миллий стандартлар | 2026 йил октябрь<br>2027 йил январь | вазирлик ва идоралар<br>Рақамли технологиялар вазирлиги, ЭТРМ, ДХХ |
| 2. | Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси субъектлари киберхавфсизлигини самарали таъминлаш учун уларнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш. | 1. Давлат органлари ва ташкилотларида ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси субъектларида киберхавфсизликни таъминлаш бўйича таркибий бўлинмалар фаолиятини ташкил этиш масалаларини таҳлил қилиш.<br>2. Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида киберхавфсизликни таъминлаш бўйича бўлинманинг ташкилий-штат тузилмасига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш.<br>3. Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари учун киберхавфсизликни таъминлаш бўйича таркибий бўлинмаларнинг намунавий низомини ишлаб чиқиш. | Хавфсизлик кенгаши котибиятига таҳлилий маълумотнома<br>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2026 йил июль<br>2026 йил август | ДХХ, Мудофаа вазирлиги, ИИВ, ФВВ, ПДХХ, Миллий гвардия, Рақамли технологиялар вазирлиги, ЭТРМ, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 3. | Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик соҳасидаги қонунчилик талабларини бажармаганлик учун мансабдор шахслар жавобгарлигини белгилаш. | Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик соҳасидаги қонунчилик талабларини бажармаганлик учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. | Қонун лойиҳаси | 2026 йил октябрь | ДХХ, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Марказий банк |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 4. | Ягона оператор ва ягона киберхавфсизлик узелининг инфратузилмасини такомиллаштириш, давлат ташкилотлари ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари уларга уланишини таъминлаш. | 1. Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ва ресурсларини, муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини Ягона оператор орқали интернет тармоғига улашда 1 Гбит/сдан кам бўлмаган тезликни назарда тутиш.<br>2. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини Ягона операторга улаш. | Чора-тадбирлар режаси<br><br>Чора-тадбирлар режаси | 2027 йил январь<br><br>2029 йил декабрь | ДХХ,<br>Рақамли технологиялар вазирлиги |
| 5. | Рақамли ҳукумат доирасида давлат ахборот тизимларини интеграция қилишда киберхавфсизлик даражасини ошириш. | 1. Давлат ахборот тизимларини интеграция қилишда ҳимояланган тарзда ахборот алмашиш учун Идоралараро интеграция платформасининг киберҳимоясини таъминлаш талабларини ишлаб чиқиш.<br>2. Идоралараро интеграция платформасининг киберҳимоясига доир чора-тадбирларини амалга ошириш. | Идоравий ҳужжат<br><br>Чора-тадбирлар режаси | 2027 йил апрель<br><br>2027 йил сентябрь | Рақамли технологиялар вазирлиги, ДХХ, ПДХХ |
| 6. | Онлайн шаклда давлат, банк ва бошқа электрон тижорат хизматларини кўрсатишда ахборот тизимлари ва ресурсларидан ҳимояланган тарзда фойдаланиш даражасини ошириш. | 1. Идентификация қилиш ва кўп факторли аутентификация қилиш, онлайн хизматлардан фойдаланишда ҳимояланган уланишларни ташкил этиш талабларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>2. Онлайн хизматлар кўрсатишда ахборот тизимлари ва ресурсларидан ҳимояланган тарзда фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси<br><br>Чора-тадбирлар режаси | 2027 йил май<br><br>2027 йил декабрь | ДХХ,<br>Рақамли технологиялар вазирлиги,<br>Марказий банк |
| 7. | Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида киберхавфсизлик талабларига риоя этилишини назорат қилиш тизимини жорий этиш. | 1. Қуролли Кучларда киберхавфсизлик талабларига риоя этилишини назорат қилиш тизимини жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.<br>2. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. | Хавфсизлик кенгаши котибиятига таҳлилий маълумотнома<br><br>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил декабрь<br><br>2027 йил март | Мудофаа вазирлиги, ДХХ, ПДХХ,<br>Миллий гвардия |

QMMB: 06/26/38/0219-son
11.03.2026-y

10 (1238)-сон
211-модда



| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 8. | Киберхавфсизлик соҳасида техник талабларни тартибга солиш тизимини ривожлантириш. | 1. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги халқаро ва хорижий тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш.<br><br>2. Киберхавфсизликни таъминлаш воситаларига қўйиладиган ва уларни сертификатлаш жараёнида мувофиқлиги текшириладиган талабларни ишлаб чиқиш.<br>3. Киберхавфсизликни таъминлаш воситаларининг таснифланишини ва уларга қўйиладиган умумий талабларни белгилайдиган техник регламентни ишлаб чиқиш.<br>4. | Хавфсизлик кенгаши котибиятига таҳлилий маълумотнома<br><br>Миллий стандартлар<br><br>Техник регламент | 2026 йил ноябрь<br><br>2029 йил декабрь<br><br>Алоҳида тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ | ДХХ, ПДХХ, манфаатдор вазирлик ва идоралар<br><br>ДХХ, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги |
| 9. | Киберхавфсизлик соҳасида хорижий давлатларда амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини тан олиш бўйича ишларни ташкиллаштириш. | 1. Ўзбекистондаги киберхавфсизлик соҳасида сертификатлаш идоралари билан АҚШ, Канада, Хитой, Россия, Белорусь, Жанубий Корея, Япония, Сингапур ва ЕИ давлатларининг шу соҳадаги сертификатлаш хизматлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш.<br>2. Киберхавфсизлик соҳасида хорижий давлатларда амалга ошириладиган мувофиқликни баҳолаш ишларининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш.<br>3. Хорижий давлатларнинг сертификатлаш хизматлари билан мувофиқликни баҳолаш натижаларини ўзаро тан олиш бўйича келишувларга (битимларга) эришиш. | Амалий чора-тадбирлар<br><br>Халқаро битимлар | 2030 йилгача доимий равишда<br><br>2030 йилгача доимий равишда | ДХХ, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **II. Давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурсларини, шунингдек, муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини ҳимоя қилишнинг давлат тизимини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш** | | | | | |
| 10. | Давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурслари, шунингдек, муҳим ахборот инфратузилмаси объектларига сертификатлаштирилган ва экспертизадан ўтказилган ҳимоя воситалари ва тизимларни жорий этишда хорижий инвестициялар ва грантларни жалб қилиш. | 1. Вазирлик ва идораларнинг ҳимоя воситалари ва тизимларни жорий этишда хорижий инвестициялар, грантлар ва кредитлар жалб этишдаги эҳтиёжини аниқлаш.<br>2. Белгиланган тартибда ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатлари асосида инвестициялар, грантлар ва кредитлар жалб этиш чораларини кўриш. | Тадбирлар дастури | 2026 йил сентябрь<br><br>Хорижий томон билан келишилган муддатларда | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар<br><br>Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги |
| **III. Киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида киберхавфсизлик ҳолатини мониторинг қилиш тизимини жорий этиш ҳамда киберхавфсизлик субъектлари билан ваколатли органлар ўртасида фаол ва тезкор ҳамкорликни таъминлаш** | | | | | |
| 11. | Киберхавфсизлик ҳодисаларини мониторинг қилиш ва уларга жавоб қайтариш миллий тизимини яратиш орқали марказлар (SOC) ташкил этиш. | 1. Киберхавфсизлик ҳодисаларини мониторинг қилиш ва уларга жавоб қайтариш миллий тизимининг марказий ва соҳавий SOCларни ўз ичига олган тузилмасини аниқлаш.<br>2. Киберхавфсизлик ҳодисаларини мониторинг қилиш ва уларга жавоб қайтариш миллий тизимига қўйиладиган талабларни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>3. Киберхавфсизлик ҳодисаларини мониторинг қилиш ва уларга жавоб қайтариш миллий тизимини яратиш бўйича лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | Амалий чора-тадбирлар<br><br>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси<br><br>Техник топшириқлар ва чора-тадбирлар режаси | 2026 йил декабрь<br><br>2027 йил март<br><br>2029 йил декабрь | ДХХ, ПДХХ, ИИВ, Рақамли технологиялар вазирлиги, ЭТРМ, Марказий банк, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 12. | Муҳим ахборот инфратузилмаси субъектларининг киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб қайтаришда киберхавфсизлик бўйича ваколатли орган ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан тезкор ўзаро муносабатлари тизимини шакллантириш. | Киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб қайтаришда муҳим ахборот инфратузилмаси субъектлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш регламентини тайёрлаш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил декабрь | ДХХ, ИИВ, Рақамли технологиялар вазирлиги, ЭТРМ, Мудофаа вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| **IV. Киберхавфсизлик воситаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ишлаб чиқарилишини ривожлантириш учун ҳамда киберхавфсизлик соҳасидаги илмий ташкилотлар ва ишлаб чиқариш корхоналарини инновацион ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш** | | | | | |
| 13. | Киберхавфсизликни таъминлаш воситалари қўлланилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда хусусий ташкилотларни жалб этиш ва уларнинг технопаркларда иштирок этишини таъминлаш. | 1. Ахборотни ҳимоялаш воситаларидан фойдаланиш, хусусий ташкилотларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш.<br>2. Хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, киберхавфсизлик воситаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш, хусусий ташкилотларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш.<br>3. Ахборотлаштириш объектлари ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида фойдаланиш учун ахборотни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий компаниялар билан алоқалар ўрнатиш. | Хавфсизлик кенгаши котибиятига таҳлилий маълумотнома<br>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси<br>Битим (Меморандум) | 2026 йил август<br>2026 йил сентябрь<br>2027 йил январь | ДХХ, Мудофаа вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, ИИВ, ПДХХ, Марказий банк, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Миллий гвардия, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 14. | Киберхавфсизлик соҳасидаги тадқиқотлар ва ишланмаларнинг устувор йўналишларини аниқлаш, шу жумладан, сунъий интеллект, квант технологиялари ва блокчейн технологиясини жорий этиш, ушбу ишларни давлат эҳтиёжлари учун амалга оширишга давлат буюртмаларини шакллантириш ва уларни давлат томонидан мақсадли қўллаб-қувватлаш. | 1. Киберхавфсизлик соҳасида зарур тадқиқот мавзулари ва ишланмалар йўналишларини шакллантириш.<br><br>2. 2026–2030 йилларда киберхавфсизлик соҳасида ўтказиладиган тадқиқотлар ва ишланмалар дастурини тайёрлаш ва тасдиқлаш. | Амалий чора-тадбирлар<br><br>Ижрочилар, молиялаштириш ҳажми ва манбалари кўрсатилган ишланмалар ва тадқиқотлар дастури | 2026 йил сентябрь<br><br>2027 йил январь | ДХХ, ПДХХ, Мудофаа вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 15. | Замонавий киберҳужумлар ва кибержиноятларга қарши курашишнинг ҳуқуқий, ташкилий, техник ва амалий жиҳатлари бўйича тадқиқотлар ўтказиш, халқаро амалиётга асосланган инновацион ва самарали усуллар, технологиялар ва ҳимоя стратегияларини ишлаб чиқиш учун киберхавфсизлик соҳасида илмий-амалий тадқиқотларни жадаллаштириш. | 1. Киберхавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш йўналиши бўйича ўқитиш ва илмий тадқиқотлар ўтказиш.<br>2. Илмий ва академик муассасалар, касбий ва жамоат бирлашмалари томонидан киберхавфсизлик соҳасида илмий-тадқиқот лойиҳаларини бажариш бўйича танловларда иштирок этиш учун белгиланган тартибда аризалар киритиш.<br>3. Киберхавфсизлик соҳасида илмий тадқиқот ишлари (PhD, DSc) илмий мақолалар натижаларини амалиётга жорий этиш чораларини кўриш. | Илмий тадқиқотлар дастури | 2027 йил январь | ДХХ, Мудофаа вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **V. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишнинг самарали тизимини ташкил этиш** | | | | | |
| 16. | Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг масъул бўлинмалари фаолиятини кучайтириш ҳамда соҳага замонавий технологияларни жорий этишни ривожлантириш. | 1. Хорижий тажрибани ўрганиш ва ички ишлар органлари ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашишга масъул бўлинмаларининг штатларини ушбу йўналишдаги криминоген вазиятга мувофиқ тарзда кўпайтириш ҳамда соҳага замонавий технологияларни жорий этишни ривожлантириш юзасидан таклифлар тайёрлаш.<br>2. Ички ишлар органлари ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашишга масъул бўлинмалари фаолиятини кучайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.<br>3. Ички ишлар вазирлигида кибержиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларга малакали мутахассисларни жалб қилиш. | Хавфсизлик кенгаши котибиятига таҳлилий маълумотнома<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси<br>Тадбирлар дастури | 2027 йил август<br>2027 йил ноябрь<br>2027 йил ноябрь | ИИВ, ДХХ |
| 17. | Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида рақамли криминалистика соҳасини ривожлантириш, шу жумладан, мутахассисларни тайёрлаш ва ўқитиш. | 1. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мутахассислари учун рақамли криминалистика соҳасида ўқув дастурини тайёрлаш.<br>2. Ички ишлар вазирлиги тизимида рақамли криминалистика фаолиятини такомиллаштириш ҳамда тезкор-фаолиятни ахборот-техник қўллаб-қувватлашга мўлжалланган киберлаборатория ташкил этиш юзасидан норматив-ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва киритиш. | Ўқув дастури<br>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2026 йил июнь<br>2026 йил декабрь | ИИВ, Бош прокуратура, ДХХ, ЭТРМ, Адлия вазирлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 3. Рақамли далилларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тергов ўтказиш усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш. | Методик ишланмалар ва қўлланмалар | 2027 йил декабрь | |
| 18. | Кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва аҳоли ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини яратиш, кибержиноятчиликка қарши курашиш учун давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, банклар ва телекоммуникация операторларини интеграция қилиш. | 1. Фирибгарларни зудлик билан аниқлаш ва блоклаш учун давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, банклар, телекоммуникация операторлари ўртасида онлайн ҳамкорлик қилишда ишлатиладиган ахборот тизимини яратиш. | Чора-тадбирлар мажмуи | 2026 йил сентябрь | ИИВ, Рақамли технологиялар вазирлиги, ДХХ, ЭТРМ, Марказий банк |
| | | 2. Рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган фирибгарлик схемаларини ўрганиш ва уларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш учун идоралараро мутахассислар гуруҳини ташкил этиш, фирибгарликнинг мумкин бўлган шакллари ва схемалари, шунингдек, улардан ҳимоя қилиш учун қилишлари керак бўлган ҳаракатлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш. | Қўшма қарор | 2026 йил октябрь | |
| | | 3. Кибержиноятларнинг олдини олиш учун давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, банклар, телекоммуникация операторларининг ўзаро тезкор ҳамкорлиги регламентини ишлаб чиқиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2027 йил декабрь | |
| | | 4. Сохта/шубҳали қўнғироқларни блоклаш ёки фойдаланувчиларни огоҳлантириш ҳамда уларни исталмаган қўнғироқлардан ҳимоя қилишга қаратилган чораларни кўриш бўйича мобил алоқа операторлари ва провайдерларнинг мажбуриятларини белгилаш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2027 йил декабрь | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **VI. Киберхавфсизлик соҳасида хусусий ташкилотларни жалб этиш** | | | | | |
| 19. | Хусусий секторни киберхавфсизлик талабларига мувофиқ экспертиза ва сертификациялаш жараёнларига жалб қилиш учун шароит яратиш. | 1. Хорижий ташкилотларнинг ушбу йўналишда амалга оширилган лойиҳаларини ҳамда дастурларини таҳлил этиш. Таҳлил натижаларига мувофиқ киберхавфсизлик соҳасида хусусий аутсорсингни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни тайёрлаш. | Таҳлилий маълумотнома | 2026 йил август | ДХХ, Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| | | 2. Давлат ахборот тизимлари ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида киберхавфсизликни таъминлашда хусусий сектор ва аутсорсинг ташкилотлари иштирокини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2027 йил январь | ДХХ, Рақамли технологиялар вазирлиги |
| 20. | Давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа ахборотлаштириш объектларини шакллантириш ёки жойлаштириш учун фойдаланиладиган булутли хизматларга қўйиладиган киберхавфсизликни таъминлаш талабларини белгилаш. | 1. Булутли хизматлар бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш.<br>2. Ушбу йўналишда тартибга солиш билан боғлиқ ҳуқуқий бўшлиқларни ва муаммоларни аниқлаш. | Таҳлилий маълумотнома | 2026 йил август | ДХХ, Рақамли технологиялар вазирлиги, ЭТРМ, Марказий банк |
| | | 3. Булутли хизматлар учун киберхавфсизликни таъминлаш талабларини ишлаб чиқиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил декабрь | |
| 21. | Аутсорсинг ва булутли хизматларни тақдим этувчи ташкилотлар томонидан киберхавфсизлик талабларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш. | 1. Аутсорсинг ва булутли хизматларни кўрсатиш йўналишидаги ташкилотларнинг амалга оширилган лойиҳаларини ҳамда дастурларини таҳлил этиш.<br>2. Чет эл тажрибасини ўрганиш ва аутсорсинг ва булутли хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар томонидан киберхавфсизлик талабларининг бажарилишини назорат қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | Таҳлилий маълумотнома | 2027 йил март | ДХХ, Рақамли технологиялар вазирлиги, Марказий банк |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 3. Аутсорсинг ва булутли хизматларни кўрсатувчи ташкилотларни назорат қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2027 йил июнь | |
| 22. | Киберхавфсизлик соҳасида давлат органлари билан хусусий ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро муносабатлар платформаларини, шу жумладан, интернет-платформалари ва форумлари, киберхавфсизлик технологияларини синаш платформалари ва бошқаларни яратиш. | 1. Киберхавфсизлик соҳасида давлат органлари билан хусусий ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича норматив-ҳуқуқий бўшлиқларни ва муаммоларни аниқлаш.<br>2. Хорижий тажрибани ва хусусий сектор манфаатдорлигини ҳисобга олган ҳолда, киберхавфсизлик соҳасида давлат органлари ва хусусий ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро муносабатлар платформаси дастурини ишлаб чиқиш.<br>3. Киберхавфсизлик соҳасида давлат органлари ва хусусий ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро муносабатлар платформаси дастурини амалга ошириш. | Тадбирлар дастури<br><br>Рақамли хизматлар ва платформалар яратиш | 2026 йил октябрь<br><br>2028 йил декабрь | ДХХ, Мудофаа вазирлиги, ИИВ, ФВВ, ПДХХ, Миллий гвардия, Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| **VII. Киберхавфсизлик соҳасида кадрлар салоҳиятини ривожлантириш ҳамда ходимларнинг малакасини ва аҳолининг киберхавфсизлик бўйича ҳуқуқий ва рақамли маданияти (киберсаводхонлик) даражасини ошириш** | | | | | |
| 23. | Интернетдаги хавфсиз хатти-ҳаракатлар тўғрисида базавий билимларни ўргатиш бўйича юқори синф ўқувчилари учун тарбиявий соатлар доирасида кибергигиена машғулотларини ташкил этиш, шунингдек, талабалар ва мактаб ўқувчилари учун киберхавфсизлик асослари бўйича бепул онлайн курсларни тақдим этадиган платформаларни яратиш. | 1. Мазкур йўналишда илғор хорижий тажрибани ўрганиш.<br>2. Хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда талабаларни ва мактаб ўқувчиларини киберхавфсизлик ва интернетдаги хавфсиз хатти-ҳаракатлар тўғрисида ўқитиш учун сервислар ва платформалар яратиш бўйича дастур тайёрлаш. | Таҳлилий маълумотнома<br><br>Амалий чора-тадбирлар | 2026 йил август<br><br>2027 йил январь | ДХХ, Рақамли технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 24. | Киберхавфсизлик соҳасида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида республика ҳудудларида “Киберхавфсизлик маркази” ДУК базасида киберхавфсизлик клубларини ташкил этиш. | 1. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳрида киберхавфсизлик клубларини тегишли техник жиҳозлар, юқори тезликдаги интернет каналлари билан таъминлаш.<br>2. Ушбу клублар фаолиятини ёшларни жалб этган ҳолда республика миқёсида ташкил этиш.<br>3. Киберхавфсизлик соҳасида ёшларнинг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида клуб аъзолари ўртасида танловлар ўтказиш ва ғолибларни рағбатлантириш. | Чора-тадбирлар режаси | 2026 йил август<br><br>2026 йил декабрь<br><br>Ҳар йили | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Рақамли технологиялар вазирлиги, ДХХ, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 25. | Киберхавфсизлик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш. | 1. Киберхавфсизлик соҳасида кадрларни тайёрлаш, тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш юзасидан чет эл тажрибасини ўрганиш ва тегишли таклифлар ишлаб чиқиш.<br>2. Киберхавфсизлик соҳасида давлат тузилмаларида фаолият юритишнинг жозибадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.<br>3. Киберхавфсизлик соҳасида давлат грантлари асосида таҳсил олган олий таълим муассасалари битирувчиларини давлат тузилмаларида фаолият юритишлари механизмлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.<br>4. Киберхавфсизлик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил август | ДХХ, Рақамли технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **VIII. Киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида халқаро ва хорижий тузилмалар ва ташкилотлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш** | | | | | |
| 26. | Марказий Осиёда кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича қўшма ташаббусларни ривожлантириш.<br>Киберхавфсизлик соҳасида халқаро ва хорижий тузилмалар ва ташкилотлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш. Хусусан, киберхавфсизлик масалалари бўйича БМТ, МДҲ, ШҲТ, ТДТ ва АДЛ мамлакатлари ҳамда бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, стратегик шериклик орқали халқаро тажриба ва технологияларни жалб қилиш. | 1. Хавфсизлик кенгаши котибияти билан келишилган ҳолда Марказий Осиё минтақасида киберхавфсизликни таъминлаш бўйича қўшни давлатлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш.<br>Бунда Марказий Осиё минтақасидаги давлатларнинг киберхавфсизликка масъул бўлган идоралари вакиллари иштирокида конференция ўтказиш, соҳа йўналишида ҳамкорлик қилиш доирасини белгилаб олиш ҳамда минтақада киберхавфсизлик таҳдидларига қарши курашиш ва киберхавфсизлик ҳодисаларига чора кўриш тадбирлари келишиб оли.<br>2. Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтида киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятчиликка қарши курашиш масалалари бўйича таҳлилий бўлинмани ташкил этиш юзасидан таклиф киритиш.<br>3. Мавжуд кибертаҳдидлар ва амалиётлар тўғрисида ўзаро маълумот алмашиш каналларини белгилаш.<br>4. Киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятларга қарши кураш бўйича тажриба алмашиш.<br>5. Киберхавфсизлик соҳасида ўтказиладиган халқаро илмий-амалий семинар ва конференцияларда иштирок этиш. | Марказий Осиё минтақасидаги давлатларнинг биринчи конференцияси (Тошкент шаҳрида)<br>Хавфсизлик кенгаши котибиятига асослантирилган таклифлар киритиш | 2030 йилгача доимий равишда | ДХХ, ИИВ, ПДХХ, Мудофаа вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Марказий банк, Миллий гвардия, Ташқи ишлар вазирлиги, МОТХИ, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 27. | Хорижий давлат ва хусусий тузилмалар билан, киберхавфсизлик хизматлари, шу жумладан, CERT хизматлари билан ҳамкорликни фаоллаштириш. | 1. Хорижий киберхавфсизликни таъминлаш хизматлари ва марказлари билан (шунингдек Threat Intellegence Sharing, Hunting, MISP) ҳамкорликни кенгайтириш.<br>2. Ўзаро амалий ёрдам тўғрисида келишувларга эришиш.<br>3. Киберхавфсизлик соҳасида ўтказиладиган халқаро илмий-амалий семинар ва конференцияларда иштирок этиш. | Битимлар (меморандумлар) имзолаш | 2030 йилгача доимий равишда | ДХХ, Мудофаа вазирлиги, ИИВ, ПДХХ, Рақамли технологиялар вазирлиги, Марказий банк, Миллий гвардия, Ташқи ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 28. | Кибермакондан террористик, жиноий ва бошқа ноқонуний мақсадларда фойдаланишга қарши курашишга қаратилган халқаро киберхавфсизлик тизимини шакллантиришда иштирок этиш, мамлакат манфаатларига жавоб берадиган ва унинг киберхавфсизлигини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган миллий ташаббусларни тайёрлаш ва киритиш. | 1. Кибермакондан террористик, жиноий ва бошқа ноқонуний мақсадларда фойдаланишга қарши курашишга қаратилган халқаро тажрибани ўрганиш бўйича таклифлар тайёрлаш.<br>2. Халқаро майдонларда ва киберхавфсизлик масалалари билан боғлиқ тадбирларда миллий ташаббусларни тайёрлаш ва илгари суриш. | Ташаббусларни тайёрлаш ва халқаро тадбирларда иштирок этиш | 2030 йилгача доимий равишда | ДХХ, Мудофаа вазирлиги, ИИВ, ПДХХ, Рақамли технологиялар вазирлиги, Марказий банк, Миллий гвардия, Ташқи ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

10 (1238)-сон
Кўчирма
212-модда

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING**

# FARMONI

2026 yil «13» март ПФ–40 -son

## Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда сўнгги йилларда кузатилаётган иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, ўсиб бораётган аҳолининг озиқ-овқатга ва саноатнинг хомашёга бўлган талабини қондириш, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишда қишлоқ хўжалиги соҳаси илм-фани ўрнини юксалтириш ҳамда инновацион фаолиятни бошқариш ва тартибга солишнинг ягона тизимини яратиш мақсадида **қарор қиламан**:

### I. Асосий мақсадлар ва устувор йўналишлар

**1.** Қуйидагилар республикада қишлоқ хўжалиги соҳасини илмий-инновацион ривожлантириш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижадорлигини ошириш, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг **2030 йилгача** мўлжалланган асосий **мақсадлари** этиб белгилансин:

**(а)** қишлоқ хўжалигига оид патентланган янги илмий ишланма ва технологиялар сонини **3 бараварга**;

**(б)** халқаро илмий нашрларда чоп этилган мақолалар сонини **2 бараварга**;

**(в)** илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги танловларга тақдим этиладиган лойиҳалар сонини **2 бараварга**;

**(г)** агромаслаҳатлар ва илғор хорижий агротехнологиялар трансфери хизматларидан фойдаланадиган субъектлар қамровини **4 бараварга**;

**(д)** халқаро ҳамкорлик доирасида амалга оширилган илмий тадқиқотлар сонини **3 бараварга ошириш**.

## II. Қишлоқ хўжалиги соҳаси илм-фанида давлат бошқарувини такомиллаштириш

**2.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг:

**(а)** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази негизида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида **Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси** (кейинги ўринларда – Академия)ни ташкил этиш;

**(б)** **1-иловага** мувофиқ Академия ташкилий тузилмасига вазирлик ва идоралар тизимидаги илмий ташкилотларни ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

**3.** Қуйидагилар:

**(а)** Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг **асосий фаолият йўналишлари** 2-иловага мувофиқ;

**(б)** Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг **ташкилий тузилмаси** 3-иловага мувофиқ;

**(в)** Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси фаолиятини ташкил этиш бўйича **чора-тадбирлар дастури** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**4.** Белгилаб қўйилсинки:

**(а)** Академия қишлоқ хўжалиги соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар йўналишлари, узоқ ва яқин муддатли дастурларни белгиловчи ҳамда мувофиқлаштирувчи, агросаноат мажмуини илмий жиҳатдан ривожлантиришни амалга оширувчи **давлат илмий муассасаси ҳисобланади**;

**(б)** қишлоқ хўжалиги, ер муносабатлари билан боғлиқ **ислоҳотларни амалга ошириш бўйича** ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишиш жараёнида **мажбурий тартибда** Академияда илмий экспертизадан ўтказилади;

**(в)** Академия Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича **ҳуқуқий вориси ҳисобланади**;

**(г)** Академияга қишлоқ хўжалиги вазири тақдимномасига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан беш йил муддатга тайинланадиган **раис** раҳбарлик қилади ҳамда у **уч нафар ўринбосарга** эга бўлади;

**(д)** Академия бошқарув аппарати ходимларининг чекланган умумий сони **60 та** этиб белгиланади, шундан қўшимча **19 та штат бирлиги** Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги **илмий ташкилотлар штатларининг мақбуллаштирилган қисми ҳисобига ажратилади**;

**(ж)** Республика агрохизматлар маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларига Академияда янги агротехнологияларни, самарадор инновациялар ва илм-фан ютуқларини жорий этиш вазифалари юклатилади;

**(з)** Академия қишлоқ хўжалигида тупроқ сифати, уни тиклаш ва бошқа муаммоларни биргаликда ҳал қилиш учун муайян инновацион муҳитда **маҳсулот етиштирувчи – тадбиркор – тадқиқотчи** ҳамкорлигидаги ташаббусларга қаратилган “**Living lab”** лойиҳаларини амалга оширади;

**(и)** Академия ва унинг таркибидаги ташкилотларда **амалдаги молиялаштириш тартиби, меҳнатга ҳақ тўлаш** ҳамда **моддий рағбатлантириш шартлари** сақлаб қолинади;

**(к)** Академия Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани “А.Яссавий” МФЙ Ш.Рашидов кўчаси 1-уй манзилига **оператив бошқариш** ҳуқуқи асосида бепул жойлаштирилади.

**5.** Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

**(а)** Академияда қуйидаги **унвонлар** бериш тартиби жорий қилинади:

**(i)** **ёш академик** – илмий соҳада самарали фаолият юритиб келаётган, иқтидорли ва лидерлик қобилиятига эга **40 ёшгача** бўлган фан докторлари (DSc) орасидан талабгорларга танлов асосида қишлоқ хўжалиги вазири томонидан берилади;

**(ii)** **Академия профессори –** юқори илмий салоҳиятга эга, профессор унвонини олган олимлар ҳамда ёш академиклар орасидан талабгорларга танлов асосида қишлоқ хўжалиги вазири томонидан берилади;

**(iii)** **Академиянинг мухбир аъзоси** – муайян даражадаги илмий-амалий ечимга эга ишланмалар яратган, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшган олимлар (фан докторлари, профессорлар) ҳамда Академия профессорлари орасидан танлов асосида Академия умумий йиғилишида сайланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади;

(iv) **Академиянинг ҳақиқий аъзоси (академик)** – халқаро даражадаги илмий ишлари билан танилган, ўзининг илмий мактабини яратган, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган олимлар (фан докторлари, профессорлар) ва Академия мухбир аъзоларидан Академия умумий йиғилишида сайланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади;

(v) **Академиянинг хорижий аъзолари –** жаҳон илм-фанида юқори натижаларга эришган, халқаро ҳамкорлик ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган хорижий фуқаролар орасидан Академия умумий йиғилишида сайланади ҳамда (ёки) Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади;

**(б)** 2026 йилда сайловни ўтказиш учун Академияга **3 нафар** ҳақиқий (академик) ва **5 нафар** мухбир аъзолар учун бўш ўрин (квота) ажратилади;

**(в)** Академия ҳақиқий (академик) ва мухбир аъзолигига қишлоқ хўжалиги соҳасида эришган улкан ютуқлари, **яратилган ишланмалари, янги инновацион технологиялари** ишлаб чиқаришда кенг миқёсда татбиқ этилган ҳамда **юқори иқтисодий** ва **ижтимоий самара берган**, шунингдек, уларни оммалаштириш бўйича хорижий тажрибаларда ўзини оқлаган **“спин-офф”** каби услубиётлар орқали **хизматларни** йўлга қўйган номзодлар танлаб олинади;

**(г)** Академия ҳақиқий (академик) ва мухбир аъзолигига номзодларни танлов асосида саралаш Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда кўпи билан **икки йилда бир маротаба** ўтказилади;

**(д)** Академияда ҳақиқий аъзолардан ташқари **Академиянинг фахрий профессори** унвони жорий этилади.

**6.** Белгилансинки:

**(а)** Академиянинг қуйидаги аъзоларига **гонорар тўланади**:

(i) **ҳақиқий аъзоларига (академикка)** – Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларига (академикка) тенглаштирилган миқдорда;

(ii) **мухбир аъзоларига** – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **2,81 баравари миқдорда**;

(б) **собиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий** (академик) ва **мухбир аъзолари** тегишлилиги бўйича Академиянинг ҳақиқий (академик) ва мухбир аъзолари ҳисобланади;

(в) **Академиянинг ҳақиқий** (академик) ва **мухбир аъзоларига** Фанлар академияси ҳақиқий аъзолари учун белгиланган тиббий хизматлар кўрсатиш, саломатлигини санаторий ва курорт-соғломлаштириш муассасаларида мустаҳкамлаш тартиби **қўлланади**;

(г) **Академиянинг ҳақиқий** (академик) ва **мухбир аъзоларининг гонорар ва соғломлаштириш харажатларини** молиялаштириш 2026 йилда Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ажратилган республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, 2027 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

## III. Илмий-тадқиқот муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш

**7.** Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Академия ҳузуридаги **Қишлоқ хўжалигида илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** этиб (кейинги ўринларда – Жамғарма) қайта номлансин.

**8.** Жамғарманинг **қўшимча молиялаштириш манбалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига асосан республика бюджетидан ҳар йили ажратиладиган **50 миллиард сўмгача** маблағлар;

(б) Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан илмий лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратиладиган маблағлари.

**9.** Қишлоқ хўжалигида илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари йўналтириладиган **асосий харажатлар йўналишлари 5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

**10.** Қуйидагилар:

(а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 июлдаги ПҚ–216-сон қарорига мувофиқ **Қишлоқ хўжалиги фундаментал тадқиқотлар маркази** (Centre of Excellence) (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилгани маълумот учун қабул қилинсин;

**(б)** белгилансинки, Марказ:

**(i)** Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани Суранкент мавзеси “Аҳмад Яссавий” МФЙ ҳудудидаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказига қарашли 9,2 гектар ер майдонида барпо этиладиган **бино ва иншоотларда жойлаштирилади**;

**(ii)** ўз биноси қурилгунга қадар вақтинчалик Академия биносида жойлаштирилади.

**11.** Қишлоқ хўжалигида фундаментал тадқиқотлар маркази (Centre of Excellence) биносининг қурилиши ишларини жадаллаштириш ва ўз вақтида якунлаш бўйича **ишчи гуруҳ** ташкил этилсин ва унинг таркиби **6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

**12.** Қуйидагилар Марказнинг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

**(а)** қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муаммоларга илмий ечим топишда асосий қонуниятлар ҳақидаги янги билимларни олишга, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ўрганишга қаратилган назарий ва тажриба-синов ўтказишга қаратилган фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш;

**(б)** қишлоқ хўжалигида глобал иқлим ўзгаришининг салбий таъсири ва шўрланиш каби муаммоларнинг фундаментал асосларини тадқиқ этиш;

**(в)** жаҳон илм-фани ютуқлари ва илғор технологияларни қўллаш орқали қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилдор, иссиққа ва қурғоқчиликка чидамли, генетик жиҳатдан яхшиланган нав ва дурагайларини яратиш;

**(г)** “илмга асосланган, амалиётга йўналтирилган (science-based, practice-oriented) таълим” тамойили асосида илмий тадқиқотлар ўтказиш ва юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш.

**13.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Академия қишлоқ хўжалиги соҳасида илғор тажрибага эга халқаро тан олинган экспертларни жалб қилган ҳолда **2026 йил 1 июнга** қадар ўз тизимидаги илмий муассасалар илмий ходимлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) ва илмий муассасалар фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этсин. Бунда:

**(а)** ҳар уч йилда бир марта ташқи мустақил илмий аудит ташкилотини жалб қилган ҳолда илмий-тадқиқот муассасаларида илм-фан аудитини ташкил этсин;

**(б)** илм-фан аудити натижалари асосида илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий-инновацион фаолияти натижалари рейтингини эълон қилиб борсин.

## IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

**14.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига **7-иловага** мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

**15.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**16.** Ушбу Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев ҳамда қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов белгилансин.

**17.** Фармон ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

10 (1238)-сон
212-модда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПФ–40-сон Фармонига
1-илова

## Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси ташкилий тузилмасига вазирлик ва идоралар тизимидан ўтказиладиган илмий ташкилотлар
## РЎЙХАТИ

| Т/р | Илмий ташкилот номи | Юридик манзили | Юқори турувчи ташкилот номи |
|---|---|---|---|
| 1. | Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти | Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги |
| 2. | Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти | Тошкент вилояти, Қибрай тумани, “Шалола” МФЙ, ЎзЧИТИ кўчаси, 22-уй | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси |
| 3. | Балиқчилик илмий-тадқиқот институти | Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор қўрғони, “Қўшёғоч” МФЙ, 2-уй | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси |
| 4. | Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47-уй | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси |
| 5. | Бухоро чўл-яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш маркази | Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 97-уй | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси |

**Изоҳ.** *Бошқа идоралар тизимидан Академия тизимига ўтказиладиган илмий ташкилотларнинг амалдаги молиялаштириш тартиби ва тасдиқланган штат бирликлари сақлаб қолинади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПФ–40-сон Фармонига
2-илова

## Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг
## АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. Қишлоқ хўжалигида фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион **фаолиятнинг устувор йўналишларини** ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш.

2. Қишлоқ хўжалиги илм-фан соҳасини яқин ва узоқ муддатли ривожлантириш **стратегия (дастур)ларини** ишлаб чиқиш ҳамда соҳадаги яқин ва узоқ муддатли прогнозларни ишлаб чиқишда илмий тавсиялар бериш.

3. **Замонавий селекция усулларини қўллаш орқали** қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилдор, иссиққа ва қурғоқчиликка чидамли, генетик жиҳатдан яхшиланган нав, дурагайларини яратиш ҳамда уларни етиштиришнинг **интенсив технологияларини** ишлаб чиқиш.

4. Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилиши назарда тутиладиган йирик ишлаб чиқариш (шу жумладан, тажриба тариқасидаги) лойиҳаларини кўриб чиқиш ва илмий хулосалар ва/ёки тавсиялар ишлаб чиқиш.

5. Қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори унумли ва ресурстежамкор техника ва технологияларни яратиш ва амалиётга кенг жорий қилиш ҳамда соҳада **бошқарув жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш**.

6. Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини юмшатишга қаратилган **“ақлли қишлоқ хўжалиги” илм-фанини ривожлантириш** ва **интеллектуал салоҳиятни оширишнинг янги замонавий механизмларини татбиқ этиш**.

7. Иқлим ўзгаришини **баҳолаш**, унинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлигига **салбий оқибатларини** юмшатиш бўйича таъсирчан **илмий-амалий ёндошувларини** ишлаб чиқиш.

8. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда **органик ва экологик тоза маҳсулот етиштиришнинг фундаментал асосларини ишлаб чиқиш**.

**9.** Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги **стандартларни ишлаб чиқишда** тегишли илмий муассасалар билан биргаликда илмий **таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш**.

**10. Чорва ҳайвонлари, парранда, балиқ ва асаларининг янги зотларини яратиш** ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини ошириш.

**11.** Ўсимликлар ўсишини бошқаришда **биологик** ва **экологик хавфсиз замонавий қарши курашиш усулларини ишлаб чиқиш**.

**12. "Ёш олимдан – академикликкача" тамойили** асосида юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш.

**13.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга илмий асосланган ахборот-маслаҳат ва замонавий хизматлар кўрсатиш, **ишлаб чиқаришга илм-фан ютуқларини кенг жорий қилиш**.

**14.** Хорижий илмий марказларнинг илм-фан ютуқларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, улардан **қишлоқ хўжалиги соҳасида фойдаланиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПФ–40-сон Фармонига
3-илова

## Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг
## ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ




**) Академия мазкур муассасаларнинг илмий-инновацион фаолиятини мувофиқлаштиради.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПФ–40-сон Фармонига
4-илова

## Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддатлари | Молиялаштириш манбаи | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **1.** | Ўзбекистон **қишлоқ хўжалиги фанлари академияси** (кейинги ўринларда – Академия) фаолиятини ташкил этиш. | 1. Қуйидагиларни тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш:<br>Академиянинг устави;<br>Академиянинг ҳақиқий (академик) ва мухбир аъзолигига танлов асосида саралаш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом.<br>2. Ҳукумат қарори лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш.<br>3. Ҳукумат қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2026 йил май<br><br>2026 йил июнь<br>2026 йил июль | – | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,<br>Фанлар академияси |
| **2.** | Академия таркибидаги илмий ташкилотларнинг **фаолият йўналишларини** қайтадан кўриб чиқиш ва такомиллаштириш. | 1. Хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда Академия таркибидаги илмий ташкилотларнинг фаолият йўналишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.<br>2. Ўрганиш натижалари асосида илмий ташкилотлар фаолиятини баҳолаш, уларнинг вазифа ва функциялари ҳамда илмий йўналиш ва лойиҳаларини такрорланиши нуқтаи назаридан тўлиқ қайта кўриб чиқиш.<br>3. Ишлаб чиқаришнинг реал эҳтиёжи ва халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда илмий ташкилотларнинг фаолият йўналишларига ўзгартиришлар киритиш. | 2026 йил май<br><br>2026 йил июнь<br><br>2026 йил июль | Қишлоқ хўжалигида илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,<br>Инновацион ривожланиш агентлиги,<br>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги |
| **3.** | Илмий-тадқиқот институтларининг **моддий-** | 1. Мавжуд лабораторияларни ҳамда тажриба-синов инфратузилмасини хатловдан | 2026 йил август | Жамғарма маблағлари, | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **техника базасини мустаҳкамлаш** ва янги замонавий **илмий лабораториялар** ташкил этиш. | ўтказиш ҳамда зарур янги замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар рўйхатини шакллантириш.<br>2. Қишлоқ хўжалиги экинларининг янги нав ва дурагайларини яратишда селекция жараёнларини жадаллаштиришнинг замонавий усулларидан фойдаланишни жорий этиш.<br>3. "In-vitro" лабораторияси ҳамда фитотрон иссиқхоналарини ташкил этиш. | Доимий<br><br>2026 йил декабрь | халқаро грант маблағлари | Академия |
| **4.** | Қишлоқ хўжалиги соҳасида хориждаги етакчи олимларни Академия таркибидаги илмий ташкилотларга **ҳамкорлик учун** жалб қилиш. | 1. Илмий ташкилотларнинг фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда етакчи хорижий турдош илмий муассасалар билан узвий ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаш.<br>2. Белгиланган устувор йўналишларга мувофиқ илмий ташкилотларнинг хорижий илмий муассасалар билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва кенгайтириш.<br>3. Академия илмий ташкилотларига маслаҳатчи ва етакчи олимлар сифатида юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш. | 2026 йил октябрь<br><br>Доимий<br><br>2026 йил декабрь | Жамғарма маблағлари, халқаро молия институтлари грант маблағлари | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги |
| **5.** | Академиянинг ҳақиқий (академик) ва мухбир аъзолари томонидан шакллантирилган илмий жамоалар томонидан эришилган салмоқли натижаларни амалиётга кенг жорий этиш. | 1. Академиянинг ҳақиқий (академик) ва мухбир аъзолари ва уларнинг илмий жамоалари томонидан яратилган янги ишланмаларни амалиётга кенг жорий этиш.<br>2. Ҳақиқий (академик) ва мухбир аъзолар билан ишлаб чиқариш корхоналарининг узвий ҳамкорлигини йўлга қўйиш.<br>3. Хорижий тажрибаларда ўзини оқлаган "спин-офф" ва "соил-доктор" каби корхоналар орқали консальтинг хизматларини кўрсатиш. | 2027 йилдан доимий | – | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси, Академия |
| **6.** | Академияда илмий йўналишлар бўйича "академик мактаблари"ни яратиш. | 1. Соҳа учун салоҳиятли кадрларни тайёрлашда тегишли олий таълим ташкилотларида ўқиш давридан бошлаб | Доимий | – | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Академия, |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | иқтидорли талабаларни “устоз-шогирд” тизими асосида илмий тадқиқотлар олиб бориш жараёнига бевосита жалб қилиш.<br>2. Академия таркибида “ёш олим – профессор – мухбир аъзо – академик” тизими асосида келажак академикларини тайёрлаш илмий мактабини шакллантириш.<br>3. Академия тизимидаги илмий ташкилотларда илғор хорижий тажрибалар асосида “ўзига ўзи кадр тайёрлаш” амалиётини жорий қилиш. | Доимий<br><br>Доимий | | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги,<br>Фанлар академияси |
| **7.** | Академия тизимидаги илмий муассасаларнинг ер участкаларидан мақсадли фойдаланиш ҳолатини ўрганиш. | 1. Илмий муассасаларнинг ер участкаларини хатловдан ўтказиш.<br>2. Хатлов натижалари бўйича ер участкаларидан мақсадли фойдаланиш ҳолатини ўрганиш.<br>3. Ўрганиш натижалари бўйича ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш. | 2026 йил май<br><br>2026 йил июнь<br><br>2026 йил июль | – | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,<br>Академия,<br>Кадастр агентлиги,<br>вилоят ҳокимликлари |
| **8.** | Қишлоқ хўжалиги соҳасида глобал иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини юмшатишга қаратилган истиқболли **илмий дастурларни** ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 1. Глобал иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалигига салбий таъсирини юмшатишга қаратилган илмий-тадқиқотлар мавзуларини шакллантириш.<br>2. Иқлим ўзгаришининг салбий таъсирига мос истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2026 йил сентябрь<br><br>2026 йил октябрь | Маблағ талаб этилмайди | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,<br>Академия,<br>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги,<br>манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| **9.** | Қишлоқ хўжалиги экинларининг **маҳаллий навлари селекциясини** янада ривожлантириш чораларини белгилаб олиш ва амалга ошириш. | 1. Илмий-тадқиқот институтлари томонидан қишлоқ хўжалиги экинлари (сабзавот) селекцияси бўйича йўналишларни белгилаб олиш ва 5 йиллик муддатда яратиладиган нав, дурагайлар режаларини ишлаб чиқиш. | 2026 йил июль | Жамғарма маблағлари | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,<br>Академия,<br>манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 2. Илмий-тадқиқот институтлари томонидан белгиланган режага мувофиқ қишлоқ хўжалиги экинлари (сабзавотлар) нинг янги нав ва дурагайлари селекцияси бўйича тадқиқотлар олиб борилишини ташкил қилиш. | 2026–2030 йиллар давомида | | |
| **10.** | Қишлоқ хўжалиги экинларининг селекцияси билан шуғулланувчи **ёш мутахассисларнинг малакасини** ошириш. | 1. Қишлоқ хўжалиги экинларининг селекцияси билан шуғулланувчи ва хорижий тилларни биладиган мутахассислар рўйхатини шакллантириш.<br>2. Қишлоқ хўжалиги экинларининг (сабзавот, полиз) F1 дурагайлар селекция ва уруғчилиги ривожланган давлатлар билан малака ошириш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш.<br>3. Ёш иқтидорли мутахассисларни малака ошириш учун қисқа муддатли стажировкага юбориш. | 2026 йил май<br>2026 йил июнь–июль<br>2026–2030 йиллар давомида | Халқаро молия институтлари маблағлари | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| **11.** | Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари (мева-сабзавот, полиз экинлари, картошка ва узум) селекциясини жадаллаштириш мақсадида **лабораторияларни маркер селекцияси** учун зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш. | 1. Илмий-тадқиқот институтларида лабораторияларга маркер селекцияси учун зарурий асбоб-ускуналарни сотиб олиш мақсадида талаб этиладиган маблағлар манбасини аниқлаш.<br>2. Мева-сабзавот, полиз экинлари, картошка ва узум маркер селекцияси учун зарур асбоб-ускуналарни сотиб олиш мақсадида тендер танловларини ўтказиш.<br>3. Мева-сабзавот, полиз экинлари, картошка ва узум маркер селекцияси учун асбоб-ускуналарни сотиб олиш. | 2026 йил сентябрь<br>2026 йил октябрь–ноябрь<br>2027 йил I чорак | Халқаро молия институтлари маблағлари | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Академия, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| **12.** | Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва инновацион ресурстежамкор | 1. Соҳадаги долзарб йўналишлар маълумотлар базасини яратиш.<br>2. Устувор драйвер йўналишларни белгилаш ва уларнинг илмий ечими бўйича лойиҳалар мавзуларини шакллантириш. | 2026 йил апрель<br>2026 йил май | Халқаро молия институтлари ва Жамғарма маблағлари | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Академия, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. | 3. Қишлоқ хўжалиги экинларининг хусусиятларидан (экин тури, экиш муддати, ўсиш даври) келиб чиқиб инновацион ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш бўйича илмий лойиҳаларни амалга ошириш. | Доимий | | |
| **13.** | Қишлоқ хўжалиги экинлари генетик ресурслари Миллий генбанкига ноёб илмий объект мақомини бериш. | 1. Миллий генбанк фаолияти ва унинг моддий-техника базаси, сақланаётган генетик ресурслар таркиби ва аҳамияти бўйича тўлиқ таҳлилий маълумотлар тайёрлаш.<br>2. Мутасаддиларни жалб қилган ҳолда генбанкнинг озиқ-овқат хавфсизлиги, селекция, биотехнология ва илмий тадқиқотлардаги аҳамиятини асословчи илмий хулоса ишлаб чиқиш.<br>3. Қишлоқ хўжалиги экинлари генетик ресурслари Миллий генбанкини ноёб илмий объект сифатида эътироф этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2026 йил май<br>2026 йил июнь<br>2026 йил сентябрь | – | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш агентлиги, Академия |
| **14.** | Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларида Академиянинг илмий ташкилотлари олимлари билан тармоқ йўналишлари бўйича маҳорат дарслари, семинарлар, тренинглар, вебинарлар ва онлайн маслаҳатлашувлар ташкил қилиш. | 1. Маҳорат дарслари, семинар-тренинг, тематик вебинар, онлайн маслаҳатлашувлар ўтказиш бўйича бир йилга мўлжалланган олий таълим муассасалари кесимида режа-жадвални ишлаб чиқиш.<br>2. Тингловчи ва иштирокчиларни жалб қилиш учун режа-жадвални интернет тармоғига жойлаштириш.<br>3. Ўтказилган тадбирлар бўйича умумлаштирилган маълумотларни таълим жараёнига татбиқ қилиш. | Доимий<br>Ҳар йили январь ойида<br>Доимий | – | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Академия, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| **15.** | Соҳа олимларининг **илмий ютуқлари** ва яратилган ишланмаларини мунтазам равишда кенг ёритиб бориш. | 1. Академия ва илмий ташкилотлар томонидан эришилган ютуқлар ва яратилган янги ишланмалар тўғрисидаги ахборотларни тарқатиш бўйича масъул гуруҳ ташкил этиш. | 2026 йил апрель | Жамғарма маблағлари | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Академия, |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 2. Тармоқ йўналишларидан келиб чиқиб, даврий нашр этиладиган электрон журналлар ташкил этиш.<br>3. ОАВ вакиллари билан доимий матбуот анжуманлари, очиқ эшиклар кунини ташкил этиш. | 2026 август<br><br>Доимий | | Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги |
| **16.** | Қишлоқ хўжалигида **фундаментал тадқиқотлар маркази** (Centre of Excellence) фаолиятини ташкил этиш. | 1. Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш.<br><br>2. Қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш, вазирлик ва идоралар билан келишиш.<br><br>3. Лойиҳани белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2026 йил апрель<br><br>2026 йил 1 июнь<br><br>2026 йил июль | – | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Академия, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги |
| **17.** | Академия ҳузуридаги **Ёш олимлар кенгаши** фаолиятини ташкил этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш. | 1. Ёш олимлар кенгашининг мақсад ва вазифалари, тузилмаси ва самарали фаолият юритиши бўйича иш дастурларини шакллантириш.<br>2. Академиклар ва етакчи олимлар билан ёш олимлар мулоқотини кучайтириш, улар учун форумлар, ижтимоий тармоқларда махсус гуруҳлар ташкил қилиш.<br>3. Кенгаш фаолияти бўйича ёш олимлар орасида ижтимоий сўровлар ўтказиш.<br>4. Кенгаш ҳисоботини Академия Президиумида эшитиб бориш. | 2026 йил май<br><br>Режа асосида<br><br>Режа асосида<br><br>Ҳар йили январь ойида | Жамғарма маблағлари | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПФ–40-сон Фармонига
5-илова

## Қишлоқ хўжалигида илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари йўналтириладиган харажатлар ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. Академия ва унинг тизимидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг **моддий-техника базасини мустаҳкамлаш** харажатларини молиялаштириш.
2. Илмий асбоб-ускуналар, **реагент**, **реактив**, **хомашё**, **сарфлов материаллар** ва **бутловчи қисмлар** харид қилиш.
3. Долзарб илмий-тадқиқот натижаларига оид **монография** ва **китоблар** чоп этиш.
4. Олимларнинг малакасини ошириш учун курслар, семинарлар ва тренинглар ташкил этиш ҳамда уларнинг иштирокини таъминлаш.
5. Академия ходимларини **моддий рағбатлантириш**, уларни хорижий хизмат сафарларига юбориш харажатларини қоплаш.
6. “Scopus”, “Web of science” ва бошқа **маълумотлар базаларига обуна бўлиш** харажатларини қоплаш.
7. Янги агротехнологияларни, самарадор инновациялар ва илм-фан ютуқларини **амалиётга татбиқ этиш** бўйича семинар-тренинглар ўтказиш харажатларини қоплаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПФ–40-сон Фармонига
6-илова

**Қишлоқ хўжалигида фундаментал тадқиқотлар маркази (Centre of Excellence) биносининг қурилиши ишларини жадаллаштириш ва ўз вақтида якунлаш бўйича ишчи гуруҳ**
**ТАРКИБИ**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Ш.Ж. Тўхтабоев | Бош прокурор ўринбосари, *Ишчи гуруҳ раҳбари* |
| 2. | А.Н. Шукуров | қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари, *Ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари* |
| 3. | Т.Ю. Рапиков | Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, экспорт, савдо, қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари котибиятининг мудири |
| 4. | А.Я. Хайдаров | иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари |
| 5. | Д.К. Адилов | қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари |
| 6. | М.А. Мадраҳимов | ташқи ишлар вазири ўринбосари |
| 7. | У.М. Мамадаминов | энергетика вазири ўринбосари |
| 8. | Ш.У. Турдикулова | Фанлар академияси вице-президенти |
| 9. | Ж.С.Казбеков | Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси ўринбосари |
| 10. | Лавозими бўйича | Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси раиси |
| 11. | Э.А. Кахоров | “Агробанк” АТБ бошқаруви раиси |
| 12. | У.Б. Атемов | Юқори Чирчиқ тумани ҳокими |
| 13. | Т.У. Атакулов | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи, *Ишчи гуруҳ котиби* |

***Изоҳ:*** *Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПФ–40-сон Фармонига
7-илова

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ–6159-сон Фармонида:

**(а)** 2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

**(б)** 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Белгилансинки:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси (кейинги ўринларда – Академия) Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади;

Академия ўз тизимидаги илмий-тадқиқот муассасаси фаолиятига бевосита раҳбарлик қилади, чорвачилик йўналишлари, ўрмон ва сув хўжалиги, ипакчилик соҳаларидаги илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб боради, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги олий ва профессионал таълим муассасаларининг илмий ва инновацион фаолиятини мувофиқлаштиради”;

**(в)** 5-бандда:

**(i)** “б” кичик банддаги “Инновацион ривожланиш вазирлигига” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

**(ii)** “в” кичик бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) беш йиллик дастурда назарда тутилган, шунингдек, қишлоқ хўжалиги субъектлари томонидан таклиф этилган ва бюджетдан молиялаштирилмаган ёки тўлиқ молиялаштирилмаган лойиҳалар ҳамда бошқа вазифалар Академия ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш

жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) томонидан амалга оширилади";

учинчи хатбошидаги "Миллий марказ" сўзлари "Академия" сўзи билан алмаштирилсин;

**(г)** 8-банднинг иккинчи хатбошисидаги "Миллий марказ" сўзлари "Академия" сўзи билан алмаштирилсин;

**(д)** 10-банднинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги тегишли келишикдаги "Миллий марказ" сўзлари тегишли келишикдаги "Академия" сўзи билан алмаштирилсин;

**(ж)** 11-банднинг биринчи хатбошисидаги "Миллий марказ" сўзлари "Академия" сўзи билан алмаштирилсин;

**(и)** 4-илованинг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"1. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси".

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 июндаги "Маъмурийислоҳотлар доирасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–90-сон Фармонида:

**(а)** 1-бандда:

**(i)** бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

**(ii)** олтинчи – тўққизинчи хатбошилар тегишинча бешинчи – саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

**(б)** 2-иловада:

**(i)** "Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси" ҳамда "Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти" блоклари чиқариб ташлансин;

**(ii)** "Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази" блоки қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси";

**(в)** 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

**(г)** 8-илованинг 6-позицияси "Чора-тадбирлар номи" устуни биринчи хатбошисидаги "Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳудудида" сўзлари "Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани "А.Яссавий" МФЙ ҳудудида жойлашган Дала экинлари уруғчилиги миллий тадқиқот мажмуаси дирекцияси ҳудудида" сўзлари билан алмаштирилсин.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–4975-сон қарорида:

**(а)** 2-бандда:

**(i)** иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

**(ii)** учинчи – бешинчи хатбошилар тегишинча иккинчи – тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

**(iii)** иккинчи хатбошидаги “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг” сўзлари “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг (кейинги ўринларда – Академия)” сўзлари билан алмаштирилсин;

**(iv)** учинчи хатбошидаги “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг” сўзлари “Академиянинг” сўзи билан алмаштирилсин;

**(v)** тўртинчи хатбошидаги “Миллий марказ” сўзлари “Академия” сўзи билан алмаштирилсин;

**(б)** 4-бандда:

**(i)** “а” ва “б” кичик бандлар чиқариб ташлансин;

**(ii)** “в”, “д” ва “ж” кичик бандлардаги “Миллий марказ” сўзлари “Академия” сўзи билан алмаштирилсин;

**(в)** 7-банднинг биринчи хатбошисидаги “Миллий марказ” сўзлари “Академия” сўзи билан алмаштирилсин;

**(г)** 13-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

**(д)** 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

**(ж)** 3 ва 4-иловаларнинг номланишидаги “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг” сўзлари “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг” сўзлари билан алмаштирилсин.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги “Республикада картошка етиштиришни кўпайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–269-сон қарорининг 2-банди “а” кичик бандидаги “1 декабрга қадар кейинги” сўзлари “1 февралга қадар жорий” сўзлари билан алмаштирилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI KANSELYARIYA 1

QMMB: 07/26/93/0221-son
11.03.2026-y.

10 (1238)-сон
213-модда

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2026 yil «11» март

№ ПҚ–93

## Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ **қарор қиламан:**

1. 2025 йил 26 август куни Самарқанд шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Ҳукумати ўртасидаги инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим тасдиқлансин.

2. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ушбу халқаро шартномани амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартноманинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ҳамда уни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган тўғрисида Иордания томонига тегишли билдиришнома юборсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари мазкур халқаро шартнома кучга кирганидан кейин унинг қоидалари амалга оширилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — **Ш. Мирзиёев**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/95/0224-son
13.03.2026-y.

10 (1238)-сон
214-модда

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING**
**QARORI**

2026 yil «12» март № ПҚ–95

## Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ **қарор қиламан**:

**1.** 2024 йил 6 июнь куни Анқара шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида минтақавий ривожланиш соҳасида ҳамкорликни кучайтириш тўғрисидаги Битим тасдиқлансин.

**2.** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги мазкур халқаро шартномани амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган этиб белгилансин.

**3.** Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартноманинг кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилгани ҳамда уни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган тўғрисида хориж томонига тегишли билдиришнома юборсин.

**4.** Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари мазкур халқаро шартнома кучга кирганидан кейин унинг қоидалари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

**5.** Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/96/0249-son
17.03.2026-y.

10 (1238)-сон
215-модда

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
# QARORI

2026 yil «13» март № ПК–96

## Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни янада жадаллаштириш тўғрисида

Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, инфратузилма ва бизнес муҳитини янада яхшилаш орқали юқори иқтисодий ўсишга эришиш, яшил тамойилли ёндашувларни кенг жорий этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш ҳамда туризмни жадал ривожлантириш мақсадида **қарор қиламан:**

### I. Асосий мақсадлар

**1.** Қуйидагилар Қашқадарё вилоятида **2026 йилда** юқори иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгилансин:

**(а)** ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми **8,2 фоизга**, саноат ишлаб чиқариш ҳажми – **8,6 фоизга**, бозор хизматлари ҳажми – **15,9 фоизга**, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми – **5,8 фоизга** ва қурилиш **13,2 фоизга** ўсишини таъминлаш;

**(б)** ишсизлик даражасини **3,2 фоизга** ва камбағаллик даражасини **3 фоизга** пасайтириш, шу орқали Қарши, Шаҳрисабз шаҳарлари ва Китоб туманига қўшимча **Ғузор, Қамаши, Кўкдала, Миришкор, Шаҳрисабз, Яккабоғ** туманларини **ишсизлик** ва **камбағалликдан холи ҳудудга** айлантириш;

**(в)** ҳудудий экспорт ҳажмини **1,3 бараварга**, инвестициялар ҳажмини **1,6 бараварга** ошириш;

**(г)** қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш, насос станцияларини модернизация қилиш орқали кутиладиган **800 миллион метр куб** сув танқислиги таъсирини юмшатиш;

**(д)** **15,8 минг** гектар қишлоқ хўжалиги ер майдонларини қайта фойдаланишга киритиш;

**(ж)** ҳудудлар ўртасида **транспорт боғлиқлигини** таъминлаш орқали хорижий ва маҳаллий туристлар сонини **3,2 миллион** нафарга етказиш, жойлаштириш воситаларидаги ўринлар сонини **1,4 баравар**га ошириш.

**II. Вилоят ҳудудларини комплекс ривожлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун зарур инфратузилмавий шароитларни яратиш**

**2.** Қашқадарё вилоятида янги имконият ва ташаббусларни ишга солиш, тадбиркорлик инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлар режаси **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин, бунда:

**(а)** халқаро аҳамиятдаги "А–378" **Самарқанд – Ғузор** автомобиль йўлининг **28 км**, "М–39" **Тошкент – Термиз** автомобиль йўлининг **38 км**, давлат аҳамиятидаги "Д–150" **Кўкдала – Қарши шаҳри** автомобиль йўлининг **49 км** қисмини қайта қуриш;

**(б)** **халқаро молия институтлари маблағларини** жалб этган ҳолда 2026 йилда:

**(i)** халқаро аҳамиятдаги **"М–39" Тошкент–Термиз** автомобиль йўлининг **1255–1315 км** қисмини реконструкция қилиш;

**(ii)** Деҳқонобод тумани **маъмурий марказининг замонавий қиёфасини** шакллантириш ҳамда аҳоли яшаши учун қулай бўлган замонавий массив ташкил этиш;

**(iii)** Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари, Китоб, Деҳқонобод ва Қамаши туманлари марказида **оқова сув тармоқларини** реконструкция қилиш ва қуриш;

**(iv)** Косон ва Муборак туманлари марказлари ҳамда Китоб-Шаҳрисабз ерости сув конидан сув олиш қувурига яқин бўлган қишлоқ аҳоли пунктларининг **сув таъминоти тизимини реконструкция** қилиш;

**(в)** Қарши магистрал канали бўйлаб унинг Қарши тумани ҳудудидан ўтувчи **3 км** қисмида **"Янги Насаф" экомажмуасини** барпо этиш;

**(г)** электр таъминотини яхшилаш мақсадида **460 та трансформатор** пунктларини ўрнатиш ва **1 592 км электр тармоқларини** янгилаш;

**(д)** аҳолини ичимлик ва оқова сув билан таъминлаш даражасини ошириш учун **16 та** иншоот ҳамда **416 км** тармоқларни қуриш ва таъмирлаш назарда тутилади.

**3.** Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг маҳаллаларнинг ихтисослашувини чуқурлаштириш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи **кооперация тизимини кенг жорий қилиш** бўйича таклифи маъқуллансин:

QMMB: 07/26/96/0249-son
17.03.2026-у.



**(а)** **тажриба-синов тариқасида** “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”, “Саховат ва кўмак” ҳамда “Инфратузилма ва ижтимоий барқарорлик” жамғармаларида 2026 йил 1 март ҳамда кейинги йилларда 1 январь ҳолатига шаклланган қолдиқ маблағларнинг 50 фоизгача қисмини Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгаши қарори асосида маҳаллалар ихтисослашувини чуқурлаштиришга қаратилган инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтиришга рухсат бериш. Бунда ушбу жамғармалар маблағлари “Инфратузилма ва ижтимоий барқарорлик” жамғармасига ўтказилган ҳолда сарфланади;

**(б)** Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Маҳалла ихтисослашуви ва бандликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма)ни ташкил этиш;

**(в)** Жамғармага Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан **50 миллиард сўм** ҳамда маҳаллий бюджет даромадларининг орттириб бажарилган қисми ҳисобидан ресурсларни йўналтириш. Бунда Жамғарма маблағларини:

**(i)** маҳаллалар ихтисослашувини чуқурлаштириш мақсадида кооперация алоқаларини йўлга қўйиш истагида бўлган тадбиркорларга тижорат банклари орқали Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошмаган фоиз ставкасида имтиёзли ресурс сифатида ажратиш;

**(ii)** депозитга жойлаштириш ҳисобидан маҳаллий ҳокимликларнинг фоиз шаклида олинадиган даромадларини тадбиркорларнинг кооперация алоқаларини йўлга қўйишни рағбатлантириш, шу жумладан, умумий фойдаланишдаги инфратузилма объектларини барпо этиш харажатларини субсидиялаш орқали уларни қўллаб-қувватлашга йўналтириш.

**4.** Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги **уч ой муддатда** мазкур қарорга **2-иловага** мувофиқ Қарши шаҳридаги маъмурий биноларга маҳаллий бошқарув органларини жойлаштириш ҳамда **2а-иловага** мувофиқ бино-иншоотларни аукцион савдоларига чиқариш чораларини кўрсин. Бунда маҳаллий бошқарув органларини жойлаштириш учун ажратилаётган мавжуд кўчмас мулк объектларини лойиҳалаш, қурилиш-таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш харажатлари 2а-иловада назарда тутилган бино-иншоотларни сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

## III. Саноатни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, мавжуд имконият ва захираларни тўлиқ ишга солиш

**5.** Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг Муборак тумани “Кончилар” МФЙ ҳудудидаги ушбу қарорга **3-иловага** мувофиқ **200 гектар** ер майдонида “**Муборак инновацион саноат зонаси**” махсус иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда – Махсус иқтисодий зона) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

**6.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

**(а)** Автомобиль йўллари қўмитаси, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзсувтаъминот” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ ва “Ўзбектелеком” АЖ билан биргаликда **2026 йил 1 июлга қадар** Махсус иқтисодий зонани зарур муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг манзилли рўйхатини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**(б)** саноатни жадал ривожлантириш бўйича лойиҳа офислари фаолиятини **республика бўйича кенгайтириш** мақсадида вазирлик ташаббуси билан 2026 йил Ўзбекистон Республикаси республика бюджети харажатларини мақбуллаштириш ҳисобидан **40 миллиард сўм** маблағ ажратсин.

**7.** Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** маҳаллийлаштириш ва кооперация лойиҳаларини амалга ошириш учун Қашқадарё вилоятидаги **норуда фойдали қазилма конлари ва участкаларини 4-иловага** мувофиқ белгиланган тартибда электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарсин.

## IV. Транспорт боғлиқликни ошириш ва туристик имкониятларни ишга солиш

**8.** Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча маблағлари ҳисобидан Қашқадарё вилоятининг **йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш моделини** (бош режа) ишлаб чиқиш бўйича нуфузли консалтинг компаниясини жалб қилсин. Бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

**(а)** туман (шаҳар) марказларининг вилоят марказлари билан боғлиқлигини кучайтириш;

**(б)** аҳоли пунктларини туристик ва маданий мерос объектлари, марказлар, ижтимоий ва бошқа кўнгилочар объектлар билан қулай равишда боғлаш;

**(в)** тирбандликларнинг олдини олиш, пиёдалар ва “саломатлик йўлаклари” учун қулай ва замонавий ечимларни аниқлаш.

**9.** Транспорт вазирлиги “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан биргаликда **икки ҳафта муддатда** вилоят аҳолиси мобиллигини ва ҳудудлараро боғлиқликни ошириш мақсадида **Тошкент–Шаҳрисабз** йўналишида ҳаракатланувчи **юқори тезликдаги поездлар** ҳаракатини ҳафтасига **3 мартага** етказиш чораларини кўрсин.

**10.** Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Кадастр агентлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

**(а)** Чироқчи туманида “Соҳил бўйи” мажмуасини (кейинги ўринларда — Мажмуа) ривожлантириш ва бошқариш билан боғлиқ вазифа ва функцияларни Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги **Қашқадарё вилоятида туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқариш департаменти** (кейинги ўринларда — Департамент)га юклаш;

**(б)** Мажмуа ҳудудидаги бўш ер майдонларини сотишдан тушадиган тушумларни (сотиш харажатларидан ташқари) тўлиқлигича Департамент ихтиёрида қолдириш;

**(в)** Департамент ихтиёрида қолдирилган маблағларни Халқ депутатлари Чироқчи тумани кенгаши қарори асосида Мажмуани барпо қилиш билан боғлиқ ташқи ва ички муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва бошқа зарур инфратузилмани яратиш, коммуникация тармоқларини кўчириш, ободонлаштириш ҳамда бузилишга тушган кўчмас мулк объектлари учун жисмоний ва юридик шахсларга тўланадиган компенсация тўловларини қоплаш билан боғлиқ тадбирларни ҳамда Департаментни сақлаш харажатларини молиялаштириш учун сарфлаш.

**11.** 2026–2027 йилларда “Соҳил бўйи” мажмуасини барпо этиш учун талаб этиладиган инфратузилма билан таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар режаси **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

**12.** Шаҳрисабз тумани Ҳисорак-Ғелон-Кўл хўжаликлараро ички автомобиль йўли бўйларидаги туман ҳокимлиги захирасидаги **37,8 гектар** ер майдонлари замонавий туризм ва хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан “Ғелон” туристик-рекреацион зонаси дирекциясига ажратилган ҳолда электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарилсин. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги **бир ой муддатда** ушбу ер майдонларининг тавсифини тасдиқлаш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

## V. Вилоятда энергия самарадорлигини ошириш

**13.** Энергия самарадорлиги миллий агентлиги ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг **6-иловага** мувофиқ чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

**(а)** энергия истеъмоли юқори **1,2 мингта** аҳоли хонадонларига энергия самарадор қурилмалар ўрнатиш ва таъмирлаш учун “**яшил таъмир**” ва “**яшил истеъмол**” кредитларини ажратиш ҳамда субсидиялар бериш;

**(б) энергия самарадорлиги** бўйича илғор халқаро тажриба асосида:

**(i)** Нишон туманида **4 та** ижтимоий соҳа муассасалари ҳамда Қамаши тумани тиббиёт бирлашмасининг **12 та** бино-иншоотларини **таъмирлаш;**

**(ii)** “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман (шаҳар)” мақоми берилган туман (шаҳар)ларда **2 та** ижтимоий соҳа муассасаларини “**Ноль энергия сарфли бинолар**” концепцияси асосида модернизация қилиш;

**(iii)** ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида **69 та ижтимоий соҳа муассасаларини** реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашда **энергия самарадорлиги** бўйича талабларни жорий этиш;

**(в)** вилоятдаги **311 та** ижтимоий соҳа муассасаларини иссиқ сув таъминоти билан таъминлаш мақсадида уларга **623 та гелиоколлектор** ўрнатиш.

## VI. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва сув хўжалигида ресурслардан самарали фойдаланиш

**14.** “Ўзагростар холдинг” компанияси, “Ўзмиллийбанк” АЖ, “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ, “Микрокредитбанк” АТБ, АТ “Халқ банки”, Экология қўмитаси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

**(а)** Шаҳрисабз туманида “Қува агростар”, Қамаши туманида “Янгийўл агростар”, Кўкдала туманида “Мирзачўл агростар”, Ғузор туманида “Навоий агростар” МЧЖларнинг **лойиҳа офисларини** ташкил қилиш;

**(б)** вилоятда **15 минг** гектар, шундан 2026 йилда ўзлаштириладиган **5,2 минг** гектар ер майдонларида **чорва озуқаси** етиштириш ҳамда кооперация асосида ривожлантириш учун **Муборак туманида “Қашқадарё агростар” компаниясини ташкил этиш** ва унга **Нишон**, **Ғузор**, **Деҳқонобод** ҳамда **Қамаши** туманларини бириктириш.

**15.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **7-иловада** келтирилган Қашқадарё вилоятидаги қишлоқ хўжалиги айланмасидан чиқиб кетган ерларни қишлоқ хўжалигида қайта фойдаланишга киритиш тадбирларини амалга оширсин. Бунда:

**(а)** Қашқадарё вилояти ҳокимлиги:

**(i) бир ҳафта муддатда** белгиланган майдонларни қишлоқ хўжалиги айланмасига қайта киритиш учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар манзилли рўйхатини Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**(ii) икки ҳафта муддатда** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги билан келишган ҳолда жорий йил экин мавсумигача қишлоқ хўжалиги айланмасига киритиладиган майдонларда тупроқ-иқлим шароити ва сув таъминотидан келиб чиқиб экиладиган озиқ-овқат ва озуқа экинлари рўйхатини экин майдонлари кесимида тасдиқлаб, экишга тайёргарлик ва экиш ишларини ташкил этсин. Бунда захирада бўлган ер майдонларини белгиланган тартибда электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш чораларини кўрсин;

**(б)** мазкур бандда назарда тутилган тадбирлар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 2026 йил Ўзбекистон Республикаси республика бюджети харажатларини мақбуллаштириш ҳисобидан молиялаштирилсин.

**16.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Бошқарув самарадорлиги агентлиги билан биргаликда **2026 йил якунига қадар** Осиё тараққиёт банкининг чорвачилик ва яйловларни ривожлантириш лойиҳаси доирасида жалб қилинадиган маблағлар ҳисобидан тажриба-синов тариқасида Нишон туманидаги **1 минг гектар майдонда** деградацияга учраган **яйловларни бошқариш** моделини яратсин. Бунда:

**(а)** **Япониянинг Тоттори университети** экспертларини жалб қилган ҳолда "**Уруғчилик ороли**" технологияси асосида янги уруғ майдончалари, **Мўғулистон тажрибаси** асосида махсус ҳимояланган ҳудудларда чорва учун **озуқа базаси** ва сувларни йиғиш ҳамда самарали бошқариш учун **6 та тик қудуқ** ва мини-резервуарлар ташкил этилсин;

**(б)** лойиҳани самарали амалга ошириш ва бошқариш мақсадида Нишон тумани ҳокимлиги ҳузурида лойиҳа офиси фаолияти йўлга қўйилсин ва малакали мутахассислар билан таъминлансин.

**17.** Қашқадарё вилояти ҳокимлиги томонидан аҳолининг сув ва электр сарфини ҳисобга олиш, улар бўйича онлайн тарзда ҳисобот юритиш, шунингдек, жараёнларни масофадан бошқариш имконини берувчи "**Ақлли қудуқлар**" **платформаси** жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин. Бунда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги:

**(а)** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш агентлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** ушбу лойиҳани молиялаштириш учун **грант ажратиш** чорасини кўрсин;

**(б)** **2026 йил давомида** томорқа ерларини суғориш тизимлари яхшиланган 85 та маҳаллада мазкур тажриба асосида ишларни тизимли равишда йўлга қўйсин ҳамда жараёнларни мувофиқлаштириш ва тезкор бошқариш мақсадида ҳокимлик ҳузурида **Марказий диспетчерлик хизматини** ташкил этсин.

**18.** Сув хўжалиги вазирлиги **2026 йил давомида** Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги экинлари ва қайта фойдаланишга киритиладиган қўшимча ер майдонларини ўз вақтида сув билан таъминлаш мақсадида Амударё ҳавзасидан вилоят чегарасигача **3,7 миллиард метр куб** сув етказиб берилишини, зарур ҳолларда, Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармасига ажратилган электр энергияси лимити қайта тақсимланишини таъминласин.

**19.** Сув хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

**(а) 2026 йил 1 июлга қадар** Ғузор туманидаги **139 км** ариқ ва каналлар ўрнига “Пачкамар” сув омборидан, Қамаши туманидаги **50 км** ариқ ва каналлар ўрнига “Қамаши” сув омборидан босқичма-босқич қувурли тизим асосида сув олиш бўйича лойиҳа концепциясини ҳамда лойиҳаларни баҳолаш ҳужжатларини ишлаб чиқсин;

**(б) 2026 йил 1 октябрга қадар** халқаро молия институтлари билан биргаликда мазкур лойиҳаларни молиялаштириш масаласида музокаралар ўтказиб, Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

**20.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **бир ой муддатда Касби**, **Нишон**, **Косон** ва **Миришкор** туманларида йирик ва майда шохли қорамолларни боқишга ихтисослашган **20 та** маҳалладаги мавжуд **44 минг** бош қорамолларнинг наслини яхшилаш учун хорижий ва маҳаллий ветеринарларни жалб қилсин.

**21.** Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг ташкилий тузилмасига амалдаги штат бирликлари доирасида **вилоят ҳокимининг чўл ҳудудлари ва аграр соҳага инвестицияларни жалб қилиш бўйича ўринбосари** лавозими киритилсин ҳамда унинг **3 нафар** штат бирлигидан иборат котибияти ташкил этилсин.

**22.** Қашқадарё вилояти ҳокимлиги тузилмасига киритилаётган ҳоким ўринбосарининг асосий вазифалари **8-иловага** мувофиқ белгилансин.

## VII. Инсон капиталини ривожлантириш

**23.** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

**(а)** 2026 йил давомида мактабгача таълим билан қамров даражаси **80 фоиздан** паст бўлган 12 та туманда **350 та** нодавлат оилавий мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этсин;

**(б)** 120 та мактабгача таълим ташкилотларини бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳларини ташкил этиш учун зарур жиҳозлар билан таъминласин.

**24.** Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Миграция агентлиги ва Касбий таълим агентлигининг **Германия Федератив Республикаси** билан ҳамкорликда 2026 йилдан бошлаб ёшларни немис тили ва касбга ўқитиш орқали Европа давлатларига ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига юбориш дастурини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Бунда:

**(а)** Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Миграция агентлиги билан биргаликда:

**(i)** **бир ой муддатда** Германия Федератив Республикасидаги иш берувчи компаниялар ва уюшмалар билан ёшларни халқаро стандартлар асосида хорижий тил ва касбга ўқитиш ҳамда уларни тартибли меҳнат миграциясига юбориш бўйича ҳамкорлик шартномаларини имзоласин;

**(ii)** **уч ой муддатда** Қарши шаҳридаги техникум қошида **Таълим ва технологиялар марказини** ташкил этсин ва унда ёшларни халқаро стандартлар асосида хорижий тиллар ва касб-ҳунарга ўқитиш йўлга қўйилсин;

**(б)** ёшларни халқаро стандартлар асосида хорижий тиллар ва касб-ҳунарга тайёрлаш ҳамда уларни ривожланган давлатларга тартибли меҳнат миграциясига юборишни қўллаб-қувватлаш мақсадида Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузурида **Касбий таълим ва меҳнат миграциясини ривожлантириш жамғармаси**ни ташкил этишга рухсат берилсин. Бунда мазкур жамғармани **молиялаштириш манбалари сифатида** қуйидагилар белгилансин:

**(i)** Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 2 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга тенг улушларда қайтариш шарти билан **10 миллион АҚШ доллари** эквивалентидаги миллий валютада фоизсиз кредит маблағлари;

**(ii)** Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча маблағлари ҳисобидан **50 миллиард сўм**;

**(iii)** жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

**(iv)** қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар;

**(в)** Германия Федератив Республикаси ва Европа мамлакатларига тартибли меҳнат миграциясига чиқиш истагида бўлган фуқароларга **мазкур жамғарма маблағлари** ҳисобидан **5 минг евро** миқдорида қайтариш шарти билан бир йил муддатга ссуда ажратилиши назарда тутилсин.

## VIII. Молиявий ресурслар

**25.** Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш мақсадида:

**(а)** Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Қашқадарё вилояти ҳокимлигига 2 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга **100 миллион АҚШ доллари** эквивалентидаги миллий валютада фоизсиз кредит маблағларини ажратсин. Бунда:

**(i)** Қашқадарё вилояти ҳокимлиги томонидан инфратузилма объектларининг манзилли рўйхати Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда шакллантирилиб, Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашида маъқулланади, Вазирлар Маҳкамаси Раёсатига киритилади ҳамда тасдиқланади;

**(ii)** ажратилган маблағлар 2028–2032 йилларда тенг улушларда Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджетидан уларни ҳар йилги бюджет параметрларида назарда тутган ҳолда қайтарилади;

**(iii)** мазкур кичик бандда кўзда тутилган маблағларнинг 50 миллион АҚШ доллари 2026 йилда ва 50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги қисми 2027 йилда маблағларни жалб қилиш бўйича аризаларга мувофиқ ажратилади;

**(б)** мазкур қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган тадбирлар учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2026 йил биринчи чорак якуни билан шаклланиши кутилаётган қўшимча даромадлари ҳисобидан **190 миллиард сўм** маблағ ажратилсин. Бунда Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашига “Ислоҳотлар штаби” ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда ажратилаётган маблағларнинг йўналишларини белгилаш, қайта тақсимлаш, лойиҳалар ва уларнинг параметрларига ўзгартириш киритиш ваколати берилсин.

## IX. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

**26.** Бошқарув самарадорлиги агентлиги Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** вилоят ҳокими ўринбосарлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда мазкур қарорда назарда тутилган вазифалар ва белгиланган соҳавий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда **энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларига** тегишли ўзгартиришлар киритсин.

**27.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига **9-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

QMMB: 07/26/96/0249-son
17.03.2026-y.

**10 (1238)-сон**
**215-модда**



**28.** Белгилансинки, мазкур қарор ижроси:

(а) **ҳар ойда бир марта** Қашқадарё вилояти ҳокимлиги томонидан тегишли бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида;

(б) **ҳар чоракда** Вазирлар Маҳкамасида вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилиб борилади.

**29.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ж.А. Ходжаев ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокими М.Б. Азимов белгилансин.

**30.** Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**




**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/96/0249-son
17.03.2026-у.

**10 (1238)-сон**
**215-модда**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПҚ–96-сон қарорига
1-илова

**Қашқадарё вилоятида янги имконият ва ташаббусларни ишга солиш, тадбиркорлик инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича**
**ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Саноат ва хизматлар соҳасини ривожлантириш, камбағаллик ва ишсизликни кескин қисқартириш масалалари** | | | | | |
| 1. | Қарши тумани “Мирмирон”, “Батош” ва “Шойхўжа” МФЙларидаги Қарши магистрал бош канали бўйида ишлаб чиқилган мастер режага асосан сув бўйлари, сув омборлари муҳофаза ҳудудлари ҳамда табиий ва сунъий кўл бўйларидаги ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва туризмни ривожлантириш орқали аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида каналнинг **3 км** икки ён қирғоғини бетонлаштириш, пиёдалар йўлаги ва осма кўприклар қуриш. | 1. Лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур инфратузилма объектларини қуриш учун маблағ ажратиш.<br>2. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.<br>3. Лойиҳаларни ишга тушириш бўйича тармоқ жадвалини тасдиқлаш ва амалга ошириш. | 2026 йил март<br>2026 йил апрель-май<br>2026 йил июль-декабрь | **50 млрд сўм,** Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2026 йил биринчи чорак якуни билан шаклланиши кутилаётган қўшимча даромадлари | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги,<br>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,<br>Сув хўжалиги вазирлиги |
| 2. | Муборак туманида 84,2 гектар ва Косон туманида 2 гектар ер майдонида тўлиқ буғда ишлайдиган иссиқхона хўжаликлари учун етказиб берилаётган буғ нархини қайта кўриб чиқиш. | “Иссиқлик электр станциялари” АЖ Муборак ИЭМ филиалининг иссиқлик энергияси тарифини камайтириш ҳамда ушбу амалиёт натижасида юзага келадиган зарарларни бошқа манбалар ҳисобидан қоплаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идораларaро тариф комиссиясига таклиф киритиш. | 2026 йил апрель | Маблағ талаб этилмайди | “Иссиқлик электр станциялари” АЖ,<br>Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Бунда қуйидагиларни назарда тутиш:<br>иссиқхоналарга иссиқлик энергияси узатувчи қувурларни таъмирлаш;<br>дифференциал тариф ва субсидия жорий этиш орқали иссиқхона хўжаликлари учун буғ нархини саноат тарифидан паст даражада белгилаш. | | | |
| 3. | Вилоят шаҳар ва туманларининг сув таъминоти оғир маҳаллаларида суғориш объектларини қуриш орқали аҳолининг томорқадан юқори ҳосил олишини таъминлаш. | 1. Вилоятнинг **62** та маҳалласида **133 та** тик суғориш қудуғи ва **21 та** насос станцияси қуриш, **10,5 км** ариқларни бетонлаштириш, **27,5 км** лоток, **33,8 км** қувур тармоғи тортиш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.<br>2. Объектлар қурилишини ташкил этиш.<br>3. Суғориш объектларини қуриш орқали **21,6** минг хонадоннинг **5 минг гектар** томорқа майдони сув таъминотини яхшилаш. | 2026 йил апрель<br><br>2026 йил июнь<br>2026 йил якунига қадар | **102 млрд сўм,** Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2026 йил биринчи чорак якуни билан шаклланиши кутилаётган қўшимча даромадлари | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги,<br>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,<br>Сув хўжалиги вазирлиги |
| 4. | Вилоят аҳолисининг томорқа майдонларини кафолатли сув билан таъминлаш, етказиб берилган сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини онлайн юритиш орқали ортиқча сув исрофгарчилигининг олдини олиш. | 1. Маҳаллалардаги балансда сақловчиси мавжуд бўлмаган суғориш насослари, қудуқлари ва иншоотларини “Томорқа суғориш маркази” давлат муассасаси томонидан ҳисобга олиш.<br>2. Тик суғориш қудуқлари ва насос станцияларига масофадан бошқариш ҳамда сув ҳисоби ва ҳисоботини онлайн юритиш имконини берувчи “Ақлли қудуқлар” рақамлаштириш қурилмасини ўрнатиш.<br>3. Мазкур қурилмаларни ўрнатиш орқали сув етказиб беришда кўрсатилган сув хўжалиги хизматлари учун тўлов интизомини ва тежамкорликни таъминлаш. | 2026 йил март-апрель<br><br>2026 йил июль-август<br><br>2026 йил якунига қадар | Маҳаллий бюджет маблағлари | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги,<br>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,<br>Сув хўжалиги вазирлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 5. | Вилоятда асаларичиликни ривожлантириш, бунда наслчилик, тукли ариларни кўпайтириш ва импорт ўрнини босувчи компонентларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган асаларичилик кластерини ташкил қилиш. | 1. Танлаб олинган тадбиркорлик субъекти билан қўшма лойиҳани амалга ошириш учун:<br>ер майдонини танлаш ва тадбиркорлик субъектига асаларичиликни ривожлантириш бўйича ҳокимлик томонидан белгиланадиган шартлар асосида баҳоланган қийматининг бир фоизи миқдоридаги нарх билан аукцион савдоларига чиқариш; | Бир ой муддатда | Банк ва ташаббускорлар маблағлари | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| | | тадбиркорлик субъектининг устав капиталига камида 50 фоиз улуш билан кириш; | Икки ой муддатда | | АТ "Алоқабанк" |
| | | соҳанинг малакали мутахассисларини жалб қилиш. | Уч ой муддатда | | |
| | | 2. Тадбиркорлик субъектининг корхонасигача бўлган ташқи инфратузилма билан таъминлаш. | Уч ой муддатда | Маҳаллий бюджет маблағлари | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| | | 3. Вилоятда:<br>асаларичилик субъектлари сонини 2,3 баробарга ошириб, 5 мингтага етказиш;<br>асал ишлаб чиқариш ҳажмини 7 минг тоннага етказиш;<br>5 минг нафар аҳоли даромадини ошириш.<br>4. Вилоятда асаларилар учун зарур миқдорларда нектарли ўсимликларни манзилли экиш ва босқичма-босқич кўпайтириб бориш. | 2026–2028 йилларда | | АТ "Алоқабанк", Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 6. | Қашқадарё вилоятида ташқи меҳнат миграцияси соҳасида Агентлик фаолиятини кенгайтириш ва такомиллаштириш. | 1. Миграция агентлиги томонидан ҳозирги кунда амалда бўлган, асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда фаолият юритувчи агентлар билан ҳуқуқий шартнома асосида ишлаш тизимини Қашқадарё вилоятида жадаллаштириш.<br>2. Туман (шаҳар)да ташқи меҳнат миграцияси йўналишида агентлар фаолиятини йўлга қўйиш.<br>3. Ташкилий тартибда хорижга ишга юборилган ҳар 20 нафар фуқаро учун агентларга белгиланган тартибда пул мукофоти тўлаб бериш механизмини жорий этиш. | 2026 йил март<br>2026 йил апрель<br>2026 йил август | Миграция жамғармаси | Миграция агентлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 7. | Фаолияти тўхтатилган кунлик меҳнат марказларининг бўш турган биноларида хусусий секторни жалб қилган ҳолда ишсиз аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш ва бандлигига кўмаклашиш мақсадида хизмат кўрсатиш объектлари ва касб-ҳунарга ўқитиш марказларини ташкил этиш. | 1. Қарши шаҳридаги кунлик меҳнат маркази биноси ҳамда ер майдони бўйича эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш.<br>2. Кунлик меҳнат марказлари мавжуд бўлган Чироқчи, Яккабоғ туманлари, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларида бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш учун ташаббускорларга кредит маблағларини ажратишда “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ орқали имтиёзлар бериш.<br>3. Давлат-хусусий шериклик асосида касб-ҳунарга ўқитиш ва хизмат кўрсатиш объектлари маркази фаолиятини йўлга қўйиш. | Бир ой муддатда<br>2026 йил давомида | Маблағ талаб этилмайди<br>Тадбиркорлик субъектлари маблағлари | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Кадастр агентлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 8. | Қарши шаҳри касбий кўникмалар маркази фаолияти самарадорлигини ошириш. | 1. Собиқ Қарши саноат касб-ҳунар коллежининг барча солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича қарздорлигини ҳисобдан чиқариш.<br>2. Қарши шаҳри касбий кўникмалар маркази бино ва иншоотларининг кадастр ҳужжатини тайёрлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.<br>3. Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини замонавий касблар ва хорижий тилларга ўқитиш самарадорлигини ошириш бўйича чоралар кўриш. | 2026 йил март | Ҳисоб-китоблар асосида | Солиқ қўмитаси<br><br>Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги<br><br>Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 9. | Деҳқонобод туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож 300 та хонадонни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг шахсий томорқаларида каврак доривор ўсимлиги плантацияларини ташкил этиш орқали барқарор даромад манбаини яратиш. | 1. Деҳқонобод туманида доимий даромад манбаига эга бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож 300 та хонадонлар рўйхатини шакллантириш.<br>2. “Тадбиркорликни ривожлантириш офиси” МЧЖ томонидан каврак кўчатларини ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга **бепул** етказиб бериш.<br>3. Каврак кўчатларини етиштиришда аҳолининг кўникма ва билимларини ошириш мақсадида ўқув семинарлар ва тушунтириш ишларини ташкил қилиш.<br>4. “Тадбиркорликни ривожлантириш офиси” МЧЖ томонидан етказиб бериладиган каврак кўчатлари ва уни етказиш харажатларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш. | Икки ҳафта муддатда<br><br>2026–2027 йиллар давомида | Ҳисоб-китоблар асосида, маҳаллий бюджет ва ташаббускорлар маблағлари | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги,<br>Қашқадарё вилояти ҳокимлиги<br><br>Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |

QMMB: 07/26/96/0249-son
17.03.2026-y.



| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 10. | "Косон нефть ва газ қидирув экспедицияси" МЧЖга тегишли бўлган Ғузор тумани Наврўз маҳалласи Мустақиллик кўчасида жойлашган фойдаланилмаётган ишчилар ётоқхонаси ва спорт мажмуасини ДХШ асосида таълим кластерини ташкил этиш учун ташаббускор тадбиркорларга бериш. | 1. Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи қарорини қабул қилиш.<br>2. Мазкур бинони баҳоланган қийматида жамиятнинг бюджет олдидаги қарздорлигини камайтириш ҳисобига туман ҳокимлигига бериш.<br>3. Ташаббускорлар билан белгиланган тартибда ДХШ асосида таълим муассасасини ташкил этиш бўйича битим тузиш. | Икки ой муддатда<br>Уч ой муддатда<br>2026 йил якунига қадар | – | Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Қашқадарё вилояти вилояти ҳокимлиги |
| 11. | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Маҳалла ихтисослашуви ва бандликни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш. | Маҳалла ихтисослашуви ва бандлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари ва сарфлаш йўналишларини белгилаш юзасидан қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2026 йил апрель | – | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги |
| **II. Хизматлар ва туризмни ривожлантириш масалалари** | | | | | |
| 12. | Вилоятда халқаро ва республика даражасидаги тадбирлар ва фестивалларни ўтказиш. | 1. Ташкил этилиши режалаштирилган халқаро фестиваль ва тадбирлар тақвим режасини ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.<br>2. Шаҳрисабз туманида халқаро V ёшлар туризми қурултойини ўтказиш.<br>3. Кўкдала туманида "Тарвуз сайли" агротуризм фестивалини ўтказиш.<br>4. Шаҳрисабз туманида халқаро "Хайкинг" фестивалини ўтказиш.<br>5. Шаҳрисабз шаҳрида халқаро "Ироқи каштачилик" фестивалини ўтказиш. | 2026 йил март<br>2026 йил III-IV чорак<br>2026 йил апрель<br>2026 йил июль<br>2026 йил август | Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва маҳаллий бюджет маблағлари | Туризм қўмитаси, "Ҳунарманд" уюшмаси, ЎзМТРК, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 13. | Яккабоғ тумани Татар қишлоғини туризм қишлоғига айлантириш. | 1. Аҳоли хонадонларида уй меҳмонхоналарини ташкил этиш.<br><br>2. “Туризм қишлоғи” мақоми олинишини таъминлаш. | 2026 йил август<br><br>2026 йил сентябрь | Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида, маҳаллий бюджет ва ташаббускорлар маблағлари | Туризм қўмитаси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 14. | Қарши шаҳри И.Каримов кўчасида жойлашган “Ватанпарвар” боғини Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ balансидан Қарши шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси балансига ҳамда боғ ҳудудида барпо этилаётган музей биносини Қашқадарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи балансига ўтказиш. | 1. “Ватанпарвар” боғи жойлашган ер участкасини Қарши шаҳрь ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармасига, музей биносини Қашқадарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи балансига ўтказиш.<br>2. “Ватанпарвар” боғи ҳудудида қурилиши тугалланмаган музей биносини якунига етказиш.<br>3. Музей биносига Қашқадарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейини жойлаштириш. | Бир ой муддатда<br><br>2026 йил 1 сентябрь<br><br>2026 йил 1 октябрь | Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида, маҳаллий бюджет маблағлари | Мудофаа вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 15. | 2026 йилда вилоятда 100 та маданий мерос объектларининг қўриқланадиган тегараларини белгилаш. | 1. Вилоятдаги 100 та маданий мерос объектларининг рўйхатини шакллантириш.<br>2. Белгиланган тартибда қўриқланадиган тегра лойиҳаларини ишлаб чиқиш.<br>3. Ишлаб чиқилган тегра лойиҳаларини илмий-эксперт кенгашда тасдиқлаш. | 2026 йил апрель<br><br>2026 йил давомида, режа асосида | Маданий мерос агентлиги маблағлари | Маданий мерос агентлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **III. Инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари** | | | | | |
| 16. | Имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳамда тармоқ корхоналари билан **3,5 млрд доллар** инвестицияларни жалб қилиш. | 1. Инвестиция лойиҳаларини шакллантириш, тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш.<br>2. Лойиҳаларни белгиланган муддатларда ишга тушириш бўйича лойиҳа қийматидан келиб чиқиб, масъулларни бириктириш. | 2026 йил март<br><br>Бир ой муддатда | Маблағ талаб этилмайди | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 17. | Ҳудудларни жадал ривожлантириш мақсадида **1,2 млрд долларлик 519 та** ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш. | 1. Лойиҳаларнинг тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Тармоқ жадвалларига мувофиқ лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш бўйича лойиҳа қийматидан келиб чиқиб, масъулларни бириктириш.<br>3. Лойиҳалардаги мавжуд муаммоларни оператив тарзда ҳал этиш чораларини кўриш. | 2026 йил март<br><br>Бир ой муддатда<br><br>2026 йил давомида | Лойиҳа ташаббускорлари маблағлари, тижорат банклари кредитлари | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 18. | Экспорт ҳажмини **727 млн долларга** етказиш. Бунда экспортни амалга оширувчи корхоналар улушини кўпайтириш ва экспорт географиясини **5 та** давлатга ошириб, **60 тага** етказиш. | 1. Вилоят, туман ва шаҳарлар мутасаддилари ва тадбиркорлардан иборат таркибда делегацияларнинг хорижга ташрифини мақсадли ташкил этиш бўйича графикни тасдиқлаш.<br>2. Чет эл бизнес вакиллари ҳамда хорижий давлатлар элчиларининг вилоятга ташрифини юқори савияда ташкил этиш.<br>3. Экспорт бозорларини кенгайтириш бўйича масъул раҳбарлар ва элчиларнинг ҳисоботини эшитиб бориш. | Икки ҳафта муддатда<br><br>График асосида<br><br>Ҳар чоракда | Маблағ талаб этилмайди<br><br>Ҳисоб-китоблар асосида | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 19. | Ғузор туманида Хитойнинг **“Jianyi Group”** корпорацияси томонидан **180 млн долларлик** ёқилғи ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш орқали саноат зонасини ташкил этиш. | 1. Хитойнинг “Jianyi Group” компанияси билан Ҳукумат номидан инвестиция битимларини тузиш.<br>2. Йилига 300 минг тонна нафта хомашёсини биржа нархларида етказиб бериш бўйича 20 йил муддатга инвестиция шартномасини имзолаш.<br>3. Лойиҳаларни амалга ошириш ва ишга тушириш. | 2026 йил<br>Келишилган муддатда<br>График асосида | Ташаббускор маблағлари | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 20. | Қарши туманида Европа стандартларига жавоб берадиган ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш. | Қарши туманида “Яшил саноат ва технологиялар” саноат зонасини ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.<br>Лойиҳада қуйидагиларни назарда тутиш:<br>мазкур саноат зонасида биринчи босқичда қуёш станцияси ва сақлаш қурилмаларини қуриш орқали ўзини ўзи яшил энергия билан таъминлайдиган корхоналарни;<br>премикс, биоозуқа, инновацион қурилиш материаллари, ёқилғи, саноат фильтрлари, комплекс минерал ўғитлар (NPK) каби юқори қийматли лойиҳаларни жойлаштириш. | 2026 йил май | Маблағ талаб этилмайди | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Бошқарув самарадорлиги агентлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги |
| 21. | Афғонистон, Туркманистон ва Тожикистон бозорлари учун технологиялар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш мақсадида Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги ва йўловчи ташиш техникаларини ишлаб чиқарувчи **илмий-техникавий марказ** ташкил | 1. Қарши шаҳрида илмий-техникавий марказ фаолиятини йўлга қўйиш.<br>2. Марказни вилоятдаги замонавий технологиялар ишлаб чиқариш лойиҳалари билан боғлаш.<br>3. Марказ лойиҳалари учун эҳтиёт қисмлари импорти божларини пасайтириш (маҳаллийлаштириш | 2026 йил май | Маблағ талаб этилмайди | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | этиш. | даражасини 30-40 фоизгача етказиш шарти билан).<br>4. Саноат кооперацияси доирасида корхоналар маҳсулотларини сотиб олишни рағбатлантириш.<br>5. Компанияларда ишловчи 1 500 нафар маҳаллий кадрларни Хитой Халқ Республикасида ёки Ўзбекистон Республикасида ўқитиш харажатларини давлат томонидан қоплаш.<br>6. Маҳаллийлаштириш даражаси 30-40 фоизга етганидан сўнг, уларни давлат томонидан харид қилишнинг 5 йиллик дастурини тасдиқлаш.<br>7. Хитойнинг “Yuchai” ва Вьетнамнинг “Futa Group” компаниялари билан Ҳукумат номидан музокаралар олиб бориб, компаниялар томонидан лойиҳалар амалга оширилишига кўмаклашиш | График асосида<br><br>Белгиланган муддатда<br><br>2026–2027 йиллар | Лойиҳа ташаббускорлари маблағлари | |
| 22. | Шаҳрисабз туманида “Оқсув” дарёси бўйида “KhalQ” МЧЖ томонидан қуввати **10 МВт** бўлган **2 та** дастлабки қиймати **400 млрд сўм**лик кичик гидроэлектр-станцияларини қуриш. | 1. Кичик гидроэлектрстанцияларини қуриш учун талаб этиладиган ер участкаларини Энергетика вазирлигига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиш.<br>2. Лойиҳани амалга ошириши учун “KhalQ” масъулияти чекланган жамиятига узоқ муддатли ижарага бериш.<br>3. Ажратилган ер участкаларига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш.<br>4. Лойиҳани амалга ошириш. | Икки ой муддатда<br><br>2026-2027 йилларда | Ташаббускор маблағлари | Энергетика вазирлиги, Кадастр агентлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 23. | Йил якунига қадар Қашқадарё вилоятида умумий қуввати **7,8 МВт** бўлган **269 та** микро ГЭС лойиҳаларини амалга оширишга тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш. | 1. Микро ГЭСлар лойиҳалари учун белгиланган ер майдонларини босқичма-босқич ажратиш ва ер ҳужжатлари йиғмажилдини тақдим этиш. | 2026 апрель | Ташаббускорлар маблағлари | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Микро ГЭСларни ўрнатиш ва барпо этиш бўйича ҳудудий комиссия |
| | | 2. Тақдим этилган ер ҳужжатлари йиғмажилди асосида лойиҳа таклифлари ва паспортларини ишлаб чиқиш. | 2026 май | | “Ўзгидроэнерго” АЖ |
| | | 3. Тақдим этилган ер ва лойиҳа ҳужжатлари асосида Энергетика вазирлиги томонидан лойиҳаларни электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш. | 2026 июнь | | Энергетика вазирлиги |
| | | 4. Аукцион савдолари асосида лойиҳа ғолибларини (ташаббускор тадбиркорларни) аниқлаш. | | | |
| | | 5. Лойиҳалар ташаббускорлари билан лойиҳалар майдонларининг расмийлаштирувини амалга ошириш. | 2026 август | | Кадастр агентлиги |
| | | 6. Белгиланган лойиҳалар бўйича уларнинг ташаббускорлари томонидан лойиҳалаш, қурилиш ва ишга тушириш ишлари олиб борилишини назорат қилиш. | 2026–2027 йиллар давомида | | Энергетика вазирлиги |
| | **IV. Ижтимоий соҳани ривожлантириш (соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан, спорт, маданият ва маънавият, маданий мерос масалалари)** | | | | |
| 24. | Мактабгача таълим соҳасида қамров даражасини ошириш мақсадида **350 та** нодавлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил этиш. | 1. Қамров даражаси **80 фоиз**дан паст бўлган ҳудудларда тадбиркорларни аниқлаш учун тарғибот ишларини олиб бориш. | Икки ой муддатда | Ҳисоб-китоблар асосида, тижорат банклари кредитлари ва ташаббускорлар | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 2. Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш истагида бўлган талабгорлар билан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларни имзолаш.<br>3. 2026 йилда **350 та** оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил этиш. | 2026 йил давомида | маблағлари, бюджет маблағлари | |
| 25. | Шаҳрисабз давлат педагогика институти балансидаги Яккабоғ тумани “Истиқлол” МФЙ ҳудудидаги Яккабоғ қурилиш ва коммунал хўжалиги коллежи базасида умумтаълим мактабини ташкил қилиш. | 1. Яккабоғ қурилиш ва коммунал хўжалиги коллежи бино-иншоотларини ер майдони билан бирга Яккабоғ тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими балансига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказиш.<br>2. Тумандаги 5-умумтаълим мактабидан **300 нафар** ўқувчиларни кўчириш орқали мактаб коэффициентини **1,1 га**, 27-умумтаълим мактабининг **200 нафар** ўқувчиларини кўчириш орқали мактаб коэффициентини **1 га** тушириш. | Икки ой муддатда<br><br>2026 йил август | Маблағ талаб этилмайди | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 26. | Халқаро даражадаги касбий таълим педагогларини тайёрлаш, илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш мақсадида **“Таълим ва технологиялар маркази”**ни ташкил қилиш. | 1. “Таълим ва технологиялар маркази” давлат муассасасини ташкил этиш бўйича концепция, низом ва ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш.<br>2. Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги техникум ҳудудидан марказни зарур бино-иншоот билан таъминлаш.<br>3. Илғор хорижий тажрибага эга таълим муассасалари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик | 2026 йил апрель<br><br>2026 йил июнь<br><br>2026 йил август | Ҳисоб-китоб асосида, Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг Касбий таълим ва меҳнат миграциясини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, ҳомийлик маблағлари | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Касбий таълим агентлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | алоқаларини ўрнатиш, халқаро ўқув дастурларини жорий этиш.<br>4. Марказни зарур моддий-техник база ва замонавий жиҳозлар билан таъминлаш. | 2026–2027 ўқув йилидан бошлаб | | |
| 27. | Деҳқонобод туманидаги “Янгиҳаёт”, “Нурли келажак”, Бойқўрғон” маҳаллаларида жойлашган 13, 48, 53, 63, 76 ва 86-сон умумтаълим мактабларига бошқа ҳудудлардан ўқитувчиларни жалб қилиш орқали ушбу мактабларда таълим сифати даражасини ошириш. | Умумий ўрта таълим муассасаларида бошқа ҳудудлардан келиб фаолият юритаётган педагог ходимларга устама белгилаш мақсадида Деҳқонобод тумани “Янгиҳаёт”, “Нурли келажак” ва “Бойқўрғон” МФЙларни олис ҳудудлар рўйхатига киритиш юзасидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. | Икки ой муддатда | Маҳаллий бюджет маблағлари | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги,<br>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,<br>Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги |
| 28. | Қамаши тумани 6-сон техникуми ва Ғузор тумани 2-сон техникуми ҳудудида замонавий ўқув устахоналарини чорвачилик, ветеринария, наслчилик-селекция йўналишлари бўйича халқаро стандартларга мос лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш. | 1. Техникумлар ҳудудида ўқув-амалиёт устахоналарини чорвачилик, ветеринария ва селекция йўналишлари бўйича халқаро стандартлардаги ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.<br>2. 2026–2027 ўқув йилидан ва йил давомида ветеринар-фельдшер ва ветеринария медицинаси мутахассислиги бўйича дуал таълим шакли асосида ўқувчиларни қабул қилиш. | 2026 йил июнь<br><br>2026 йил август | Ҳисоб-китоблар асосида, Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси,<br>Касбий таълим агентлиги,<br>Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 29. | Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти марказий кенгашига қарашли муассасаларда ривожланган давлатларга ишлаш мақсадида кетмоқчи бўлган | 1. Хорижий тил курсларида иштирок этадиган ҳайдовчилар рўйхатини шакллантириш ҳамда улар учун мақсадли хорижий тил курсларини ташкил этиш. | 2026 йилдан бошлаб | Миграция агентлигининг Миграция жамғармаси маблағлари | Миграция агентлиги,<br>Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | ҳайдовчиларга мақсадли хорижий тил курсларини ташкил қилиш ва хорижий тил ўқитувчилари ойлик иш ҳақи харажатларини қоплаб бериш. | 2. Хорижий тил ўқитувчиларининг ойлик иш ҳақи харажатларини белгиланган тартибда Миграция агентлиги жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш. | | | |
| 30. | Қарши давлат техника университетини таълим сифатини янада яхшилаш мақсадида замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш. | 1. Таълим йўналишлари кесимида амалдаги лабораториялар ҳолатини таҳлил қилиб, устувор эҳтиёжлар рўйхатини шакллантириш.<br>2. Шакллантирилган рўйхат асосида маблағ ажратиш.<br>3. Ҳудуд иқтисодиёти ва саноат корхоналари эҳтиёжидан келиб чиқиб, университетни замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш. | 2026 йил апрель<br><br>2026 йил май<br><br>2026 йил давомида | **9 млрд сўм** шундан:<br>**5 млрд сўм** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига бюджетдан ажратилган маблағлар,<br>**4 млрд сўм** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 31. | 2026–2027 ўқув йилида Озарбайжоннинг Халқаро илмий-тадқиқот ва тиббий тайёргарлик маркази (IRTMAC) билан ҳамкорликда Қарши давлат университети қошида “Karshi International School of Medicine and Dentistry – KISOMD” (Қарши халқаро | 1. Хорижий ҳамкорлар билан ҳамкорлик битимини имзолаш.<br>2. Таълим йўналишлари, ўқув режалари ва қабул параметрларини халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш. | 2026 йил апрель<br><br>2026 йил май | Ҳисоб-китобларга асосан, Қарши давлат университети ва Озарбайжоннинг Халқаро илмий-тадқиқот ва тиббий тайёргарлик | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | тиббиёт ва стоматология мактабини) ташкил этиш. | 3. Қарши халқаро тиббиёт ва стоматология мактаби учун зарур инфратузилмани таъминлаш.<br>4. Профессор-ўқитувчилар таркибини малакали хорижий ва маҳаллий кадрлар билан шакллантириш ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш.<br>5. Талабалар қабулини амалга ошириш, таълим жараёнида клиник амалиётни жорий қилиш. | 2026 йил август<br><br>2026 йил сентябрь | маркази (IRTMAC) маблағлари | |
| 32. | Шаҳрисабз туманида тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги болалар шифохонаси негизида 200 ўринли **вилоят 2-сонли кўп тармоқли болалар тиббиёт марказини** ташкил қилиш. | 1. Вилоят 2-сонли кўп тармоқли болалар тиббиёт марказини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш.<br>2. 200 койкали тиббиёт муассасаси учун зарурий штат бирликларини ажратиш. | 2026 йил март<br><br>2027 йил давомида | Маблағ талаб этилмайди<br><br>Ҳисоб-китоблар асосида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги |
| 33. | Кўкдала тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли **120 ўринли** марказий шифохона (таркибида 50 ўринли туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари маркази) ҳамда туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 60 ўринли туғуруқ бўлими фаолиятини йўлга қўйиш. | 1. Ажратилган штат бирликларига мос равишда молиялаштиришни ташкил қилиш.<br>2. Марказий шифохонани малакали кадрлар билан таъминлаш. | 2026 йил давомида | Ҳисоб-китоблар асосида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 34. | Қарши шаҳридаги эски мослаштирилган бинода фаолият юритаётган ва 5 минг обуначиси бўлган вилоят кўзи ожизлар кутубхонасига замонавий барча қулайликларга эга бино қуриш ва | 1. Кутубхона биносининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва тасдиқлаш.<br>2. Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида белгиланган тартибда пудратчи ташкилотларни белгилаш. | 2026 йил сентябрь<br><br>2027 йил февраль | Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | фойдаланишга топшириш. | 3. Қурилиш ишларини амалга ошириш ва фойдаланишга топшириш. | 2028 йил май | жамғармаси маблағлари | вазирлиги |
| 35. | Косон тумани “Машъал” МФЙда жойлашган Косон тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли 0,82 гектар ер майдонида жойлашган 200 ўринга мўлжалланган талабалар тураржой биноси негизида ДХШ асосида хусусий мактаб ташкил этиш. | 1. Косон тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли 0,82 гектар ер майдонида жойлашган 200 ўринга мўлжалланган талабалар турар жой биносини туман ҳокимлиги балансига ўтказиш.<br>2. Бинони давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тадбиркорга бериш орқали хусусий мактаб ташкил қилиш. | 2026 йил 1 чорак<br><br>2026 йил 2 чорак | – | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 36. | Қарши шаҳри Алишер Навоий кўчаси 8-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 6000 кв.м бўлган биноларни, шунингдек, унга туташ 2000 кв.м автотураргоҳ ва кўкаламзорлаштириш майдонларини белгиланган тартибда “IT-Парк” МЧЖ устав капиталига давлат улушини ошириш ҳисобига ўтказиш. | 1. Қарши шаҳри Алишер Навоий кўчаси 8-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 6000 кв.м бўлган биноларни, шунингдек, унга туташ 2000 кв.м автотураргоҳ ва кўкаламзорлаштириш майдонларини белгиланган тартибда “IT-Парк” МЧЖ устав капиталига киритиш.<br>2. Қарши шаҳри Алишер Навоий кўчаси 8-уй манзилида жойлашган биноларни таъмирлаб, замонавий IT инфратузилма билан жиҳозлаш ҳамда ишга тушириш.<br>3. IT хизматлар экспорти билан шуғулланувчи маҳаллий ва хорижий корхоналарни жалб қилиш орқали 1 минг нафар янги иш ўринларини яратиш ҳамда камида 10 миллион АҚШ доллари миқдорида хизматлар экспортини амалга ошириш. | Икки ой муддатда<br><br>2026 йил якунига қадар | –<br><br>“IT-Парк” МЧЖ маблағлари | Давлат активларини бошқариш агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги<br><br>Рақамли технологиялар вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 37. | Қарши шаҳри "Нефтчи" МФЙ Алишер Навоий кўчаси 8-уй манзилида жойлашган 3-қаватли маъмурий бинони Халқ демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгашига оператив бошқариш ҳуқуқи асосида ўтказиб бериш. | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Халқ демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгаши билан биргаликда мазкур объектни топшириш ва қабул қилиб олиш ишларини амалга ошириш. | Икки ой муддатда | – | Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Халқ демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгаши |
| 38. | "Косон нефть ва газ қидирув экспедицияси" МЧЖга тегишли бўлган Ғузор тумани Наврўз маҳалласи Мустақиллик кўчасида жойлашган фойдаланилмаётган маданият уйи биносини Ғузор тумани ёшлар ишлари бўлими балансига ўтказиш. | 1. Мазкур бинони баҳоланган қийматида жамиятнинг бюджет олдидаги қарздорлигини камайтириш ҳисобига Ғузор тумани ёшлар ишлари бўлими балансига бериш.<br>2. Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи қарорини қабул қилиш. | Икки ой муддатда<br><br>Икки ой муддатда | – | Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 39. | Умумтаълим мактаби ўқувчиларини IT ва хорижий тилларга ўқитиш бўйича "Муҳаммад ал-Хоразмий ворислари" лойиҳаси учун моддий-техник база ва инфратузилмани яратиш ҳамда лойиҳани амалга ошириш учун Қарши шаҳри "Шодлик" МФЙ Мустақиллик кўчаси 21-уй манзилда жойлашган собиқ Давлат хизматлари агентлиги Қашқадарё вилояти бошқармаси биносининг бир қисмини (3-қавати) вилоят ҳокимлиги балансига ўтказиш. | 1. Бинони оммавий савдолардан ечиш.<br>2. Бинони "Муҳаммад ал-Хоразмий ворислари" лойиҳаси учун Қашқадарё вилояти ҳокимлиги балансига ўтказиш. | Бир ҳафта муддатда<br><br>Икки ҳафта муддатда | – | Давлат активларини бошқариш агентлиги, Адлия вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |

QMMB: 07/26/96/0249-son
17.03.2026-y.



| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 40. | Вилоят ҳокимлигининг хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари ҳамда “Расмий қабуллар уйи” ходимларининг иш самарадорлигини ошириш ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш. | Ишчи ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш учун талаб этиладиган маблағларни халқ депутатлари вилоят кенгаши қарори асосида ажратиш ва ходимларни рағбатлантириш чораларини белгилаш. | Бир ҳафта муддатда | Ҳисоб-китоблар асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| **V. Транспорт, коммуникациялар, қурилиш, уй-жой ва коммунал хўжалиги, куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш масалалари** | | | | | |
| 41. | 2026 йилда Қашқадарё вилоятидаги **5 та** аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш. | 1. Дастурга киритилган жами **5 та** бош режа ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун зарур маблағлар ажратиш.<br>2. Дастур доирасида **5 та**, шундан **1 та** шаҳарчанинг бош режасини ҳамда **4 та** қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳарсозлик ҳужжатларини муҳандислик-геология қидирув ишларини амалга ошириш.<br>3. Дастур доирасида **5 та**, шундан **1 та** шаҳарчанинг бош режасини ҳамда **4 та** қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш. | 2026 йил март<br>2026 йил март<br>2026 йил апрель-август | Ҳисоб-китоблар асосида | Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги |
| 42. | Вилоятда аҳоли учун янги уй-жойлар қуриш ҳажмини **7,5 мингтага** етказиш. | “Янги Ўзбекистон” массивларида 1 336 та хонадон, уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда 6 174 та хонадон қуриш ишларини ташкил этиш. | 2026 йил давомида | Ҳисоб-китоблар асосида, тижорат банклари кредитлари ва ташаббускорлар маблағлари | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги |
| 43. | Марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини **64 фоизга** етказиш | 1. Лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш. | Бир ой муддатда | Ҳисоб-китоблар асосида, Республика | “Ўзсувтаъминот” АЖ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | учун **416 км** тармоқ тортиш ва **16 та** сув иншоотини қуриш. | 2. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.<br>3. Қурилиш ишларини амалга ошириш. | Икки ой муддатда<br>2026 йил давомида | бюджети маблағлари | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 44. | Қарши шаҳридаги “3-баландлик” сув иншоотини давлат дастурлари доирасида мукаммал таъмирлаш ишларини амалга ошириш.<br>Санитар девор, омборхона, панагоҳ ҳамда инспектор йўлакчасини қуриш, замонавий хлорлаш ускунаси ва кузатув камераларини ўрнатиш. | 1. Лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш.<br>2. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.<br>3. Тендер ўтказиш.<br>4. Қурилиш ишларини амалга ошириш. | Бир ой муддатда<br>Икки ой муддатда<br>2026–2027 йилларда | Ҳисоб-китоблар асосида, республика бюджети маблағлари | “Ўзсувтаъминот” АЖ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 45. | Қарши ва Касби туманларида реновация ҳудудининг оқова сув тизимини барпо этиш. | 1. Лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш.<br>2. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.<br>3. Тендер ўтказиш.<br>4. Қурилиш ишларини амалга ошириш. | Бир ой муддатда<br>Икки ой муддатда<br>2026–2027 йилларда | Ҳисоб-китоблар асосида, республика бюджети маблағлари | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, “Ўзсувтаъминот” АЖ, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 46. | Қарши шаҳри, Шаҳрисабз шаҳри, Китоб, Деҳқонобод ва Қамаши туманлари марказида оқова сув тизимлари ва тармоқларини реконструкция қилиш ва қуриш. | 1. Лойиҳа доирасида тўловларни амалга ошириш.<br>2. Лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш.<br>3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.<br>4. Тендер ўтказиш.<br>5. Қурилиш ишларини амалга ошириш. | 2026 йил давомида<br>Бир ой муддатда<br>Икки ой муддатда<br>2026 йил давомида | **41 млн доллар** Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Франция тараққиёт агентлиги, Жаҳон банки маблағлари | “Ўзсувтаъминот” АЖ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 47. | Косон ва Муборак туманлари марказлари ҳамда Китоб-Шаҳрисабз еросги сув конидан сув олиш қувурига яқин қишлоқ аҳоли пунктларининг сув таъминоти тизимини реконструкция қилиш. | 1. Лойиҳа доирасида тўловларни амалга ошириш.<br>2. Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш. | 2027 йил 1 апрелга қадар | **7 млн доллар**, Саудия тараққиёт ва ОПЕК жамғармалари | "Ўзсувтаъминот" АЖ, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 48. | Шаҳрисабз шаҳри Ипак йўли кўчаси билан Шерозий кўчасининг кесишув қисмида пиёдалар ўтиши учун ерусти пиёдалар йўлагини қуриш. | 1. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.<br>2. Пудратчини аниқлаш.<br>3. Қурилиш ишларини амалга ошириш. | 2026 йил март<br>2026 йил май<br>2026 йил июль | **7 млрд сўм,** Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2026 йил биринчи чорак якуни билан шаклланиши кутилаётган қўшимча даромадлари | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги |
| 49. | Деҳқонобод тумани маъмурий марказини замонавий кўринишга келтириш. | 1. Туман маъмурий маркази бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш<br>2. Туман марказини шакллантириш мақсадида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари доирасида бино-иншоотларни бузиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун Республика компенсация жамғармасидан маблағ ажратиш. | 2026 йил 1 июль<br>Икки ой муддатда | Ҳисоб-китоб асосида, маҳаллий бюджет маблағлари<br>Республика компенсация жамғармаси маблағлари | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги<br>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги |
| 50. | Қамаши тумани марказида хиёбон ва истироҳат боғини ташкил этиш. | 1. Қамаши туманининг "Янги Ўзбекистон" массивига туташ ҳудудда хиёбон ва истироҳат боғи ташкил этиш концепциясини ишлаб чиқиш. | 2026 йил апрель | Ташкилотларнинг ўз маблағлари ва ҳомийлик маблағлари | "Микрокредитбанк" АТБ, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 2. Концепция асосида хиёбон ва истироҳат боғини барпо этиб, Қамаши тумани ҳокимлигига беғараз топшириш. | 2026 йил декабрь | | |
| 51. | Чироқчи-Шўрқудуқ автомобиль йўлининг 30 км қисмида олиб борилаётган қурилиш ва реконструкция ишларини иккинчи тоифадаги йўл даражаси талаблари асосида давом эттириш. | 1. Лойиҳа-смета ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш.<br>2. Қурилиш-таъмирлаш ишларини янги лойиҳага мослаштириш. | 2026 йил давомида | – | Автомобиль йўллари қўмитаси |
| 52. | Халқаро аҳамиятдаги “А–378” Самарқанд – Ғузор автомобиль йўлининг 57-85 км қисмини (28 км);<br>халқаро аҳамиятдаги “М–39” Тошкент – Термиз автомобиль йўлининг 1200-1238 км қисмини (38 км);<br>давлат аҳамиятидаги “Д–150” Кўкдала – Қарши шаҳри автомобиль йўлининг 49 км қисмини қуриш;<br>электр таъминотини яхшилаш мақсадида вилоятда **460 та** трансформатор ва **1 592 км** электр тармоқларини янгилаш. | 1. Халқаро ва давлат аҳамиятидаги йўлларни таъмирлаш ва қуриш ҳамда вилоятда электр таъминотини яхшилаш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсатига тегишли таклифларни киритиш.<br>2. Лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини тасдиқлаш.<br>3. Лойиҳаларни амалга ошириш. | Бир ой муддатда<br><br>Икки ҳафта муддатда<br><br>2026 йил мобайнида | Ҳисоб-китоблар асосида, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан Қашқадарё вилояти ҳокимлигига ажратилган кредит маблағлари | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, “Ҳудудий электртармоқлари” АЖ, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 53. | Халқаро аҳамиятдаги “М–39” Тошкент – Термиз автомобиль йўлининг 1255–1315 км қисмини таъмирлаш ишларини жадаллаштириш. | 1. Тармоқ жадваллари асосида ишларни босқичма-босқич амалга ошириш.<br>2. Қурилиш ва ободонлаштириш ишларини якунига етказиш. | 2026–2027 йиллар<br><br>2027 йил | **60 млн доллар**, Ислом тараққиёт банки, ОПЕК жамғармаси | Автомобиль йўллари қўмитаси |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 54. | Вилоятдаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида жойлашган **8 та** кўприк иншоотларини таъмирлаш ва қайта қуриш. | 1. Объектни молиялаштириш мақсадида маблағларни ажратиш.<br>2. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда пудрат ташкилотини аниқлаш.<br>3. Режа-график асосида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ва якунлаш. | 2026 йил апрель<br>2026 йил май<br>2026 йил декабрь | **31 млрд сўм**, Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2026 йил биринчи чорак якуни билан шаклланиши кутилаётган қўшимча даромадлари | Автомобиль йўллари қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 55. | Ички хўжалик йўлларида жойлашган **7 та** яроқсиз кўприкларни қайта қуриш. | 1. Объектни молиялаштириш мақсадида қўшимча маблағларни ажратиш.<br>2. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда пудрат ташкилотини аниқлаш.<br>3. Режа-график асосида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ва якунлаш. | 2026 йил апрель<br>2026 йил май<br>2026 йил декабрь | **18,5 млрд сўм** маҳаллий бюджет маблағлари | Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 56. | Вилоятнинг аҳоли гавжум Китоб ва Шаҳрисабз туманларида жамоат транспортини йўлга қўйиш мақсадида сотиб олинаётган автобуслар учун йўловчилар ташишни брутто шартнома асосида ташкил этиш ва молиялаштириш тизимини ишга тушириш. | 1. Брутто шартномага ўтадиган ҳар бир йўналиш паспорти асосида йўловчиларни ташиш билан боғлиқ бўлган барча сарф-харажатлар ҳамда рентабелликнинг камида 10 фоизини инобатга олган ҳолда йўналишнинг ҳар бир километри учун бошланғич нархни ҳисоб-китоб қилиш.<br>2. Ишлаб чиқилган бошланғич нархни иқтисодиёт ва молия органи билан келишган ҳолда тасдиқлаш. | Икки ой муддатда | Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджет маблағлари | Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 3. Туман марказларида мунтазам автобус йўналишида йўловчи ташишни брутто шартномалар асосида ташкил этиш ва молиялаштириш тартиби бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. | | | |
| 57. | Қарши–Шаҳрисабз йўналишида темир йўлда йўловчи ташиш сифати ва миқдорини ошириш. | 1. Қарши-Шаҳрисабз йўналишида замонавий электропоездларнинг мунтазам ҳаракатини йўлга қўйиш.<br>2. Туристик мавсум ва аҳоли эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда қатнов интенсивлигини ошириш. | Икки ой муддатда | – | Транспорт вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 58. | Муборак туманида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш ва “Кўҳнашаҳар” МФЙ аҳолиси яшаш шароитини яхшилаш ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳаллага айлантириш. | 1. “Кўҳнашаҳар” МФЙда маҳалла гузарини ташкил қилиш, ҳудудда 4 км пиёдалар йўлакчасини қуриш, 200 дона тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш, битта болалар майдончаси ва битта воркаут майдончаларини қуриш.<br>2. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахт кўчатларини экиш, уларга томчилатиб суғориш тизимларини жорий қилиш, кўп қаватли уйлар йўлакларини асфальт қилиш ва ободонлаштириш. | Икки ой муддат | **5 млрд.сўм**, Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси маблағлари | Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 59. | Шаҳрисабз шаҳридаги 9 та маҳалла учун янги бино қуриш ва маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш. | 1. Ўз биносига эга бўлмаган 9 та маҳалла биносини қуриш ва инфратузилма объектлари юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.<br>2. Пудратчи ташкилотларни аниқлаш.<br>3. Талаб этиладиган маблағларни ажратиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш. | Бир ой муддатда<br>Икки ой муддатда<br>Уч ой муддатда | **8 млрд сўм** Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси маблағлари | Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **VI. Оилани мустаҳкамлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш масаласи** | | | | | |
| 60. | Вилоятдаги маҳаллаларда **116 та** хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказларини ташкил этиш. | 1. Вилоятдаги маҳаллаларда **116 та** хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказларини ташкил этиш. Бунда ушбу марказларни:<br>бўш турган давлат мулки объектлари ёки унинг бир қисмида оператив бошқарув ҳуқуқи асосида;<br>давлат-хусусий шериклик шартларида;<br>касб-ҳунар ўргатиш фаолияти билан белгиланган тартибда шуғулланувчи ташаббускор тадбиркорларнинг биноларида ташкил этиш.<br>2. Марказларда тикувчилик, қандолатчилик, фитнес, шейпинг, хотин-қизларни касбга ўқитиш каби фаолиятларни йўлга қўйиш. | 2026 йил давомида, график асосида | Ҳисоб-китоблар асосида, ташаббускорлар маблағлари | Оила ва хотин-қизлар қўмитаси,<br>Давлат активларини бошқариш агентлиги,<br>Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| **VII. Қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш масалалари** | | | | | |
| 61. | 2026 йилда вилоятда пахта хомашёсини етиштириш ҳосилдорлигини ошириш. | 1. Пахта экиладиган **127,8 минг** гектар ер майдонининг **43 фоизига** хорижий навларни фермер хўжаликлари кесимида жойлаштириш.<br>2. 2026 йилда **272 дона** пневматик чигит экиш сеялкаларини харид қилувчи ташаббускорлар манзилли рўйхатини шакллантириш ва техникалар сотиб олинишини ташкил қилиш.<br>3. 2026 йилда 60 дона 76 см схемага мослашган замонавий чопиқ тракторларини лизинг асосида етказиб бериш. | Икки ҳафта муддатда<br><br>Бир ой муддатда<br><br>Икки ой муддатда | Ҳисоб-китоблар асосида, ташаббускорлар маблағлари, тижорат банклар кредитлари | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,<br>“Ўзагролизинг” АЖ,<br>Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 62. | Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатишни яхшилаш ва малакали кадрлар захирасини кўпайтириш. | 1. Европа Иттифоқининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳудудларида барқарор турмуш тарзи ҳамда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини ривожлантиришда бюджет кўмаги” дастури доирасида ажратилган грант маблағлари ҳисобидан Шинжон технологияси бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотларининг Қашқадарё вилоятидаги раҳбар ходимларидан 10 нафарининг Хитой давлатида малакасини ошириш.<br>2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги “Маъмурий-хўжалик хизмати” давлат муассасаси ҳисобида бўлган бурғилаш техникасидан 15 донасини вилоят ҳокимлиги балансига беғараз ўтказиб бериш. | Уч ой муддатда<br>Бир ой муддатда | Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг грант маблағлари<br>Маблағ талаб этилмайди | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги |
| 63. | Вилоятда **74,6 минг** гектар майдонга сув тежовчи технологияларни жорий этиш.<br>Жумладан, **12 минг гектар** томчилатиб, **6,7 минг гектар** ёмғирлатиб, **27,4 минг гектар** майдонда лазерли текислаш ва **4,5 минг гектар** дискретли суғориш ҳамда **24 минг гектар** майдонда бошқа (плёнка, эгилувчан қувур тўшаб) суғориш технологияларини қўллаш. | 1. **“Бир канал–бир тизим”** тамойили асосида сув тежовчи технологияларни жорий қилувчи ташаббускорларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш.<br>2. Ташаббускорлар мурожаатига асосан тижорат банклари томонидан кредит ажратиш.<br>3. Белгиланган тартибда аниқланган қурилиш ташкилотлари томонидан ўз муддатларида қурилиш ишларини амалга ошириш. | 2026 йил март-май<br>2026 йил декабрь | Ҳисоб-китоблар асосида, тижорат банклари кредитлари ва ташаббускорлар маблағлари | Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш миқдори ва манбаси | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 64. | Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **51 км** магистрал каналлар, ўз маблағлари ҳисобидан **1,2 минг км** фермер ва кластерларга тегишли суғориш тармоқлари, "Сув етказиб бериш хизмати" давлат муассасалари ҳисобидаги **400 км** суғориш тармоқларини бетонлаштириш. | 1. Бетонлаштириладиган каналлар ва ички суғориш тармоқларининг манзилли дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Бетонлаштириш тадбирларини сифатли ташкил қилиш.<br>3. Бетонлаштириш тадбирларини доимий назорат қилиш ҳамда далолатномалар асосида қабул қилиб олиш. | 2026 йил март<br><br>2026 йил йил якунига қадар | Ҳисоб-китоблар асосида, бюджет маблағлари, кредит ресурслари ва ташаббускорлар маблағлари | Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, тижорат банклари, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 65. | "Ирригация самарадорлигини ошириш ва электр энергияни тежаш" лойиҳаси доирасида Қамаши ва Ғузор туманларида жойлашган "Пахтаобод" магистрал каналини ёпиқ қувур тизимига ўтказиш ёки бетонлаштириш ишларини бошлаш. | 1. Лойиҳани молиялаштириш бўйича Қашқадарёда амалга ошириладиган қурилиш ишларини 2026 йилда бошлашни назарда тутган ҳолда асосланган таклиф киритиш.<br>2. "Пахтаобод" магистрал каналини ёпиқ қувур тизимига ўтказиш ёки бетонлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>3. Лойиҳа доирасида қурилиш ишларини бошлаш. | Икки ой муддатда<br><br>2026 йил 1 сентябрь<br><br>2026 йилда | Ҳисоб-китоблар асосида, Жаҳон банкининг "Миллий ирригация тизимларини яхшилаш ва энергия самарадорлигини ошириш" лойиҳаси маблағлари | Сув хўжалиги вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |
| 66. | "Қарши насос станциялари каскадини капитал қайта тиклаш (III фаза)" лойиҳасини давом эттириш. | 1. Лойиҳа доирасида 4 дона земснаряд ва 9 дона насос агрегатларини харид қилиш.<br>2. Харид қилинган земснаряд ва агрегатларни ўрнатиш. | Бир ой муддатда<br><br>2026 йил 1 ноябрь | Ҳисоб-китоблар асосида, халқаро молия институтлари маблағлари | Сув хўжалиги вазирлиги |
| 67. | Куз-қиш мавсумида "Талимаржон" ИЭСда ишлатилган сувни Хитой канали орқали қабул қилиш ҳамда вегетация даврида керакли ҳудудларга йўналтириш мақсадида Муборак туманида кичик сув омборини қуриш. | 1. Молиялаштириш манбасини аниқлаш ва лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш.<br>2. Лойиҳани баҳолаш ҳужжати ва ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш.<br>3. Лойиҳани давлат дастурига киритиш ҳамда амалга ошириш. | 2026 йил давомида<br><br>2027-2028 йилларда | Ҳисоб-китобларга асосан, республика бюджети маблағлари | Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги |

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 февралдаги “2023–2025 йилларда Қашқадарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–44-сон қарорида:

**(а)** 3 бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи – олтинчи хатбошилар тегишинча учинчи – бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

**(б)** 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

**(в)** 5-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 3 февралдаги ПҚ–44-сон қарорига
5-илова

### Қашқадарё вилоятида янги ташкил этиладиган кичик саноат зоналарининг МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

| Т/р | Туман номи | Манзили (МФЙ) | Контур рақами | Жами ер майдони, га | Лотлар сони |
|---|---|---|---|---|---|
| **Вилоят бўйича жами** | | | | **30,5** | **179** |
| 1. | Қамаши тумани | “Манғит” МФЙ | 660к | 1,0 | 9 |
| 2. | Кўкдала тумани | “Олтин дала” МФЙ | 191к, 192к | 15,0 | 87 |
| 3. | Шаҳрисабз тумани | “Шаматон” МФЙ | 29к | 11,0 | 52 |
| 4. | Нишон тумани | “Нурчи” МФЙ | 11329к | 1,5 | 12 |
| 5. | Қарши тумани | “Кўчкак” МФЙ | 775, 776, 777 | 1 | 10 |
| 6. | Ғузор тумани | “Қоракўл” МФЙ | 212к | 1 | 9 |

”

**(г)** 5а-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 3 февралдаги ПҚ–44-сон қарорига
5а-илова

**Кичик саноат зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирларининг**
**МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИ**

| Т/р | Ҳудудлар ва объектлар номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Амалга ошириш муддати | Объектнинг умумий қиймати *(млн сўм)* | Ажратиладиган маблағ *(млн сўм)* |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЖАМИ:** | | | | | **14 560** | **14 560** |
| **I** | **Табиий газ тармоқларини қуриш** | **км** | **3,2** | **2026–2027 йиллар** | **1 410** | **1 410** |
| 1. | Қамаши тумани “Манғит” КСЗда табиий газ тармоғини қуриш | км | 1,5 | 2026–2027 йиллар | 310 | 310 |
| 2. | Кўкдала тумани “Олтин дала” КСЗда табиий газ тармоғини қуриш | км | 1,7 | 2026–2027 йиллар | 1 100 | 1 100 |
| **II** | **Электр энергияси тармоқларини қуриш** | **км** | **12,3** | **2026–2027 йиллар** | **3 150** | **3 150** |
| | | **дона** | **3** | | | |
| 3. | Қамаши тумани “Манғит” КСЗда электр энергияси тармоғини қуриш | км | 10 | 2026–2027 йиллар | 2 000 | 2 000 |
| | | дона | 1 | | | |
| 4. | Кўкдала тумани “Олтин дала” КСЗда электр энергияси тармоғини қуриш | км | 0,3 | 2026–2027 йиллар | 500 | 500 |
| | | дона | 1 | | | |
| 5. | Шаҳрисабз тумани “Шаматон” КСЗда электр энергияси тармоғини қуриш | км | 2 | 2026–2027 йиллар | 650 | 650 |
| | | дона | 1 | | | |
| **III** | **Автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш** | км | **5** | x | **10 000** | **10 000** |
| 6. | Қамаши тумани “Манғит” КСЗда автомобиль йўлларини қуриш | км | 1,5 | 2026–2027 йиллар | 3 000 | 3 000 |
| 7. | Кўкдала тумани “Олтин дала” КСЗда автомобиль йўлларини қуриш | км | 1,5 | 2026–2027 йиллар | 3 000 | 3 000 |
| 8. | Шаҳрисабз тумани “Шаматон” КСЗда автомобиль йўлларини қуриш | км | 2 | 2026–2027 йиллар | 4 000 | 4 000 |

** Инфратузилмалар учун талаб этиладиган маблағлар кўрсаткичларига лойиҳа-смета ҳужжатлари тасдиқлангандан сўнг ўзгартириш киритилиши мумкин”.*

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 7 февралдаги “Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–44-сон қарорида:

**(а)** 4-банднинг бешинчи хатбошисидаги “2025–2026 йилларда” сўзлари “2027–2028 йилларда” сўзлари билан алмаштирилсин;

**(б)** 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 29 ноябрдаги “Самарқанд вилоятида инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–407-сон қарорига мувофиқ “Ургут” эркин иқтисодий зонасига Қашқадарё вилояти Китоб туманидан ажратилган 37,4 гектар ер майдони “Чироқчи” эркин иқтисодий зонаси таркибига ўтказилгани маълумот учун қабул қилинсин.

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг “Чироқчи” эркин иқтисодий зонаси номини “Қашқадарё” эркин иқтисодий зонасига ўзгартириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин”;

**(в)** 21, 22 ва 41-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

**(г)** 9-иловада:

5-позиция чиқариб ташлансин;

17-позиция “Амалга ошириш механизми” устунининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

**(д)** 12-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 декабрдаги “2026–2028 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–393-сон қарорига 19-илованинг 109-позициясида “Объект номи ва манзили” устунидаги “Қашқадарё вилояти Қарши тумани” сўзлари “Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар” сўзлари билан алмаштирилсин.

**4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 февралдаги “2026 йилда ҳудудларни янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–49-сон қарорида:

QMMB: 07/26/96/0249-son
17.03.2026-y.



10 (1238)-сон
215-модда

**(а)** 6-бандда:

“в” кичик банддан “билан боғлиқ лойиҳалар” сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги “г” кичик банд билан тўлдирилсин:

“(г) ижтимоий соҳа объектларини “яшил” тамойиллар асосида қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ҳамда маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш билан боғлиқ лойиҳалар”;

**(б)** 17-бандда:

“г” кичик банддан “билан боғлиқ лойиҳалар” сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги “д” кичик банд билан тўлдирилсин:

“(д) ижтимоий соҳа объектларини “яшил” тамойиллар асосида қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ҳамда маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш билан боғлиқ лойиҳалар”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

QMMB: 07/26/97/0225-son
13.03.2026-y.

10 (1238)-сон
216-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
# QARORI

2026 yil «13» март № ПҚ–97

## Аграр секторни замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашнинг навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда зарур агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, аграр секторда қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган талабни қондириш ҳамда мавжуд техникаларни янгилаш мақсадида **қарор қиламан:**

### I. Асосий мақсад

**1.** Ушбу қарорни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад этиб қишлоқ хўжалигида **механизациялаш даражасини ошириш**, жумладан, **2026 йилда** пахтани машиналар ёрдамида териб олиш улушини **70 фоизгача** етказиш белгилансин.

### II. Қишлоқ хўжалиги техникалари хариди ва молиявий ресурслар

**2. 2026 йилда** янги сотиб олинадиган замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатларининг **мақсадли кўрсаткичлари** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**3.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **2026 йилда** қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатлари харидини молиялаштириш учун давлат кафолати остида жалб қилинадиган хорижий кредит линиялари ҳисобидан тижорат банклари орқали **400 миллион АҚШ долларигача** бўлган миқдорда маблағлар йўналтирилишини таъминласин.

**4.** Белгилансинки, мазкур қарорнинг 3-банди доирасида:

(а) **2026 йил 1 майга қадар** дастлабки босқичда **200 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги маблағларни жалб қилиш бўйича барча музокаралар якунланиши ва молиялаштириш бошланиши таъминланади;

(б) маблағлар тижорат банкларига **10 йил** муддатга **2 йиллик имтиёзли давр** билан йиллик **Марказий банк асосий ставкасида** миллий валютада субординар қарз сифатида қайта молиялаштирилади;

(в) тижорат банклари барча турдаги қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатлари хариди учун **10 йил** муддатга **2 йиллик имтиёзли давр** билан йиллик Марказий банк асосий ставкага 4 фоиз банк маржаси билан миллий валютада кредитлар ажратади. Бунда:

(i) кредит гаров таъминотининг етмаган қисмига суғурта компанияларининг кредитни қайтармаслик хатарларидан **суғурта полиси гаров сифатида** қабул қилинади;

(ii) қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олувчиларга тижорат банки томонидан белгиланган фоиз ставкасининг **10 фоизлик** пунктидан юқори қисми Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан белгиланган тартибда субсидия сифатида қоплаб берилади;

(г) тижорат банклари ўзларига йўналтирилган маблағлар ҳисобидан лизинг ташкилотларига қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг шартларида ажратишга **10 йил** муддатга **2 йиллик имтиёзли давр билан** йиллик Марказий банк асосий ставкасидан **2 фоизлик пункт** юқори ставкада (шундан 2 фоиз банк маржаси) миллий валютада кредитлар ажратиши мумкин;

(д) 2025 йилда пахта териш машиналарини харид қилиш учун аванс тўловларини молиялаштиришга "Агробанк" АТБга ажратилган **600 миллиард сўмнинг** қайтиши ҳисобига шаклланган маблағлар мазкур банднинг "в" кичик бандида белгиланган шартларда 2026 йилда пахта териш машиналари харидини кредитлашга йўналтирилади;

(ж) чет эл валютасининг миллий валютага нисбатан курси ўзгариши натижасида юзага келадиган молиявий йўқотишлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қопланади.

5. **2026 йилдан** бошлаб имтиёзли кредит ва лизинг шартлари асосида етказиб бериладиган пахта ва ғалла комбайнлари бўйича кредит ва лизинг тўловларини тўлаш муддати ушбу техникаларни харид қилувчилар учун йилига икки марта **31 январь** ҳамда **31 июль** саналари этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 ноябрдаги "Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлик кластерини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–7-сон қарорида назарда тутилган субсидиялар кредит ва лизингга етказиб берилаётган маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқарилган ҳамда хориждан тайёр ҳолда олиб келинадиган аниқ доналаб экувчи кўп функцияли чигит экиш сеялкалари, плёнка йиғадиган агрегатлар ҳамда пахта териш машиналари учун, истисно тариқасида, **2027 йил 1 январга қадар татбиқ этилсин**.

7. Тижорат банкларининг кредит маблағлари ҳисобига харид қилинган қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатлари бўйича ажратиладиган субсидиялар, биринчи навбатда, мазкур кредитлар бўйича банк олдидаги асосий қарз ва фоиз тўловларини сўндиришга йўналтирилсин.

8. Мазкур қарорнинг 3-бандида белгиланган тартибда жалб қилинган маблағларнинг **40 миллион АҚШ доллари** 2025 йилда етказиб берилган **163 та** пахта териш машиналари бўйича якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун "Ўзагролизинг" АЖга **10 йил** муддатга йиллик Марказий банк асосий ставкасида миллий валютада ажратилсин.

**III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

9. Белгилансинки, мазкур қарор доирасида ажратиладиган банк кредитлари ҳисобидан харид қилинадиган пахта териш машиналарида етказиб берувчилар томонидан глобал жойлашувни аниқлаш тизими (GPS) ўрнатилган бўлиши мажбурий ҳисобланади.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **2026 йил 1 сентябрга** қадар "Рақамли қишлоқ хўжалиги" ягона интеграцион платформасида пахта териш машиналарининг жойлашуви, ҳаракатланиш йўналиши ва иш вақтини онлайн режимда кўриб туриш орқали техникалардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланишни мониторинг қилиш имконини берувчи хизматни ишга туширсин.

**11. Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш бўйича республика комиссияси** 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил қилинсин ва унга қуйидаги вазифалар юклансин:

**(а)** имтиёзли ресурслар ҳисобидан харид қилинадиган, шу жумладан, "Тошкент трактор заводи" МЧЖ томонидан етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги техникалари нархлари бўйича музокаралар олиб бориш;

**(б)** пахта териш машиналарининг **2026 йил 1 сентябрга** қадар етказиб берилишини ташкил этиш;

**(в)** қишлоқ хўжалиги техникаларига кафолатланган сервис хизматларини кўрсатиш ҳамда эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш юзасидан ишлаб чиқарувчилар билан музокаралар ўтказиш.

**12.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари мазкур қарорга 1-иловага мувофиқ қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатларини харид қилишни ташкил қилишга шахсан масъул ва жавобгар этиб белгилансин.

**13.** Қуйидагиларга:

**(а) қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари А.Н. Шукуровга** – давлат кафолати остида хорижий кредит линиялари ўз вақтида жалб қилинишига;

**(б) иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари А.Я. Хайдаровга** – хорижий кредит линиялари ҳисобидан маблағлар тижорат банкларига ўз вақтида йўналтирилиши ва ўзлаштирилиши юзасидан шахсан жавобгарлик юклансин.

**14.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига **3-иловага** мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

**15.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

QMMB: 07/26/97/0225-son
13.03.2026-y.

10 (1238)-сон
216-модда



**16.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ж.А. Ходжаев белгилансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. Мирзиёев**




Тошкент шаҳри

10 (1238)-сон
216-модда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПҚ–97-сон қарорига
1-илова

**2026 йилда янги сотиб олинадиган замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатларининг**
**МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| Т/р | Ҳудудлар номи | Жами техникалар сони | шундан: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | аниқ доналаб экувчи кўп функцияли чигит экиш сеялкалари | пахта териш машиналари | универсал тракторлар | плёнка йиғадиган ва бошқа агрегатлар | ғалла ўриш комбайнлари |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 470 | 223 | 70 | 25 | 149 | 3 |
| 2 | Андижон вилояти | 434 | 127 | 85 | 75 | 141 | 6 |
| 3 | Бухоро вилояти | 470 | 101 | 60 | 100 | 199 | 10 |
| 4 | Жиззах вилояти | 457 | 219 | 40 | 28 | 160 | 10 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 723 | 150 | 63 | 200 | 260 | 50 |
| 6 | Навоий вилояти | 172 | 30 | 50 | 29 | 58 | 5 |
| 7 | Наманган вилояти | 336 | 73 | 72 | 75 | 111 | 5 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 352 | 131 | 17 | 66 | 132 | 6 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 577 | 179 | 94 | 165 | 134 | 5 |
| 10 | Сирдарё вилояти | 408 | 86 | 50 | 37 | 225 | 10 |
| 11 | Тошкент вилояти | 350 | 111 | 40 | 78 | 106 | 15 |
| 12 | Фарғона вилояти | 472 | 173 | 100 | 35 | 154 | 10 |
| 13 | Хоразм вилояти | 453 | 185 | 59 | 45 | 159 | 5 |
| **Жами** | | **5 674** | **1 788** | **800** | **958** | **1 988** | **140** |

***Изоҳ:*** *ҳудудларнинг қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган талабларидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг таклифига мувофиқ ушбу техникалар миқдорига Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш бўйича республика комиссияси томонидан ўзгартириш киритилиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПҚ–97-сон қарорига
2-илова

**Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш бўйича республика комиссияси**
**ТАРКИБИ**

| | | |
|---|---|---|
| Ж.А. Ходжаев | – | Бош вазир ўринбосари, *Республика комиссияси раиси* |
| А.Н. Шукуров | – | қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари, *Республика комиссияси раиси ўринбосари* |
| Ш.Ж. Тўхтабоев | – | Бош прокурор ўринбосари |
| Б.Х. Хайдаров | – | Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги директори |
| А.Я. Хайдаров | – | иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари |
| И.А. Касимов | – | инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари |
| А.Д. Вахабов | – | Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи |
| Э.А. Кахоров | – | "Агробанк" АТБ бошқаруви раиси |
| У.У. Розукулов | – | "Ўзавтосаноат" АЖ бошқаруви раиси |
| Т.Ю. Рапиков | – | Вазирлар Маҳкамаси котибияти мудири, *Республика комиссияси котиби* |

***Изоҳ:*** *Республика комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишли вазифаларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.*

QMMB: 07/26/97/0225-son
13.03.2026-у.

**10 (1238)-сон**
**216-модда**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПҚ–97-сон қарорига
3-илова

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартириш

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–431-сон қарори 4-бандининг “д” кичик банди қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

“Бунда 2024 йилдан бошлаб лизинг асосида берилган пахта териш машиналари қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда (фермер хўжаликлари ёки кластерларнинг ер майдонлари давлат эҳтиёжлари (захира) учун олиб қўйилганда ёки қишлоқ хўжалиги корхоналарига нисбатан белгиланган тартибда банкротлик тартиб-таомиллари қўлланилганда) қайта расмийлаштирилганда лизинг тўловлари учун бериладиган субсидиялар истисно тариқасида сақланиб қолинади”.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги “Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни халқаро бозорларда хусусийлаштириш тўғрисида”ги ПҚ–145-сон қарорига 1-илованинг 23-позицияси чиқариб ташлансин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

QMMB: 07/26/99/0228-son
14.03.2026-y.

10 (1238)-сон
217-модда

# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
# QARORI

2026 yil «13» март № ПҚ–99

## Қишлоқ хўжалигида замонавий технологияларни жорий қилишга доир чора-тадбирлар тўғрисида

Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, бунда янги хизмат турларини жорий қилиш ва банк хизматларини илғор хорижий ёндашувлар асосида ташкил этиш, шунингдек, замонавий рақамли маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш мақсадида **қарор қиламан**:

### I. Мақсадлар

**1.** Қуйидагилар "**Агробанк**" акциядорлик тижорат банки томонидан амалга ошириладиган **асосий мақсадли кўрсаткичлар** этиб белгилансин:

**(а)** 2026 йилда банк ресурс базасини мустаҳкамлаш учун ташқи ва ички манбалар ҳисобидан **25 триллион сўм**, шундан **хорижий молия институтларидан 600 миллион АҚШ доллари** ва **ички манбалардан 18 триллион сўм миқдорида қўшимча молиявий ресурсларни жалб этиш**;

**(б) 2026 йил якунига қадар** ҳар бир ҳудудда **агрохизмат зоналари**ни ташкил этиш;

**(в)** 2026–2027 йилларда қишлоқ хўжалигига доир **10 та стартап лойиҳани** амалга ошириш;

**(г) "Сувчилар мактаби"**да сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва ўргатишга қаратилган дастурни йўлга қўйиш ва **ҳар йили 10 мингта фермер хўжалигини жалб қилиш**;

**(д) "Фермерлар мактаби"** онлайн ўқув платформасига **40 тадан ортиқ янги видеодарслар** ҳамда **онлайн курслар жойлаш** ва **йилига 15 мингта** фермер ва деҳқон хўжаликларини жалб қилиш.

10 (1238)-сон
217-модда



## II. Замонавий комплекс қишлоқ хўжалиги хизматларини жорий қилиш

**2.** "**Агробанк**" акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда – Агробанк) **2026 йил якунига қадар** тажриба-синов тариқасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда биттадан банк филиалларида **агрохизмат зоналари**ни ташкил этсин. Бунда агрохизмат зоналарида:

**(а)** **қишлоқ хўжалиги агенти** фаолияти йўлга қўйилади, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига оид банк маҳсулотлари ва хизматларидан самарали фойдаланишга кўмаклашиш ҳамда қишлоқ хўжалигида замонавий интенсив технологиялар бўйича **бепул маслаҳат** бериш тизими жорий қилинади;

**(б)** қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига оид бошқа зарур хизматлар (агроном маслаҳати, сув ва энерготежамкор технологиялар, тупроқ таҳлили, ин-витро технологияси асосида кўчатларни етказиб бериш ва бошқалар) кўрсатилади;

**(в)** қишлоқ хўжалиги йўналишидаги ўқув платформалари ("Сувчилар мактаби", "Фермерлар мактаби") ва китоблар тўпламларидан эркин фойдаланиш имкониятлари яратилади.

**3.** Агробанк зиммасига қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича **қуйидаги қўшимча вазифалар** юклатилсин:

**(а)** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда **янги замонавий интенсив технологиялар**ни кенг жорий қилиш ва **стартап лойиҳаларни** қўллаб-қувватлаш;

**(б)** мижоз эҳтиёжлари асосида қишлоқ хўжалиги йўналишида **замонавий рақамли маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш** ва **комплекс хизмат кўрсатиш тизими**ни йўлга қўйиш;

**(в)** **сунъий интеллект**, масофадан мониторинг ва "**big-data**" технологиялари асосида банк ҳамда қишлоқ хўжалигига оид хизматларни ишлаб чиқиш;

**(г)** қишлоқ хўжалиги корхоналарига банк хизматлари илғор хорижий ёндашувлар асосида кўрсатилишини таъминлаш учун **халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик доирасини кенгайтириш**;

**(д)** рейтинги юқори бўлган хорижий олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик ўрнатиш орқали тегишли олий таълим муассасаларида "**илм ва амалиёт**" тамойили асосида **ўқитишни ташкил этиш**га кўмаклашиш.

**4.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Агробанкнинг давлат кафолатисиз **қуйидаги лойиҳаларни амалга ошириш** ҳақидаги таклифига розилик берилсин:

**(а)** **Жаҳон банки** билан ҳамкорликда – қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ҳолатини таҳлил қилиш, янги маҳсулотлар ва хизматларни рақамлаштириш, самарали бизнес ёндашувларни жорий этиш;

**(б)** **Осиё тараққиёт банки** билан ҳамкорликда – бизнесни ривожлантириш, кредит рискларини бошқариш тизимини мустаҳкамлаш, экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) талабларини амалиётга жорий этиш.

**III. Қишлоқ хўжалигида стартап лойиҳалар**

**5.** Белгилансинки, Агробанк томонидан **қишлоқ хўжалигида стартап лойиҳаларни** қўллаб-қувватлаш мақсадида:

**(а)** Агробанк таъсисчилигида “**Agro Ventures**” шўъба хўжалик жамияти ташкил этилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги “Стартап лойиҳалар ва венчур молиялаштириш экотизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–357-сон қарорига асосан ташкил қилинган “United Ventures” венчур компанияси устав капиталига Агробанк томонидан йўналтириладиган маблағлар доирасида 73 миллиард сўмни “Agro Ventures” шўъба хўжалик жамияти устав капиталини шакллантиришга йўналтириш тавсия этилсин;

**(б)** шўъба хўжалик жамияти томонидан:

**(i)** акселерация, инвестиция ва тижоратлаштириш жараёнларини йўлга қўйиш учун **топ-50 талик рейтингга** кирган **хорижий венчур компаниялари** билан ҳамкорлик дастурлари асосида алоқаларни йўлга қўйиш, хорижий эксперт ва менторларни жалб қилиш;

QMMB: 07/26/99/0228-son
14.03.2026-y.



**(ii) стартапларни молиялаштириш** учун акселераторлик ва инкубатор дастурларини йўлга қўйиш, хакатонлар ўтказиш, қишлоқ хўжалигидаги стартаплар ҳамда инновацион ғоялар учун грант дастурларини жорий этиш;

**(iii)** ахборот технологиялари ҳамда техника йўналишидаги олий таълим муассасалари, илмий-текшириш институтлари ва хусусий сектор вакиллари билан ҳамкорлик қилиш чоралари кўрилади.

## IV. Қишлоқ хўжалигида рақамли платформалар ва сунъий интеллект инструментлари

**6. Белгилансинки,** экин майдонлари тўғрисида космик, об-ҳаво, ўсимликлар ривожланиши ҳолати бўйича мониторинг маълумотларини марказлашган ҳолда таҳлил қилиш мақсадида **Қишлоқ хўжалиги мониторинг маркази** ташкил қилинади.

**7. Қишлоқ хўжалиги мониторинг марказига** маълумотларни марказлашган ҳолда “big-data” технологиялари асосида тақдим қилишга масъул ташкилотлар рўйхати **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

**8.** Агробанк зиммасига қишлоқ хўжалигида **рақамли платформалар** ва **сунъий интеллектни** кенг татбиқ қилиш бўйича қуйидаги вазифалар юклатилсин:

**(а)** қишлоқ хўжалигига оид маълумотларни марказлашган ҳолда “big-data” технологиялари асосида тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилишнинг **техник ва дастурий инфратузилмасини** ташкил қилиш;

**(б)** мева-сабзавотчилик, чорвачиликда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича **Жиззах вилоятида боғдорчилик**, **Сирдарё вилоятида чорвачилик** мониторинги бўйича биттадан сунъий интеллектга асосланган пилот лойиҳаларни амалга ошириш;

**(в)** қишлоқ хўжалиги корхоналарига банк-молия хизматлари, давлат хизматлари ва қишлоқ хўжалигида сунъий интеллектга асосланган “ақлли” ечимларга ихтисослашган **илова** (суперапп) яратиш;

**(г)** қишлоқ хўжалик корхоналари бўйича “big-data”, сунъий интеллект технологиялари асосида уларнинг рейтинг баҳолаш тизимини йўлга қўйиш, банк хизматлари ва кредитлаш жараёни бўйича автоматлашган хулосалар бериш ечимларини татбиқ этиш.

**9. Агробанк** ҳамда **“Ўзбеккосмос” агентлигининг** қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

**(а)** Агробанк томонидан “Ўзбеккосмос” агентлиги сўрови асосида Агентлик муассислигидаги “Космик мониторинг ва геоахборот технологиялари маркази” МЧЖга қишлоқ хўжалиги ер майдонларида аэрокосмик мониторингни кенгайтириш мақсадида **учувчисиз учиш аппаратлари комплексини** сотиб олиш учун ҳомийлик маблағлари ажратиш;

**(б)** пахта ва ғалла экинлари етиштиришга ажратилган имтиёзли кредитлардан мақсадли фойдаланиш ҳолатини сунъий йўлдош ва дрон ёрдамида олинган маълумотлар асосида мониторинг қилиш тизимини жорий қилиш.

**10.** Агробанк **2026–2029 йиллар давомида** Рақамли иқтисодиёт ва агротехнологиялар университетида:

**(а) Хитой қишлоқ хўжалиги университети** ва **Шинжон қишлоқ хўжалиги университети** билан қўшма таълим дастурларини йўлга қўйсин;

**(б)** қишлоқ хўжалиги соҳасида нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг биринчи 100 талик рўйхатига кирган олий таълим муассасалари билан бакалавриат, магистратура ва докторантура бўйича қўшма таълим дастурлари, қисқа муддатли хорижий ва маҳаллий малака ошириш курслари, стажировкалар ва тренинг дастурлари ташкил этиш бўйича ишларни амалга оширсин;

**(в)** хорижий қўшма таълим дастурларини жорий қилиш доирасида ўқув ва амалиёт бинолари базасини яратиш, моддий-техник жиҳозлаш, ўқитиш, талабалар ва илмий ходимларга грантлар учун қўшимча маблағлар ажратиш чораларини кўрсин ҳамда **қишлоқ хўжалигида юқори технологияларни ҳамда рақамли платформаларни жорий қилиш бўйича 2 миллиард сўмгача 10 та грант** эълон қилсин.

## V. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун молиявий ресурслар

**11.** Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Агробанк орқали **аҳоли хонадонлари**, **томорқа ер эгалари** ва **деҳқон хўжаликларига анжир, хурмо, олма ва нок** маҳсулотларини етиштириш учун йиллик 18 фоиз ставкада 24 ойлик имтиёзли давр билан 84 ой муддатга кредитлар ажратилади.

**12.** Қишлоқ хўжалигида молиявий хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

QMMB: 07/26/99/0228-son
14.03.2026-y.

10 (1238)-сон
217-модда



**13.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

(а) **2026 йил 1 апрелга** қадар Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси иштирокидаги **“Агробизнес учун самарали ечимлар: юқори даромад, инвестиция ва барқарорлик” лойиҳасининг** (кейинги ўринларда – Лойиҳа) концепциясини тасдиқласин;

(б) 2026 йил давомида **Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасидан** Ўзбекистон Республикасига Лойиҳани молиялаштириш учун имтиёзли кредит маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

**VI. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

**14.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**15.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев, қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдураҳмонов ҳамда “Агробанк” АТБ бошқаруви раиси Э.А. Кахоров белгилансин.

**16.** Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI KANSELYARIYA 1

Тошкент шаҳри

---

2-илова келтирилмайди

10 (1238)-сон
217-модда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПҚ–99-сон қарорига
1-илова

**Қишлоқ хўжалиги мониторинг марказига маълумотларни марказлашган ҳолда “big-data” технологиялари асосида тақдим қилишга масъул ташкилотлар**
**РЎЙХАТИ**

| Т/р | Ахборот тизимлари интеграция қилинадиган ташкилотлар | Маълумот тури |
|---|---|---|
| 1. | “Ўзбеккосмос” агентлиги | Космик тасвирлар, NDVI ва бошқа вегетация индекслари, экин ҳолати, экилган ва экилмаган майдонлар, экин ривожланиш динамикаси, ҳосил прогнозини шакллантиришга хизмат қилувчи маълумотлар |
| 2. | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги | Қишлоқ хўжалиги корхоналари реестри, экин тузилмаси, “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси маълумотлари ва фермер хўжаликларига оид бошқа маълумотлар |
| 3. | Аграр соҳада тўловлар агентлиги | Ажратилган субсидиялар, компенсациялар, имтиёз мақоми, аризалар ҳолати, давлат қўллаб-қувватлаш чоралари ва қишлоқ хўжалиги субъектлари бўйича молиявий кўмак тўғрисидаги маълумотлар |
| 4. | Сув хўжалиги вазирлиги | Сув лимитлари, сув етказиб бериш шартномалари, сув сарфи, каналлар ва гидропостлар маълумотлари, суғориш тармоқлари бўйича маълумотлар |
| 5. | Кадастр агентлиги | Ер участкаси контури, майдон ҳажми, кадастр рақами, ернинг ҳуқуқий мақоми, ер тоифаси ва ерга оид бошқа кадастр маълумотлари |

| | | |
|---|---|---|
| 6. | Солиқ қўмитаси | Солиқ қарзи, молиявий ҳисоботлар, тушумлар, товар айланмаси, электрон ҳисобварақ-фактуралар, СТИР ва тадбиркорлик фаолиятига оид бошқа молиявий маълумотлар |
| 7. | Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги | Ўсимлик касалликлари ва зараркунандалар реестри, фитосанитар ҳолат, ҳудудий хавфлар ва карантин объектлари тўғрисидаги маълумотлар |
| 8. | “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ | Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг электр энергияси бўйича қилган тўловлари ва мавжуд қарздорликлари тўғрисидаги маълумотлар |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

10 (1238)-сон
218-модда

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING**
**QARORI**

2026 yil «13» март №ПҚ–103

# Миллий статистика тизими мутахассислари малакасини ошириш ҳамда соҳага рақамли технологияларни жорий этишни янада жадаллаштириш орқали юқори самарадорликка эришиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 февралдаги “Статистика ишларини ташкил этиш ва юритиш тизимини янги босқичга олиб чиқиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–27-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, миллий статистика тизимини замон талаблари асосида янада такомиллаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

## I. Асосий мақсадлар

**1. Қуйидагилар ушбу қарорнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:**

**(а)** миллий статистика тизими мутахассислари малакасини оширишда **ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини** жорий этиш ва **хорижий тажриба** асосида статистика услубиётини такомиллаштириш;

**(б)** ҳар икки йилда **3 минг нафар** миллий статистика тизими мутахассисларини ўқитиб бориш имконини яратиш;

**(в)** **яширин** ва **креатив иқтисодиётни баҳолаш мақсадида** статистика методологиясини такомиллаштириш;

**(г)** миллий статистика тизимини **рақамлаштиришни жадаллаштириш**, инновацион ечимларни қўллаган ҳолда **кўрсатилаётган рақамли хизматлар ҳажмини 2 баробарга** ошириш.

**II. Миллий статистика тизимида мутахассислар малакасини ошириш ва тадқиқотлар олиб бориш тизимини такомиллаштириш**

**2.** Миллий статистика қўмитасининг **Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти** (кейинги ўринларда – Институт) фаолиятининг устувор йўналишлари ва уларни амалга ошириш бўйича вазифалар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**3.** Белгилансинки, **2026 йил 1 апрелдан бошлаб** Институтда:

**(а)** **вазирлик ва идораларнинг** маъмурий маълумотларини юритиш, статистика услубиётларини ишлаб чиқиш ва очиқ маълумотлар портали билан ишлашга масъул бўлган ходимлари учун ҳар икки йилда шартнома асосида **48 соатгача** бўлган малака ошириш курслари;

**(б)** статистика ҳисоботларини тақдим этувчи субъектлар, жумладан, **тадбиркорлик субъектлари учун** зарур амалий кўникмаларни ривожлантириш бўйича ўқув курслари ташкил этилади.

**4.** Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **Тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин ва уни молиялаштириш манбалари ҳамда маблағларидан фойдаланиш йўналишлари 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

**5.** Миллий статистика қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

**(а)** Институт томонидан Жаҳон банки кўмагида республикада **яширин ва креатив иқтисодиёт улушини** статистик баҳолаш методикасини такомиллаштириш ва баҳолаш натижаларини эълон қилиб бориш;

**(б)** ушбу йўналишда ишларни ташкил этиш учун Миллий статистика қўмитаси штат бирликлари доирасида Институтга қўшимча **6 та штат бирлиги ажратиш**;

**(в)** Институт томонидан ўқув жараёнига профессор-ўқитувчилар ҳамда соҳа бўйича мутахассисларни меҳнатига соатбай (кунбай, ишбай) ҳақ тўлаган ҳолда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жалб этиш.

**6.** Миллий статистика қўмитаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2026 йил 1 сентябрга қадар** малака ошириш жараёнларини автоматлаштириш учун **"Маълумотлар ва таҳлил илми" рақамли таълим платформасини** (кейинги ўринларда – Платформа) жорий этсин.

**7.** Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

**(а)** Платформа Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган **"Ўзбекистонда статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида** яратилади;

**(б)** **Платформа оператори** Институт ҳисобланади;

**(в)** Платформани сақлаш харажатлари Миллий статистика қўмитасининг **бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан** қопланади.

## III. Миллий статистика тизимида рақамли хизматлар кўрсатишда янгича ёндашувларни татбиқ этиш

**8.** Миллий статистика тизимини рақамлаштириш ҳамда соҳада замонавий хизматларни жорий этиш мақсадида Миллий статистика қўмитаси ҳузурида масъулияти чекланган жамият шаклидаги **"Рақамли статистика маркази" – Digitstat** (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилсин.

**9.** Белгилансинки:

**(а)** Марказ статистика соҳасида рақамлаштириш йўналишида фаолият кўрсатувчи **ягона интегратор ҳисобланади;**

**(б)** Марказ 4-иловага мувофиқ вазифаларни бажаради.

## IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

**10.** Белгилаб қўйилсинки, Миллий статистика қўмитасида рақамли технологияларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш харажатлари учун маблағлар Давлат бюджетидан 2026 йилда Статистика дастури доирасида, кейинги йилларда Миллий статистика қўмитасининг асослантирилган талабномасига кўра ажратилади.

**11.** Қуйидагилар:

**(а)** Миллий статистика қўмитасининг **Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси** 5-иловага мувофиқ;

**(б)** Миллий статистика қўмитасининг **Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва устама белгилаш тартиби** 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**12.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**13.** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 8-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**14.** Қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Миллий статистика қўмитаси раиси Б.С. Ҳамраев белгилансин.

**15.** Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — **Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

**10 (1238)-сон**
**218-модда**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПҚ–103-сон қарорига
1-илова

## Миллий статистика қўмитасининг Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти фаолиятининг устувор йўналишлари ва уларни амалга ошириш бўйича ВАЗИФАЛАР

**1.** Халқаро илғор тажриба асосида миллий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш устуворликларига мос **илмий ва амалий статистик тадқиқотларни олиб бориш, замонавий таҳлил усулларини жорий этиш** орқали ҳудуд ва соҳалар кесимида маълумотларга асосланган таҳлиллар тайёрлаш.

**2.** **Яширин иқтисодиёт ва креатив иқтисодиётни баҳолаш** услубиётини такомиллаштириш ҳамда даврий равишда **уларнинг иқтисодиётдаги улушини ҳисоблаш** ва натижаларини эълон қилиб бориш.

**3.** **Илмий тадқиқот ва инновацияларни кенгайтириш,** жумладан, сунъий интеллект (AI) ва катта ҳажмдаги маълумотлар (Big Data) асосида маълумотларнинг сифати ва ишончлилигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш.

**4.** Статистик маълумотларни муқобил манбалар, жумладан, **сунъий йўлдош ва дрон орқали олинган тасвирлар, мобил ва банк тизими маълумотлари** ҳамда бошқа маъмурий маълумотлардан фойдаланган ҳолда юритиш усулларини жорий этиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш.

**5.** Статистика органлари ҳамда вазирлик ва идоралар соҳа мутахассисларини **қайта тайёрлаш**, **малакасини ошириш** ва билимларини баҳолаб боришнинг **узлуксиз тизимини яратиш**.

6. **Иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида статистикани шакллантиришнинг** ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда, **махсус таълим модулларини** жорий этиш.

7. Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш натижаларини **тизимли ва чуқур таҳлил қилиш** мақсадида дескриптив ва предиктив статистик таҳлил усулларини ишлаб чиқиш.

8. Давлат органлари учун таҳлилларга асосланган қарорлар қабул қилиш, қарорлар таъсирини баҳолаш ва рақамларга асосланган бошқарув **(evidence-based policy) бўйича ихтисослашган ўқув дастурларини жорий этиш.**

9. **Маҳаллий ва хорижий олим ва мутахассисларни жалб қилган** ҳолда олий таълим муассасаларида иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ҳудудлар статистикасига оид **методологик ва ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқиш**.

10. Институт фаолияти доирасида нашр этилаётган электрон ва босма материаллар, шу жумладан, илмий мақолалар, таҳлилий ҳисоботлар ва статистик бюллетенлар **сифати ва мазмунини доимий равишда такомиллаштириб бориш.**

11. Статистика органлари ходимлари **фаолияти самарадорлигини баҳолаш (KPI) тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш** ходимларнинг иш фаолияти натижадорлигини аниқ, ўлчовли ва шаффоф кўрсаткичлар асосида баҳолашга қаратилган замонавий KPI тизимини шакллантириш ва юритиш.

12. **Статистика касбининг нуфузини ошириш ва инсон капиталини ривожлантириш** мақсадида ёш мутахассисларни статистика соҳасига жалб этиш, ходимларни рағбатлантиришнинг меритократик механизмларини жорий этиш ҳамда узлуксиз касбий ривожланиш тизимини шакллантириш орқали юқори малакали кадрлар таркибини шакллантириш.

**13. Интерактив ва рақамли таълим платформасини жорий этиш** орқали масофавий, рақамлашган ва гибрид таълимни йўлга қўйиш ҳамда **электрон репозиторий ва малака ҳужжатларини рақамлаштириш**.

**14. Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва қўшма таълим дастурларини** жорий этиш, замонавий статистика услубиётларини ишлаб чиқиш ва халқаро стандартларга мослаштириш.

**15.** Илмий тадқиқот ташкилотлари, академик муассасалар ва таҳлил марказлари билан **ҳамкорлик алоқаларни кенгайтириб бориш ҳамда қўшма тадқиқот ва лойиҳаларни амалга ошириш.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПҚ–103-сон қарорига
2-илова

## Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ҳузуридаги Тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш жамғармасини молиялаштириш манбалари

1. **Давлат бюджетидан** ҳар йили Институтнинг бир йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг **40 фоизи миқдорида ажратиладиган маблағлар**.

2. Халқаро **грантлар,** жисмоний ва юридик шахсларнинг **ҳомийлик хайриялари**.

3. Жисмоний ва юридик шахсларга **тижорат хизматларини кўрсатишдан олинадиган даромадлар.**

4. Қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган **бошқа манбалар.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПҚ–103-сон қарорига
3-илова

**Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ҳузуридаги Тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш**
**ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**1.** Тадқиқот ва ўқув курсларини ташкил этиш учун жалб қилинган **маҳаллий ва хорижий мутахассислар** меҳнатига ҳақ тўлаш.

**2.** Миллий статистика тизими ходимларининг касбий салоҳияти ва амалий кўникмаларини ошириш мақсадида **хорижий таълим ва статистика муассасаларида стажировкаларни ташкил этиш.**

**3. Тадқиқот лойиҳаларини** амалга ошириш.

**4.** Ҳудудларга чиққан ҳолда **танланма кузатувлар ва синов тадқиқотларини** амалга ошириш.

**5. Электрон ва босма нашрларни** замонавий талабларга мувофиқ тайёрлаш ва тарқатиш.

**6.** Институт ходимлари томонидан тайёрланган илмий мақолаларни юқори рейтингли **хорижий нашрларда чоп этиш**.

**7.** Институтнинг **электрон кутубхона фондини** замонавий китоблар, илмий нашрлар, электрон қўлланмалар, тадқиқот материаллари ва илмий маълумотлар билан **тўлдириш.**

**8.** Институтнинг **моддий-техника базасини** мустаҳкамлаш, жумладан, веб-сайтини яратиш ва юритиш.

**9.** Институт **ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш** мақсадида ҳар ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 100 фоизигача миқдорда устамалар, мукофотлар, моддий ёрдамлар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар тўлаш.

**10.** Институт **фаолиятини такомиллаштиришга** қаратилган бошқа тадбирларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПҚ–103-сон қарорига
4-илова

**Миллий статистика қўмитаси ҳузуридаги “Рақамли статистика маркази” – Digitstat масъулияти чекланган жамияти**
**ВАЗИФАЛАРИ**

**1.** Миллий статистика тизимини **рақамлаштириш**, сунъий интеллект (AI) ва катта ҳажмдаги маълумотлар (Big Data) асосида **замонавий рақамли ечимларни** ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

**2.** Статистик маълумотларни тақдим этишнинг **my.stat.uz порталини** ва **геофазовий порталини** яратиш орқали соҳада рақамли хизматлар улушини янада ошириш.

**3.** Буюртмага мувофиқ **“Survey as a Service” модели** ва **аутсорсинг** асосида статистик кузатувлар, ижтимоий ва маркетинг тадқиқотлар, электрон сўровномалар ўтказиш хизматини кўрсатиш.

**4.** Қонунчилик ҳужжатлари доирасида **статистик ва идоравий регистрларни** яратиш, интеграция қилиш ва уларни такомиллаштириб бориш.

**5.** Тадқиқотчилар ва бошқа турдаги фойдаланувчилар учун белгиланган тартибда эгасизлантирилган **микро даражадаги маълумотларни** рақамли тақдим этиш хизматларини йўлга қўйиш.

**6.** Юридик ва жисмоний шахслар билан тузиладиган шартнома асосида статистик, консалтинг, таҳлилий, ахборот ваноширлик хизматлар кўрсатишни ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПҚ–103-сон қарорига
5-илова

**Миллий статистика қўмитасининг ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича**
**ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

| Т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Кадрлар малакасини ошириш ва статистиқ тадқиқотлар институти (кейинги ўринларда – Институт) таркибидаги бўлимлар ва кафедралар фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг **малакали ходимлар** билан тўлдирилишини таъминлаш. | Таълимнинг замонавий услубларини қўллаш, рақамли технологиялар, илмий тадқиқот, таҳлил ишлари кўникмаларига эга бўлган кадрларни ишга қабул қилиш. | 2026 йил май | Институт |
| 2. | Мамлакатдаги статистика мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларини автоматлаштириш учун **“Маълумотлар ва таҳлил илми” рақамли таълим платформасини** (кейинги ўринларда – Таълим платформаси)ни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш. | 1. Таълим платформасининг функционал, техник ва ташкилий архитектураси тузилмасини ишлаб чиқиш.<br>2. Таълим платформасининг фаолият учун зарур бўлган ахборот тизимлари билан интеграциясини ташкил этиш.<br>3. Ишлаб чиқилган Таълим платформасини тест синовларидан ўтказиш ва фойдаланишга топшириш. | 2026 йил апрель<br>2026 йил июль<br>2026 йил август | Миллий статистика қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 3. | Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Ўзбекистонда статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш” лойиҳаси доирасида, Институтда тадқиқотчилар, талабалар ҳамда бошқа фойдаланувчилар томонидан илмий тадқиқот мақсадларида статистика маълумотларидан эгасизлантирилган шаклда фойдаланиш имконини берувчи **Микромаълумотлар лабораториясини** яратиш. | 1. Институт биносида талабалар ва тадқиқотчилар учун микромаълумотлар билан ишлашга мўлжалланган махсус хона ташкил этиш.<br>2. “Микромаълумотлар”ни Таълим платформаси орқали онлайн режимида олиш имкониятини яратиш. | 2026 йил май<br>2026 йил август | Миллий статистика қўмитаси, Институт |
| 4. | Давлат мақсадли дастурлари доирасида статистика услубиёти ва амалиётини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб боришга доир лойиҳаларни амалга ошириш. | 1. Статистика услубиёти ва амалиётини халқаро тажриба ва тавсияларга мувофиқ такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар мавзуларини шакллантириш.<br>2. Статистика тадқиқотлари долзарб мавзулари рўйхатини 2026–2028 йилларга мўлжалланган Давлат мақсадли дастурларига киритиш учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига тақдим этиш. | 2026 йил июнь<br>2026 йил август | Миллий статистика қўмитаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Институт |
| 5. | Тармоқлар статистикаси бўйича **соҳавий билим ва амалий кўникмаларни чуқурлаштириш мақсадида** ихтисослаштирилган таълим модулларини жорий этиш. | 1. Тармоқлар статистикасида кузатилаётган тизимли муаммоларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, маълумот йиғишдаги камчиликларни аниқлаш ва соҳага доир тавсиялар тайёрлаш. | 2026 йил август | Институт, вазирлик ва идоралар |

| Т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | 2. Соҳалардаги статистика йўналишларига мос курслар тайёрлаш, уларда статистика услубиёти, танланма кузатувларни ўтказиш, маълумот манбалари ва ҳисоб-китоб механизмларини қамраб олган махсус ўқув дастурларини ишлаб чиқиш. | 2026 йил октябрь | |
| 6. | Институтнинг малака ошириш дастурлари ва илмий фаолиятини **халқаро стандартлар даражасига** олиб чиқиш, илғор хорижий тажрибаларни жорий қилиш ва статистика соҳасидаги **халқаро ташкилотлар билан доимий ҳамкорликни** йўлга қўйиш. | 1. Маҳаллий мутахассислар учун статистика соҳасидаги Joint-Vienna Institute (JVI), UNSIAP, IMF CCAMTAC, Eurostat, MODS (Корея) каби етакчи халқаро ташкилотлар билан халқаро тренерлар иштирокидаги гибрид, яъни онлайн ва офлайн шаклларда машғулотларни йўлга қўйиш.<br>2. Халқаро тажрибага асосланган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, малака ошириш курслари дастурларини OECD, IMF, Eurostat тавсиялари асосида қайта кўриб чиқиш, интерактив ва кейсга асосланган ўқув форматларини жорий этиш.<br>3. Миллий мураббийлар корпусини яратиш мақсадида халқаро экспертлар иштирокида мураббийлар учун тренинг (ToT) сертификатланган курсларни ташкил этиш. | Доимий<br>Доимий<br>Доимий | Миллий статистика қўмитаси, Институт |

| Т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | 4. Статистика органлари мутахассисларининг Институтнинг Тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш жамғармаси ва бошқа грант маблағлари ҳисобидан хорижда малака оширишини ташкил этиш.<br>5. Илғор хорижий тажриба ва халқаро ташкилотлар грант маблағлари асосида фундаментал ва қўшма амалий тадқиқотлар лойиҳаларини амалга ошириш.<br>6. Илмий мақолалар ва ишланмаларни “Scopus” ва “Web of Science” базаларида нашр этишни қўллаб-қувватлаш, халқаро конференциялар ва илмий форумларда иштирок этиш. | Доимий<br>Доимий<br>Доимий | |
| 7. | Илғор жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда **креатив иқтисодиёт** фаолияти акс этадиган индикаторларни баҳолаш методикаси асосида мазкур соҳанинг ривожланишини таҳлил қилиш. | 1. Креатив иқтисодиётнинг миллий иқтисодиётдаги ўрнини баҳолаш бўйича кўрсаткичларни шакллантириш.<br>2. Шакллантирилган кўрсаткичлар асосида креатив иқтисодиётнинг ривожланиши бўйича таҳлилий маълумот тайёрлаш. | 2026 йил октябрь<br>2026 йил декабрь | Институт |
| 8. | Иқтисодиётда **стартап лойиҳалар** салоҳияти ва ўрнини баҳолаш ҳамда таҳлил қилиш тизимини яратиш. | 1. Стартап лойиҳаларга йўналтирилган инвестициялар ҳажмини, уларнинг самарадорлигини баҳоловчи | 2026 йил июль | Институт |

| Т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | индикаторларни ҳисоблаш услубиётларини ишлаб чиқиш.<br>2. Услубиёт асосида шаклланган кўрсаткичлардан келиб чиқиб таҳлилий маълумотнома тайёрлаш. | 2026 йил август | |
| 9. | Статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишда **сунъий интеллектдан** фойдаланиш тизимини жорий этиш бўйича таклиф тайёрлаш. | 1. Мазкур йўналишда чет эл тажрибасини ўрганиш.<br>2. Ўрганиш натижаси асосида миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда таклиф ишлаб чиқиш. | 2026 йил май<br>2026 йил июнь | Миллий статистика қўмитаси, Институт |
| 10. | Давлат органлари ходимларининг статистика ва маълумотлар таҳлили соҳасидаги касбий кўникмаларини оширишга ихтисослашган, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **Замонавий билимлар маркази** (“Centre of excellency”)ни ташкил этиш. | 1. Хорижий ривожланган мамлакатларнинг статистика ва маълумотлар таҳлили йўналишидаги тажрибасини ўрганиш.<br>2. Институт фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, тузилмалар таркиби ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш.<br>3. Маълумотларни таҳлил қилиш (дата аналитика) бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизимини жорий этиш. | 2026 йил июль<br>2026 йил октябрь<br>2026 йил декабрь | Миллий статистика қўмитаси, Институт |
| 11. | Замонавий билимлар марказини (Centre of excellency) ташкил этиш учун Жаҳон банки иштирокидаги | 1. Институт биноларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳа-смета | 2026 йил ноябрь | Институт |

| Т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
| --- | --- | --- | --- | --- |
| | "Ўзбекистонда статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида Институт биноларини замонавий архитектура лойиҳалари асосида **реконструкция қилиш ва жиҳозлаш** лойиҳасини амалга ошириш. | ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш.<br>2. Белгиланган тартибда биноларни замонавий архитектура лойиҳалари асосида реконструкция қилиш ва жиҳозлаш лойиҳасини амалга ошириш. | 2027–2028 йиллар | |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПҚ–103-сон қарорига
6-илова

## Миллий статистика қўмитасининг Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва устама белгилаш

## ТАРТИБИ

| Т/р | Йўналиш | Лавозим | Тартиб |
|---|---|---|---|
| 1. | Ходимларга иш ҳақи ҳисоблаш | Бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларига | Миллий статистика қўмитаси учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва устама белгилаш шартлари, шу жумладан, Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш тариф коэффициентини 1,8 бараварга оширилган ҳолда қўллаш орқали амалга оширилади. Бунда: |
| | | Директор | 18 |
| | | Директорнинг ўринбосарлари | 16 |
| | | Бўлим раҳбарлари | 16-5% |
| | | Бош ва етакчи мутахассислар | 13 |
| | | Кафедра мудирлари | Олий таълим муассасалари учун белгиланган лавозим маошлари асосида |
| | | Профессор-ўқитувчилар | |
| 2. | Кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама *(рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда)* | Барча ходимлар *(олий таълим муассасалари учун белгиланган лавозимлардан ташқари)* | Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги миқдорларда:<br>1 йилдан 3 йилгача — 0,3;<br>3 йилдан 5 йилгача — 0,6;<br>5 йилдан 10 йилгача — 0,8;<br>10 йилдан 15 йилгача — 1,0;<br>15 йилдан 20 йилгача — 1,2;<br>20 йилдан юқори — 1,5.<br><br>Давлат ташкилотлари ҳамда муассасаларида кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи қонунчиликда белгиланган тартибга асосан аниқланади. |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПҚ–103-сон қарорига
7-илова

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–75-сон қарори 3-бандининг “в” кичик бандидаги “туман (шаҳар) бўлимлари биноларини” сўзлари сўзлари “биноларни” сўзи билан алмаштирилсин.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 686-сон қарори қўйидаги мазмундаги $8^1$-банд билан тўлдирилсин:

“$8^1$. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Институтга 2 та, шу жумладан, 1 та хизмат ва 1 та навбатчи енгил автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратсин”.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 ноябрдаги 612-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона маъмурий регламентида:

**(а)** 22-иловада:

**(i)** 5-позициянинг иккинчи устуни биринчи хатбошисидаги “0,08” рақами “2,0” рақами билан алмаштирилсин;

**(ii)** 6-позициянинг иккинчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўн иш куни (тўрт иш кунидан ошмаган муддатда сўровномага кўра маълумотнинг мавжудлиги ва қийматини маълум қилади ҳамда

тўлов амалга оширилгандан сўнг олти иш кунидан ошмаган муддатда сўралган маълумотларни тақдим этади)”;

**(б)** 23-илованинг 5-позицияси иккинчи устуни биринчи – тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“КТЯДР базасидан ҳар бир ташкилот бўйича тақдим этиладиган маълумотлар учун:

ташкилот сони 100 тагача бўлганда, БҲМнинг 2,0 фоизи миқдорида;

ташкилот сони 100 тадан 10 000 тагача бўлганда, БҲМнинг 1,0 фоиз миқдорида;

ташкилот сони 10 000 тадан ортиқ бўлганда, БҲМнинг 0,5 фоизи миқдорида”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПҚ–103-сон қарорига
8-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари**
**РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 686-сон қарорининг 9-банди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 106-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 6 октябрдаги "Расмий статистика фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш тўғрисида"ги 627-сон қарорига 3-илованинг 94-банди.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

QMMB: 07/26/104/0241-son
16.03.2026-y.

10 (1238)-сон
219-модда
Кўчирма

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
# QARORI

2026 yil «13» март №ПҚ–104

## Лойиҳаолди ва харид ҳужжатларини комплекс экспертиза қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Йирик ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектларини ишга туширишни жадаллаштириш, инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда лойиҳаолди ва харид ҳужжатларини сифатли тайёрлаш ва уларни комплекс экспертизадан ўтказиш жараёнида замонавий талаб ва механизмларни жорий қилиш мақсадида **қарор қиламан:**

### I. Мақсадлар

**1.** Қуйидагилар ушбу қарорнинг **асосий мақсадлари** этиб белгилансин:

**(а)** лойиҳаолди ва харид ҳужжатларини комплекс экспертиза қилиш фаолиятини **трансформация қилиш ҳамда рақамлаштириш орқали инсон омили, манфаатлар тўқнашуви ва қоғозбозликни камайтириш**;

**(б)** лойиҳаолди ҳужжатларни ишлаб чиқиш **сифатини ошириш, профессионал** лойиҳа ташкилотлари сонини кўпайтириш;

**(в)** лойиҳаолди ва харид ҳужжатларининг қийматини бозор конъюнктураси асосида мақбуллаштириш ҳисобига **бюджет маблағларини ўртача 15–20 фоизга тежаш**;

**(г)** лойиҳаолди ва харид ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказиш **муддатларини мақбуллаштириш** ҳамда кўриб чиқишнинг умумий давомийлигини **25–30 фоизга** қисқартириш.

## II. Лойиҳаолди ва харид ҳужжатларини комплекс экспертиза қилиш соҳасидаги ваколатли орган фаолиятини трансформация қилиш

**2.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлигининг:

**(а)** "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДМни **"Лойиҳалар ва харидлар самарадорлигини ошириш маркази" ДМ** (кейинги ўринларда – Марказ) этиб қайта ташкил этиш;

**(б)** Марказ фаолиятини лойиҳаолди ва харид ҳужжатларини ишлаб чиқиш босқичидаёқ сифатли тайёрлашда, инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишда **"ёрдамчи-маслаҳатчи"** тамойили асосида ишлаш тизимига ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг **Лойиҳаолди ва харид ҳужжатларига доир муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича республика комиссияси** (кейинги ўринларда – Комиссия)ни **1-иловага** мувофиқ таркибда ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

**4.** Комиссияга (А.Арипов) қуйидаги **вазифалар** юклатилсин:

**(а)** Марказга **2026 йил 1 мартга қадар** тақдим этилган ва комплекс экспертизадан ўтказилаётган лойиҳаолди ва харид ҳужжатларининг кўриб чиқилишини жадаллаштириш чораларини кўриш;

**(б)** лойиҳалардаги мунозарали ҳолатлар бўйича Марказ ва буюртмачи ўртасида мақбул ечимларни топишга кўмаклашиш;

**(в)** Марказ фаолиятини таҳлил қилиб, лойиҳаолди ва харид ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказиш масалаларида вазирлик, идора ва тармоқ раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш.

**5.** Қуйидаги ҳужжатларни Марказда комплекс экспертизадан ўтказиш амалиёти бекор қилинсин:

**(а) 2026 йил 1 апрелдан** – лойиҳаолди ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун **техник топшириқлар**. Бунда улар Марказнинг электрон ахборот платформаси (кейинги ўринларда – Платформа)да жойлаштириладиган намунавий шаклдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилади;

**(б) 2026 йил 15 апрелдан** – қиймати **15 миллион АҚШ доллари** эквивалентидан кам бўлган қуйидаги лойиҳаларнинг лойиҳаолди ҳужжатлари:

**(i)** бюджет тизими бюджетлари, давлат мақсадли жамғармалари, белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармалар, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган;

**(ii)** корпоратив буюртмачилар томонидан амалга оширилаётган;

**(в)** хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан стратегик фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва (ёки) қайта ишлашни кўзда тутувчи лойиҳаларнинг лойиҳаолди ҳужжатлари (бундан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимларга мувофиқ амалга оширилаётган лойиҳалар мустасно). Бунда ушбу **лойиҳаларнинг** лойиҳаолди ҳужжатлари Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги **Ер қаъридан фойдаланиш марказида** экспертизадан ўтказилади;

**(г)** бинолар, иншоотлар ва муҳандислик коммуникацияларини капитал қуриш ва таъмирлаш бўйича қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг баравариғача бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидларига доир **тендер ҳужжатлари ва техник топшириқлар**. Бунда ушбу ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш "Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш республика маркази" ДМ ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади;

(д) **2026 йил 1 сентябрдан** божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўллаган ҳолда **импорт қилинадиган товарлар рўйхати**. Бунда мазкур функция "Ўзбекэкспертиза" АЖга ўтказилади.

**6.** Белгилансинки:

**(а)** ушбу қарорнинг 5-банди билан лойиҳаолди ва харид ҳужжатлари Марказда экспертизадан ўтказиш амалиёти бекор қилинаётган лойиҳаларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги юзасидан шахсий жавобгарлик тегишли вазирлик, идора ва ташкилотнинг биринчи раҳбарига юклатилади ҳамда ҳар чоракда кузатув кенгашлари (мавжуд бўлганда) томонидан муҳокама қилинади;

**(б)** тармоқ илмий-техник кенгашларининг лойиҳаолди ва харид ҳужжатлари бўйича қарорлари (хулосалари) тегишли вазирлик, идора ва ташкилотнинг биринчи раҳбари томонидан тасдиқланиши шарт.

**7.** Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** лойиҳаолди ва харид ҳужжатларини халқаро аккредитациядан ўтган консалтинг ҳамда аудиторлик ташкилотлари томонидан экспертизадан ўтказиш ҳамда уларнинг хулосаларини тан олиш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

## III. Комплекс экспертиза жараёнининг самарадорлигини ошириш бўйича янги инструментлар

**8. 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб** Марказда лойиҳаолди ҳужжатларни комплекс экспертиза қилишнинг қуйидаги **янги тартиб-таомиллари жорий этилсин**:

**(а)** **йирик** ва **мега лойиҳаларнинг** ҳамда экспертизадан ижобий хулоса олган лойиҳаларга ўхшаш лойиҳаларнинг лойиҳаолди ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида уларнинг тайёр бўлимларини **параллел экспертизадан ўтказиш** амалиёти;

**(б)** тақдим этилган лойиҳа илгари Марказда экспертизадан ўтган лойиҳа билан ўхшаш бўлса, Марказнинг таклифи асосида унинг лойиҳаолди ҳужжатини **тезлаштирилган экспертизадан** ўтказиш тартиби.

**9.** Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

**(а)** мавжуд объектларда жисмонан ва маънан эскирган машиналар, ускуналар ва технологик линияларни янгилаш бўйича лойиҳаолди ҳужжатларнинг комплекс экспертизаси **соддалаштирилган тартибда** амалга оширилади. Бунда фақат техник-технологик, архитектура-қурилиш (зарур ҳолларда) ечимлари ва молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳамда товар (иш, хизмат)лар нархлари асосланганлиги ўрганилади;

**(б)** янги қуриладиган йирик ва мега лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ҳужжатларни комплекс экспертизадан ўтказишда Марказ томонидан лойиҳанинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда **“бенчмаркинг” усулини қўллаш** амалиёти киритилади;

**(в)** лойиҳаолди ва харид ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишда нафақат товар (иш, хизмат)ларнинг бошланғич нархи, балки уларнинг **умумий эгалик қилиш қиймати (TCO)**, шу жумладан, энергия самарадорлиги, эксплуатация ва утилизация харажатлари ҳам инобатга олинади;

**(г)** Марказ томонидан билдирилган эътироз ва камчиликларни бартараф этиш асосида қайта ишланган лойиҳаолди ҳужжатлар учун **такроран тўлов ундириш амалиёти бекор қилинади** ва янги асослар бўйича эътирозлар билдиришга йўл қўйилмайди.

**IV. Марказ фаолиятини рақамлаштириш**

**10.** Белгилансинки, **2026 йил 1 сентябрдан** бошлаб:

**(а)** Платформада:

**(i)** ҳар бир лойиҳаолди ва харид ҳужжатини экспертиза қилиш жараёнининг **жамоатчилик учун очиқ бўлган онлайн мониторинги** йўлга қўйилади (қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

**(ii)** комплекс экспертизанинг ижобий хулосаси олинган лойиҳалар доирасида харид жараёнлари **тасдиқланган асосий техник-иқтисодий параметрларга мослиги** юзасидан мониторинг қилинади ва мавжуд маълумотларни "Ягона инвестиция платформаси" ахборот тизимига интеграция қилган ҳолда автоматик тарзда узатиш имконияти яратилади;

**(iii)** комплекс экспертиза натижасида ижобий хулоса берилган лойиҳаолди ва харид ҳужжатлари ҳамда Марказ таҳлиллари асосида товар (иш, хизмат)ларнинг нархлари, техник кўрсаткичлари ва бошқа тавсифларни ўз ичига олган, доимий равишда (6 ойдан ошмаган муддатда) янгилаб бориладиган **маълумотлар базаси** юритилади;

**(б)** комплекс экспертиза натижалари бўйича берилган ижобий хулосалар Ғазначилик хизмати қўмитаси, Божхона қўмитаси ва бошқа давлат органларига **"Электрон ҳукумат" тизими идоралараро интеграциялашув платформасидан** фойдаланган ҳолда автоматик тарзда юборилади.

**11. 2026 йил 1 сентябргача** мазкур қарорга **2-иловада** назарда тутилган давлат ташкилотларининг ахборот тизимлари Платформага интеграция қилинсин.

## V. Лойиҳаолди ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг самарали тизимини жорий қилиш

**12. 2026 йил 1 сентябрдан** бошлаб:

(а) Марказ томонидан **Лойиҳаолди ҳужжатларни ишлаб чиқувчи лойиҳа институтлари ва ташкилотларининг рейтинги** (кейинги ўринларда – Рейтинг)ни юритиш амалиёти йўлга қўйилсин. Бунда:

(i) фаолияти давомида тармоқлар кесимида ишлаб чиқилган лойиҳаолди ҳужжатларнинг комплекс экспертизаси натижаларидан келиб чиқиб, лойиҳа институтлари ва ташкилотлари **“юқори”**, **“ўрта”** ва **“паст”** ишончлилик даражаларига ажратилади;

(ii) Рейтинг Платформада жойлаштирилиб, доимий равишда янгилаб борилади;

(б) **ўрта, йирик** ва **мега** лойиҳаларнинг лойиҳаолди ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа институтлари ва ташкилотларини танлашда фақат **“энг арзон нарх”** мезонидан воз кечиб, **“сифат, тажриба ва нарх”** мезони мажбурий ҳисобланади;

(в) лойиҳа ташкилотлари ва ташаббускор (буюртмачилар)га нисбатан **рағбатлантириш чоралари** жорий этилади.

## VI. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

**13.** Лойиҳаолди ва харид ҳужжатларини комплекс экспертиза қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

**14.** Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги Марказ билан биргаликда:

(а) ҳар бир лойиҳаолди ва харид ҳужжатлари бўйича мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этишни доимий мониторинг қилиб борсин;

QMMB: 07/26/104/0241-son
16.03.2026-y.



**(б)** ҳар ойнинг 5-санасига қадар лойиҳаолди ва харид ҳужжатларининг жорий ҳолати, кечикиш сабаблари ва икки ой ичида қайта киритилмаган ҳужжатлар ҳамда бунга йўл қўйган ташкилотлар (лойиҳачи ва буюртмачи) тўғрисидаги ахборотни Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

**15.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига **4-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**16.** Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**17.** Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги директори Б.Х. Хайдаров белгилансин.

**18.** Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси О.А. Хакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI * KANSELYARIYA 1 — **Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/104/0241-son
16.03.2026-y.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПҚ–104-сон қарорига
1-илова

**Лойиҳаолди ва харид ҳужжатларига доир муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича республика комиссияси**
**ТАРКИБИ**

| | | |
|---|---|---|
| А.Н.Арипов | – | Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, *Республика комиссияси раиси* |
| Б.Х.Хайдаров | – | Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги директори, *Республика комиссияси раиси ўринбосари* |
| С.И.Самадов | – | Бош прокурор ўринбосари |
| С.А.Мирзаев | – | Ҳисоб палатаси раиси ўринбосари |
| Л.Ш.Кудратов | – | инвестициялар, саноат ва савдо вазири |
| Ш.С.Хидоятов | – | қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири |
| Б.Ф.Исламов | – | тоғ-кон саноати ва геология вазири |
| Ж.Т.Мирзамаҳмудов | – | энергетика вазири |
| С.А.Садуллаев | – | иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари |
| *Лавозими бўйича* | – | "Лойиҳалар ва харидлар самарадорлигини ошириш маркази" ДМ директори, *Республика комиссияси котиби* |

***Изоҳ:*** *Республика комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*

QMMB: 07/26/104/0241-son
16.03.2026-y.

**10 (1238)-сон**
**219-модда**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПҚ–104-сон қарорига
2-илова

**“Лойиҳалар ва харидлар самарадорлигини ошириш маркази” ДМнинг электрон ахборот платформасига интеграция қилинадиган вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари**
**РЎЙХАТИ**

1. Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлигининг ягона электрон платформаси ҳамда давлат харидлари махсус ахборот портали
2. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси маълумотлар базаси
3. Миллий статистика қўмитасининг саноат маҳсулотлари кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базаси
4. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг “Қурилиш ресурслари миллий классификатори” электрон платформаси
5. Адлия вазирлигининг Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими
6. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг “Ягона инвестиция платформаси” ахборот тизими
7. Солиқ қўмитасининг маълумотлар базаси
8. Божхона қўмитасининг импорт қилинадиган товарлар маълумотлар базаси
9. Давлат харидлари электрон тизими операторлари

***Изоҳлар:***

1. *Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар Платформага “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали белгиланган тартибда уланади.*
2. *Ташкилотлар ўртасида ўзаро маълумот алмашиш хизматлари бепул амалга оширилади.*

QMMB: 07/26/104/0241-son
16.03.2026-у.

10 (1238)-сон
219-модда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПҚ–104-сон қарорига
3-илова

**Лойиҳаолди ва харид ҳужжатларини комплекс экспертиза қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича**
**ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

| Т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Амалга ошириш шакли | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| **I. “Лойиҳалар ва харидлар самарадорлигини ошириш маркази” ДМ фаолиятини трансформация қилиш** | | | | |
| 1. | “Лойиҳалар ва харидлар самарадорлигини ошириш маркази” ДМ (кейинги ўринларда – Марказ) фаолиятини трансформация қилиш учун халқаро консалтинг компаниясини жалб қилиш.<br>Марказ фаолиятини ўрганиш натижалари бўйича тегишли таклифларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш. | Амалий чора-тадбирлар<br><br>Таҳлилий материаллар | 2026 йил 1 сентябрь<br><br>2027 1 февраль | Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик), Марказ |
| 2. | Қарор билан белгиланаётган янги талаблардан келиб чиққан ҳолда Марказнинг ташкилий тузилмасини қайта кўриб чиқиш. | Агентлик директори буйруғи | 2026 йил 1 сентябрь | Агентлик, Марказ |
| 3. | Марказ бўлинмаларида экспертларни касбий малакаси бўйича аттестациядан ўтказиш ва натижасига кўра етарли касб маҳоратига эга бўлмаган ходимлар ўрнига юқори малака ва тажрибага эга бўлган профессионал мутахассисларни очиқ танлов асосида ишга қабул қилиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2026 йил 1 сентябрь | Агентлик, Марказ |

10 (1238)-сон
219-модда



| Т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Амалга ошириш шакли | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 4. | Марказнинг лойиҳаолди ва харид ҳужжатларининг комплекс экспертизасини сифатли ҳамда тезкор якунлаган эксперт ходимлар учун натижадорликка асосланган қўшимча рағбатлантириш тизимини жорий этиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил 1 октябрь | Агентлик, Марказ |
| **II. Комплекс экспертиза жараёнининг самарадорлигини ошириш бўйича янги инструментлар** | | | | |
| 5. | Лойиҳаларнинг лойиҳаолди ҳужжатларини параллел экспертизадан ўтказиш ва тезлаштирилган экспертиза хизматини кўрсатиш тартибини ишлаб чиқиш.<br>Бунда:<br>тезлаштирилган экспертизани ўтказиш муддатини икки бараварга қисқартириш ва экспертиза тўловини амалга ошириш;<br>тезлаштирилган экспертиза хизматидан тушган қўшимча маблағларни экспертиза жараёнига жалб қилинган эксперт ходимларни қўшимча моддий рағбатлантиришга йўналтириш назарда тутилади. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил 1 август | Агентлик, Марказ |
| 6. | Мавжуд объектларда жисмонан ва маънан эскирган машиналар, ускуналар ва технологик линияларни янгилаш бўйича лойиҳаолди ҳужжатларни комплекс экспертиза қилиш жараёнининг соддалаштирилган тартибини ишлаб чиқиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил 1 июнь | Агентлик, Марказ |

| Т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Амалга ошириш шакли | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 7. | Базавий тармоқларнинг янги қуриладиган йирик ва мега лойиҳаларининг лойиҳаолди ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишда Марказ томонидан лойиҳанинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда “бенчмаркинг” усулини қўллаш амалиётини жорий қилиш тартибини ишлаб чиқиш.<br>Бунда лойиҳанинг бир бирлик қиймати ўхшаш технологик ечимга эга халқаро ва маҳаллий (эталон) лойиҳаларнинг ўртача бозор қийматидан паст бўлган тақдирда, мазкур лойиҳанинг нарх кўрсаткичлари қисмини экспертизадан ўтказиш талаб этилмаслиги назарда тутилади. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил 1 июнь | Агентлик, Марказ |
| 8. | Лойиҳаолди ва харид ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишда товар (иш, хизмат)ларнинг умумий эгалик қилиш қиймати (TCO)ни ҳам инобатга олиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил 1 июнь | Агентлик, Марказ |
| 9. | Лойиҳаолди ва харид ҳужжатларини ишлаб чиқиш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида лойиҳа ташкилотлари ва ташаббускор (буюртмачи)ларнинг кадрлар салоҳиятини ошириш, шу жумладан, лойиҳа бошқаруви (Project Management) йўналиши бўйича базавий тармоқлар кесимида ўқув курсларини йўлга қўйиш.<br>Бунда: | Амалий чора-тадбирлар | 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб | Агентлик, Марказ |

| Т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Амалга ошириш шакли | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | лойиҳаолди ва харид ҳужжатлари кесимида ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;<br>Агентлик билан келишган ҳолда ўқув курсларижадвалини тасдиқлаш;<br>мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўқув курсларини ташкиллаштириш назарда тутилади. | | | |
| 10. | Лойиҳа ташаббускорлари (буюртмачилари)га йирик ва мега лойиҳаларнинг лойиҳаолди ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун қўшимча равишда халқаро консалтинг компаниялари хизматларини харид қилишни соддалаштириш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил 1 август | Агентлик, Марказ |
| **III. Лойиҳаолди ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг самарали тизимини жорий қилиш** | | | | |
| 11. | Хорижий тажриба асосида лойиҳаларнинг лойиҳаолди ҳужжатлари қийматини, шу жумладан, уларда кўзда тутилган товар (иш, хизмат)ларнинг чегараланган қийматлари бозор қийматларига мослигини аниқлаш тартибини ишлаб чиқиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил 1 сентябрь | Агентлик, Марказ |
| 12. | Тармоқлар кесимида комплекс экспертиза натижалари асосида лойиҳаолди ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа ташкилотларини “юқори”, “ўрта” ва “паст” ишончлилик даражаларига ажратган ҳолда уларнинг рейтингини шакллантириш ва Марказнинг электрон ахборот платформасига (кейинги ўринларда – Платформа) доимий равишда жойлаштириб бориш тизимини жорий қилиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил 1 август | Агентлик, Марказ |

| Т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Амалга ошириш шакли | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 13. | Ўрта, йирик ва мега лойиҳаларнинг лойиҳаолди ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа институтлари ва ташкилотларини танлашда “энг арзон нарх” мезонидан воз кечиб, “сифат, тажриба ва нарх” мезонини жорий қилиш.<br>Бунда:<br>тегишли соҳа бўйича муқаддам лойиҳаолди ҳужжатларни ишлаб чиққан бўлиши;<br>лойиҳаолди ҳужжатларни ишлаб чиқишда замонавий моделлаштириш, ҳисоблаш технологияларидан (BIM, Micromine, CAD ва бошқалар) фойдаланиши;<br>“Шаффоф қурилиш” тизимида “С” ва ундан юқори тоифага эга бўлиши;<br>илгари ишлаб чиқилган лойиҳаолди ҳужжатлар бўйича тегишли экспертиза ташкилотларидан ижобий хулоса олган бўлиши;<br>Марказ томонидан юритиладиган рейтингда камида “ўрта” ишончлилик даражасига эга бўлиши назарда тутилади. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил 1 август | Агентлик, Марказ |

| Т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Амалга ошириш шакли | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 14. | Лойиҳа ташкилотлари ва ташаббускор (буюртмачилар)га нисбатан қуйидаги рағбатлантириш чораларини жорий этиш:<br>(а) Марказ томонидан лойиҳаолди ҳужжатни комплекс экспертиза қилиш натижасида билдирилган камчилик ва эътирозлар 2 ойдан кам вақтда бартараф қилиниб, ижобий хулоса олинса:<br>лойиҳа ташкилотларига рейтинг доирасида қўшимча баллар берилади ва ишончлилик даражаси юқори поғонага чиққанда, уларнинг ўхшаш лойиҳаолди ҳужжатларини тезлаштирилган тартибда амалдаги муддатни 5 иш кунига қисқартирган ҳолда экспертиза қилиш;<br>ушбу лойиҳа ташкилотлари ишлаб чиққан ўхшаш лойиҳаларнинг лойиҳаолди ҳужжатлари қийматидан қатъи назар ташаббускор (буюртмачи) хоҳишига кўра унга параллел экспертиза хизматидан фойдаланиш имкониятини яратиш;<br>(б) лойиҳаолди ҳужжатни комплекс экспертиза қилиш учун биринчи тақдим этилган босқичдаёқ (қайта ишлашсиз) ёки Марказ томонидан берилган эътирозларни 1 ойдан кам вақтда бартараф қилиб ижобий хулоса олинса, ушбу лойиҳа буюртмачиси учун кейинги экспертиза тўловига бир марталик 10 фоиз чегирма (бонус) бериш ҳамда ушбу банднинг “а” кичик бандида назарда тутилган рағбатлантириш чораларини қўллаш; | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил 1 август | Агентлик, Марказ |

| Т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Амалга ошириш шакли | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | (в) лойиҳаолди ҳужжат ахборот моделлаштириш технологиялари (BIM) ва (ёки) бошқа шунга ўхшаш махсус дастурий таъминот тизимларидан фойдаланиб ишлаб чиқилган бўлса, ушбу лойиҳаолди ҳужжатларнинг тегишли бўлимларини соддалаштирилган тартибда комплекс экспертиза қилиш;<br>(г) ўрта, йирик ва мега лойиҳаларнинг лойиҳаолди ҳужжатлари бўйича комплекс экспертиза қилиш натижасида билдирилган эътироз ва камчиликларни бартараф этиш асосида икки ой давомида ижобий хулоса олинса, лойиҳани ишлаб чиқишда иштирок этган лойиҳа ташаббускори (буюртмачиси) масъул тузилма раҳбар ва ходимларига бир марталик меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг икки баравари миқдорида рағбатлантириш тўловини амалга ошириш. | | | |
| 15. | Лойиҳанинг хусусиятларидан келиб чиқиб, халқаро тажрибани ўрганган ҳолда инвестиция лойиҳаларини “fast track” (параллел лойиҳалаш ва параллел қурилиш), “тайёр ҳолда топшириш” (EPC, EPC+F) шартлари асосида амалга оширишнинг замонавий ва аниқ талаблари юзасидан тартиб ишлаб чиқиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил 1 сентябрь | Агентлик,<br>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,<br>Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги,<br>Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,<br>Марказ |

10 (1238)-сон
219-модда



| Т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Амалга ошириш шакли | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 16. | Тармоқ ва соҳаларнинг Марказдан ижобий хулоса олган лойиҳаларининг лойиҳаолди ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун техник топшириқ, харид ҳужжатлари ва лойиҳани амалга оширишнинг молиявий моделлари асосида уларнинг намунавий шаклларини ишлаб чиқиш.<br>Бунда:<br>молиявий модель структуралашган, ҳисоблаш формулалари ва дастлабки маълумотларга ҳаволаларни акс эттирган ҳолда электрон таҳрирланадиган файл кўринишида бўлиши;<br>барча молиявий модель ҳисоб-китоблари формулалар орқали автоматик амалга ошириш имконини бериши;<br>ишлаб чиқилган намунавий шаклларни Платформада жойлаштириб бориш назарда тутилади. | Амалий чора-тадбирлар | 2026 йил 1 апрель | Марказ, Агентлик |
| 17. | Лойиҳаолди ҳужжат ахборот моделлаштириш технологиялари (BIM) ва (ёки) бошқа шунга ўхшаш махсус дастурий таъминот тизимларидан фойдаланиб ишлаб чиқилган бўлса, ушбу лойиҳаолди ҳужжатларнинг комплекс экспертизаси жараёнини соддалаштириш бўйича тартибни ишлаб чиқиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил 1 август | Агентлик, Марказ |

| Т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Амалга ошириш шакли | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | Марказ ва лойиҳа ташкилотлари ўртасида маълумот алмашиш учун ягона форматни белгилаш. | Амалий чора-тадбирлар | 2026 йил 1 июнь | |
| | Марказ томонидан тегишли эксперт ходимларнинг BIM ва/ёки шунга ўхшаш махсус дастурий таъминот (моделлаштириш) тизимлари билан ишлаш бўйича ўқув курсларида тажриба оширишларини таъминлаш. | Амалий чора-тадбирлар | 2026 йил 1 сентябрь | |
| | **IV. Экспертиза жараёнларини рақамлаштириш** | | | |
| 18. | Мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, лойиҳаолди ва харид ҳужжатлари комплекс экспертизаси жараёнида инсон омилини камайтирган ҳолда Платформани такомиллаштириш.<br>Бунда буюртмачилар томонидан тақдим қилинган аризаларни рўйхатга олиш, ҳужжатларни Марказ бўлинмалари (ходимлари) ўртасида тақсимлаш ва уларнинг тўлиқлигини текширишни автоматик тарзда амалга ошириш назарда тутилади. | Комплекс чора-тадбирлар | 2026 йил 1 сентябрь | Агентлик,<br>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,<br>Рақамли технологиялар вазирлиги,<br>Божхона қўмитаси,<br>Солиқ қўмитаси,<br>Миллий статистика қўмитаси,<br>Марказ |
| 19. | Товар (иш, хизмат)ларнинг нархлари, техник кўрсаткичлари ва бошқа тавсифларни ўз ичига олган маълумотлар базасида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ва кейинчалик ушбу маълумотлардан жамоатчилик учун фойдаланишни босқичма-босқич таъминлаш. | Амалий чора-тадбирлар | 2027 йил 1 март | Агентлик,<br>Марказ,<br>Рақамли технологиялар вазирлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номланиши | Амалга ошириш шакли | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 20. | Платформага ўзининг товарлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилган хорижий ва маҳаллий технологик асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчиларни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2026 йил 1 сентябрь | Агентлик, Марказ |
| 21. | Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўллаган ҳолда импорт қилинадиган товарлар рўйхатини экспертиза қилиш доирасида “Ўзбекэкспертиза” АЖга ариза ва ҳужжатларни тақдим этиш ҳамда тегишли хулосаларни олиш жараёнларини рақамлаштириш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2026 йил 1 август | Агентлик, “Ўзбекэкспертиза” АЖ, Рақамли технологиялар вазирлиги, Божхона қўмитаси |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 13 мартдаги ПҚ–104-сон қарорига
4-илова

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3756-сон қарорининг 2-бандида:

**(а)** олтинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасига” сўзлари “Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги ҳузуридаги “Ўзбекэкспертиза” акциядорлик жамиятига” сўзлари билан алмаштирилсин;

**(б)** еттинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг” сўзлари “Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги ҳузуридаги “Ўзбекэкспертиза” акциядорлик жамиятининг” сўзлари билан алмаштирилсин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги “Инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларнинг лойиҳаолди, давлат харидига доир тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари ва техник топшириқлар ҳамда шартномаларни экспертизадан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–332-сон қарорида:

QMMB: 07/26/104/0241-son
16.03.2026-y.



**(а)** 2-бандда:

**(i)** биринчи хатбошидаги “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК” сўзлари “Лойиҳалар ва харидлар самарадорлигини ошириш маркази” ДМ” сўзлари билан алмаштирилсин;

**(ii)** “а” кичик банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларнинг лойиҳаолди ҳужжатларини”;

**(б)** 3-бандда:

**(i)** “а” кичик бандда:

“100 бараваридан” сўзлари “200 бараваридан” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

“Бунда Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидларига доир тендер бўйича харид ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказганлик учун ушбу кичик бандда белгиланган сумманинг 10 фоизи миқдорида ҳақ ундирилади;

**(ii)** “б” кичик банддаги “50 минг” сўзлари “100 минг” сўзлари билан алмаштирилсин;

**(iii)** “д” кичик банд чиқариб ташлансин;

**(в)** 1-иловада:

**(i)** 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Ушбу Низом қуйидаги лойиҳалар бўйича ишлаб чиқиладиган ҳужжатларга татбиқ этилади:

а) қиймати 15 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг ва ундан юқори бўлган қуйидаги лойиҳалар:

бюджет тизими бюджетлари, давлат мақсадли жамғармалари, белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармалар, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар. Бунда қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 минг бараваридан кам бўлган лойиҳалар бўйича ишчи лойиҳа ишлаб чиқилади ва уларни экспертизадан ўтказиш “Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш республика маркази” ДМ ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилиши лозим;

корпоратив буюртмачилар томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг солиқлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар тақдим этишни кўзда тутадиган алоҳида қарорлари асосида амалга ошириладиган лойиҳалар;

в) молиялаштириш манбаидан қатъи назар, стратегик фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва/ёки қайта ишлашни кўзда тутувчи лойиҳалар (олтин изловчилар усулида қазиб олишдан ташқари), шунингдек, қиймати 10 миллион АҚШ доллари эквивалентидан ортиқ бўлган давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосида амалга оширилаётган лойиҳалар. Бунда маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлар (МТТБ) ва давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг лойиҳаолди ҳужжатлари ваколатли органларнинг тармоқ илмий-техник кенгашидан тегишли хулосалар

олингандан сўнг улар бўйича тузилган битим шартлари асосида техник-технологик ва архитектура-қурилиш ечимлари ҳамда лойиҳанинг молиявий-иқтисодий самарадорлиги ва молиялаштириш манбаларининг мавжудлиги экспертиза қилинади;

г) давлат ташқи қарзи (халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари қарз маблағлари бундан мустасно) ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида қиймати 5 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг ва ундан юқори бўлган лойиҳалар. Бунда ушбу кичик банд давлат ташқи қарзи ҳисобидан тижорат банклари орқали қайта молиялаштириладиган лойиҳаларга татбиқ этилмайди";

**(ii)** 3-бандда:

қуйидаги мазмундаги "в" кичик банд билан тўлдирилсин:

"в) лойиҳаолди ҳужжатлари асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ, лойиҳаолди ҳужжатлари комплекс экспертизадан ўтказилмайдиган лойиҳалар";

"г" кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"г) молиялаштириш манбаидан қатъи назар, хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилаётган (бундан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимларга мувофиқ амалга оширилаётган лойиҳалар мустасно) лойиҳалар";

**(iii)** 4-банддаги "Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУК" сўзлари "Лойиҳалар ва харидлар самарадорлигини ошириш маркази" ДМ" сўзлари билан алмаштирилсин;

**(iv)** 9-банддаги “Марказда экспертизадан ўтказилиб” сўзлари чиқариб ташлансин;

**(v)** 11-банднинг “а” кичик банди чиқариб ташлансин;

**(vi)** 12-банднинг “а” кичик банди чиқариб ташлансин;

**(vii)** 14-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14. Лойиҳаолди ҳужжатларни комплекс экспертизадан ўтказиш қуйидаги муддатларда амалга оширилади”;

иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи – еттинчи хатбошилар тегишлича иккинчи – бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

**(viii)** 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Комплекс экспертизадан ўтказиш муддатини ҳисоблаш хизматлар ҳақи тўланганлиги тасдиқланган кундан бошланади”;

**(ix)** 17-банднинг бешинчи хатбошисидан “техник топшириқлар,” сўзлари чиқариб ташлансин;

**(x)** 20-банднинг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

**(xi)** 21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“21. Эътирозлар ташаббускор (буюртмачи) томонидан бартараф этилганда, лойиҳаолди ҳужжатларни такрорий экспертизадан ўтказиш ўн беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади”;

**(xii)** 22-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Марказнинг ҳужжатлар бўйича эътироз ва таклифлари соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, меъёрлар, талаблар, стандартлар ва бошқа норматив ҳужжатларга мажбурий тарзда ҳавола қилинган ҳолда шакллантирилади. Бунда тегишли ҳаволаси бўлмаган эътироз ва таклифлар асоссиз деб ҳисобланади”;

**(xiii)** 23-банднинг “а” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

**(xiv)** 24-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“24. Лойиҳаолди ҳужжатлар Марказнинг ижобий хулосаси олингандан сўнг бир йил (365 календарь кун) давомида тасдиқланмаган тақдирда, улар ушбу Низомда белгиланган тартибда комплекс экспертизадан ўтказиш учун янгидан киритилган ҳисобланади”;

**(xv)** 1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

| Босқичлар | Т/р | Тадбирлар | Муддатлар | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 1-босқич. Техник топшириқ ишлаб чиқиш | 1. | Техник топшириқ ишлаб чиқиш, уни ТИТК билан келишиш | | Лойиҳа ташаббускорлари (буюртмачилари), ТИТК |
| 2-босқич. Лойиҳанинг ТИА(ТИҲК)ни ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш | 2. | Лойиҳани амалга оширишни молиялаштиришнинг дастлабки шартлари ва манбаларини ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган техник топшириқ асосида ТИА/ТИҲК ишлаб чиқиш ва ТИТК хулосасини олиш. | | Лойиҳа ташаббускорлари (буюртмачилари) |
| | 3. | ТИА/ТИҲК бўйича:<br>50,0 млн АҚШ долларигача бўлган “кичик” лойиҳалар<br><br>қиймати 50,0 млн АҚШ долларидан 200,0 млн АҚШ долларигача бўлган “ўрта” лойиҳалар<br><br>қиймати 200,0 млн АҚШ долларидан 1,0 млрд АҚШ долларигача бўлган “йирик” лойиҳалар<br><br>қиймати 1,0 млрд АҚШ доллар ва ундан ортиқ бўлган “мега” лойиҳалар | Кўпи билан 20 иш куни<br><br>Кўпи билан 25 иш куни<br><br>Кўпи билан 30 иш куни<br><br>Кўпи билан 45 иш куни | Марказ |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 4. | Келтирилган эътирозларни бартараф этиш, ТИТК билан келишиш (технологик ва архитектура-қурилиш ечимлари ўзгарадиган ҳолатларда) ва лойиҳа ТИА/ТИҲКни Марказга такроран киритиш | | Лойиҳа ташаббускорлари (буюртмачилари), лойиҳалаштириш ташкилоти, ТИТК |
| | 5. | Қайта ишланган лойиҳа ТИА/ТИҲКни экспертизадан ўтказиш ва хулоса бериш | Ҳужжатлар пакети тўлиқ тақдим қилингандан кейин кўпи билан 15 иш куни | Марказ |
| | 6. | Марказнинг ижобий хулосаси асосида лойиҳа ТИА/ТИҲК параметрларини тасдиқлаш бўйича тегишли қарор лойиҳасини тайёрлаш | Белгиланган муддатларга мувофиқ | Лойиҳа ташаббускорлари (буюртмачилари) |
| | 7. | Ишчи ҳужжатлар ҳамда тендер (танлов) ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш | | Ташаббускорлар (буюртмачилар), масъул органлар |

";

**(xvi)** 2-илова изоҳ қисмининг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

**(xvii)** 5-иловадаги "Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУК" сўзлари "Лойиҳалар ва харидлар самарадорлигини ошириш маркази" ДМ" сўзлари билан алмаштирилсин;

**(г)** 2-иловада:

**(i)** 1-банддаги "Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУКда" сўзлари "Лойиҳалар ва харидлар самарадорлигини ошириш маркази" ДМда" сўзлари билан алмаштирилсин;

**(ii)** 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 07/26/104/0241-son
16.03.2026-y.



“4. Бинолар, иншоотлар ва муҳандислик коммуникацияларини капитал қуриш ва таъмирлаш бўйича қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваридан ортиқ товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидини амалга ошириш учун харид қилиш ҳужжатлари Марказга техник топшириқ шаклида лойиҳа-смета ҳужжатлари билан биргаликда киритилади ва улардаги товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмлари ва нарх параметрларининг асослилиги юзасидан экспертизадан ўтказилади”;

**(iii)** қуйидаги мазмундаги $4^1$-банд билан тўлдирилсин:

“$4^1$. Тендер ҳужжатлари ва техник топшириқ ишлаб чиқилган ҳолда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда тендер ҳужжатлари ва техник топшириқ Марказда экспертизадан ўтказилмайди”;

**(iv)** 3 ва 4-иловалардаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКга” сўзлари “Лойиҳалар ва харидлар самарадорлигини ошириш маркази” ДМга” сўзлари билан алмаштирилсин;

**(д)** 3-иловада:

**(i)** 1-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК” сўзлари “Лойиҳалар ва харидлар самарадорлигини ошириш маркази” ДМ” сўзлари билан алмаштирилсин;

**(ii)** 1-иловадаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКга” сўзлари “Лойиҳалар ва харидлар самарадорлигини ошириш маркази” ДМга” сўзлари билан алмаштирилсин.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 31 октябрдаги “Кон-геология соҳасида инновацион технологияларни жорий қилиш ҳамда таълим ва тадқиқотни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–323-сон қарорида:

**(а)** 2-банднинг биринчи хатбошиси “McKinsey” сўзидан кейин “ва “IMC Montan” сўзлари билан тўлдирилсин;

**(б)** 3-бандда:

**(i)** “а” кичик банддаги “Марказга” сўзи “Колорадо кончилик мактаби ва Марказга” сўзлари билан алмаштирилсин;

**(ii)** “в” кичик банд қуйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“(iv) тизимдаги раҳбарлар ва ходимларнинг АҚШда Колорадо кончилик мактабининг махсус дастурлари бўйича малакасини ошириш йўналишларида;

(v) таълим дастурлари, илм-фан йўналишлари ва лабораториялар фаолиятини халқаро аккредитациядан ўтказиш йўналишларида”;

**(iii)** қуйидаги мазмундаги “в$^{1}$” кичик банд билан тўлдирилсин:

“(в$^{1}$) Марказга Колорадо кончилик мактаби ва халқаро нуфузга эга ташкилотлар билан мазкур банднинг “в” кичик бандида белгиланган йўналишларда, шунингдек, Марказ билан келишилган ҳолда Геология фанлари университети фаолияти

QMMB: 07/26/104/0241-son
16.03.2026-y.



доирасида таълим, илмий ва инфратузилмавий лойиҳаларни тижоратлаштириш мақсадида Университет талабалари (битирувчилари) иштирокида ташкил этиладиган стартап ва спинофф тузилмалари ва Университет (шу жумладан, унинг тизимидаги ташкилотлар) ўртасида тендер (танлов) ўтказмасдан, тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ва амалий ишларни бошлашга рухсат берилади. Бунда:

(i) стартап ва спинофф тузилмаларига Университет кампуси ва унинг бино-иншоотларидан бепул фойдаланган ҳолда талабалар ўзини ўзи банд қилиши учун тижорат фаолиятини юритишга рухсат берилади;

(ii) Марказ томонидан Колорадо кончилик мактаби билан келишилган ҳолда йўналишларга кўра малакали экспертлар ишга қабул қилинади”.

**6.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 ноябрдаги 750-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан олиб киришда божхона божи ва қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинадиган, Ўзбекистон Республикасида ўхшаши ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

**(a)** 2-бандда:

**(i)** иккинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКга (кейинги ўринларда – Марказ)” сўзлари “Саноат

кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги ҳузуридаги "Ўзбекэкспертиза" АЖ (кейинги ўринларда – "Ўзбекэкспертиза" АЖ)" сўзлари билан алмаштирилсин;

**(ii)** бешинчи хатбошидаги "Марказ" сўзи "Ўзбекэкспертиза" АЖ" сўзлари билан алмаштирилсин;

**(б)** 4, 6, 8–16, 18 ва 19-бандлардаги тегишли келишикдаги "Марказ" сўзи тегишли келишикдаги "Ўзбекэкспертиза" АЖ" сўзлари билан алмаштирилсин;

**(в)** 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"5. "Ўзбекэкспертиза" АЖ томонидан экспертиза ўтказганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдорида тўлов ундирилади";

**(г)** иловадаги "Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУКга" сўзлари "Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги ҳузуридаги "Ўзбекэкспертиза" АЖга сўзлари билан алмаштирилсин.

***Изоҳлар:***
***а)*** *ушбу илованинг 1 ва 6-бандлари 2026 йил 1 сентябрдан кучга киради;*
***б)*** *ушбу илова 2-бандининг тегишли қоидалари мазкур қарорнинг 5-бандида назарда тутилган муддатларга мос равишда амалга киритилади.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

# УЧИНЧИ БЎЛИМ

# ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

QMMB: 09/26/94/0218-son
10.03.2026-y.

10 (1238)-сон
Кўчирма
220-модда

# O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 10 » mart № 94 Toshkent sh.

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 18-моддасига мувофиқ, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига **иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** — O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI * UMUMIY BO‘LIM 1 — **А. Арипов**

QMMB: 09/26/94/0218-son
10.03.2026-y.



Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “10” мартдаги 94-сон қарорига
илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида қўриқлаш фаолияти билан шуғулланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 24 январдаги 16-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

а) 4-банддаги “Национальной гвардии, Государственному налоговому комитету и Государственному комитету по статистике” сўзлари “Министерству внутренних дел, Налоговому комитету и Национальному комитету по статистике” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Установить, что республиканские органы исполнительной власти и хозяйственные объединения, юридические лица, входящие в их состав, а также бюджетные организации для обеспечения пропускного режима и охраны имущества пользуются на договорной основе услугами исключительно Министерства внутренних дел и Национальной гвардии”.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 апрелдаги 92-сон қарори билан тасдиқланган Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар объектларини қўриқлаш, муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг хавфсиз фаолият кўрсатиши қоидаларида:

а) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Нодавлат телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар объектлари белгиланган тартибда Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментига қўриқлаш учун берилиши, кириш чекланган хоналар мажбурий тартибда ички ишлар органлари қўриқлаш бўлимларининг техник қўриқлаш марказига қўриқлаш учун топширилиши керак”;

б) 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Ёнғин, авария юз берганда ва бошқа фавқулодда вазиятларда объект бўйича навбатчи ёки Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти ходими дарҳол ёнғин, авария командасини чақиради, нодавлат телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар объектининг раҳбарига ва ижарага берувчига, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати бўлинмаларига хабар беради ва уларни бартараф этиш чораларини кўради”.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Гаров реестри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2014 йил 12 июндаги 155-сон қарорида:

а) 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

QMMB: 09/26/94/0218-son
10.03.2026-y.



б) 2-банддаги “Гаров реестри” ДУК” сўзлари “Гаров реестри” МЧЖ” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 4-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишлича иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

г) 5-бандда:

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“судлар, тергов ва дастлабки тергов органлари, солиқ ва божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ҳисоб палатаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, нотариал идоралар томонидан гаров реестрига ёзувлар киритиш, шунингдек, уларга гаров реестридан кўчирмалар бериш бепул асосда амалга оширилади”;

қўйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“товарларни бўлиб тўлаш шарти билан сотиш, факторинг ва кафолат бериш амалиётлари бўйича гаров реестрига ёзувлар киритиш, шунингдек, кўчирмалар тақдим этилиши билан боғлиқ хизматлар учун жисмоний ва юридик шахслардан белгиланган миқдорнинг эллик фоизи миқдорида ҳақ ундирилади”;

д) иловада:

2-банднинг бешинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“фойдаланувчилар – гаров реестрини юритувчи ташкилот билан тузилган шартнома асосида гаров реестрига ёзув киритиш ҳуқуқига эга бўлган кредитор, қарздор ёки пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича пул талабномасидан воз кечувчи шахс (кейинги ўринларда пул талабномасидан воз кечувчи шахс деб юритилади) сифатида қатнашаётган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, қонунга мувофиқ мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишни чеклаб қўйиш ҳуқуқига эга бўлган тергов ҳамда суриштирув органлари, давлат солиқ ва божхона хизмати органлари, шу билан бирга, судлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ҳисоб палатаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, нотариал идоралар”;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Гаров реестрини юритиш “Гаров реестри” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда “Гаров реестри” МЧЖ деб аталади) томонидан амалга оширилади”;

6-банднинг биринчи хатбошиси, 11-банднинг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошилари, 23-банд, 25-банднинг иккинчи хатбошиси ҳамда 27–30-бандлардаги тегишли келишикдаги “Гаров реестри” ДУК” сўзлари тегишли келишикдаги “Гаров реестри” МЧЖ” сўзлари билан алмаштирилсин;

8-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Garov.uz” электрон платформасида шахсий кабинет очиш бўйича ариза берувчининг шахсига оид маълумотлари ONE-ID идентификациялашнинг ягона тизими интеграцияси асосида автоматик тарзда шакллантирилади”;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

9-бандда:

тўртинчи хатбошидан “Рақамли технологиялар вазирлиги,” сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Гаров реестрида шахсий кабинет очиш ҳамда реестр хизматларидан фойдаланиш жараёнларида фойдаланувчилар томонидан киритилаётган маълумотлар “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тегишли ташкилотлар ахборот тизимлари билан реал вақт режимида автоматик равишда идентификация қилинади”;

13-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бунда фойдаланувчи – юридик шахс номидан гаров реестрига ёзув унинг бошқарувчиси (маъмури), бошқарувчи ёрдамчиси (маъмур ёрдамчиси) ва (ёки) рўйхатга олувчиси (рўйхатга олувчилари) томонидан киритилади. Фойдаланувчи – юридик шахс битта бошқарувчи (маъмур)га, чекланмаган бошқарувчи ёрдамчиси (маъмур ёрдамчиси) ва рўйхатга олувчилар сонига эга бўлиши мумкин”;

тўртинчи хатбошидаги “СТИРи” сўзи “ЖШШИРи” сўзи билан алмаштирилсин;

14-бандда:

“а” кичик бандда:

биринчи хатбошидаги “қарздор ва кредитор” сўзларидан кейин “ёки пул талабномасидан воз кечувчи шахс” сўзлари билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбошидаги “СТИР” сўзи “ЖШШИР” сўзи билан алмаштирилсин;

“б” кичик банднинг иккинчи хатбошисидаги “тартиб рақами), ёки pdf форматидаги батафсил рўйхати илова қилинган ҳолда мол-мулкнинг умумий тавсифи” сўзлари “тартиб рақами, ҳисоб-фактура маълумотлари)” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банднинг “д” кичик бандида:

иккинчи хатбоши “қарздорнинг” сўзидан кейин “ёки пул талабномасидан воз кечувчи шахснинг” сўзлари билан тўлдирилсин;

QMMB: 09/26/94/0218-son
10.03.2026-у.



қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“факторинг амалиёти доирасида ҳисоб-фактура(лар)нинг қамраб олинган суммаси”;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишлича бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин:

19-банддаги “тегишли авторизация кодини киритиши” сўзлари “ушбу амалларни бажаришни тасдиқлаши” сўзлари билан алмаштирилсин.

21 – 22-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“21. Кредитор мол-мулкка ва қарздорга ёки пул талабномасидан воз кечувчи шахсга тегишли бўлган ёзувга нохолис ва нотўғри маълумот киритган деб ҳисоблайдиган фойдаланувчи – қарздор ёки пул талабномасидан воз кечувчи шахс шахсий кабинет орқали ёзувга тегишли ўзгартиришлар киритишни талаб қилган ҳолда кредиторга мурожаат қилишга ҳақли. Агар мурожаат берилган санадан бошлаб бир ҳафта мобайнида фойдаланувчи – қарздор ёки пул талабномасидан воз кечувчи шахснинг мурожаати қондирилмаса, улар нохолис ва нотўғри маълумот деб ҳисоблайдиган ёзувга эътироз киритишга ҳақлидирлар.

Фойдаланувчи – қарздор ёки пул талабномасидан воз кечувчи шахснинг эътирози ёзувни тушунтириш сифатида тўлдиради. Ёзувдаги нохолис ва нотўғри маълумот тузатилган тақдирда қарздор ёки пул талабномасидан воз кечувчи шахс ўз эътирозини олиб ташлаши шарт.

22. Фойдаланувчилар томонидан гаров реестридаги ахборотни излаш қарздорнинг ёки пул талабномасидан воз кечувчи шахснинг СТИРи, ЖШШИРи, ёзувнинг ноёб рўйхатдан ўтказиш рақами, шунингдек, гаров реестридаги ёзувнинг бошқа муҳим саҳифаси бўйича амалга оширилади.

Гаров реестридаги маълумотни излаётган фойдаланувчининг талабига кўра “Гаров реестри” МЧЖ излаш натижаларини кўчирма сифатида қоғозда ёки электрон шаклда тақдим этиши мумкин”;

26-банддаги “Гаров реестри” давлат унитар корхонаси” сўзлари “Гаров реестри” МЧЖ” сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг 2, 4 ва 6-босқичларининг “Субъектлар” устунидаги “Гаров реестри” ДУК” сўзлари “Гаров реестри” МЧЖ” сўзлари билан алмаштирилсин.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 322-сон қарори билан тасдиқланган Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга 8-иловада:

а) 071–073 позициялар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

| | |
|---|---|
| 071 | Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати |
| 072 | Жамоат тартибини сақлаш хизмати |
| 073 | Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати |

”;

QMMB: 09/26/94/0218-son
10.03.2026-y.



б) 075-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

| | |
|---|---|
| 075 | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаменти |

”;

в) қуйидаги мазмундаги 076-позиция билан тўлдирилсин:

“

| | |
|---|---|
| 076 | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти |

”;

г) 381-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

| | |
|---|---|
| 381 | Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Муҳим давлат объектларини қўриқлаш бошқармаси |

”.

**5.** Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 августдаги 697-сон қарори билан тасдиқланган Тошкент шаҳрининг жамоат тартибини таъминлаш кучлари таркибида хизматни ўтаётган ходимлар ва ҳарбий хизматчилар фаолиятини баҳолаш ва уларга бир марталик пул мукофоти тўлаш мезонларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Ушбу Низом ички ишлар органларининг йўл-патруль хизмати, қўриқлаш хизмати ва саф бўлинмалари ходимлари, туман ички ишлар органлари бўйсунувидаги патруль-пост хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ходимлари ҳамда контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларига татбиқ этилади”.

**6.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси томонидан жисмоний ва юридик шахслар мол-мулки ҳамда объектларини қўриқлаш борасида кўрсатиладиган хизматлар тарифларини белгилаш методикасини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 13 августдаги 668-сон қарорида:

а) номи, муқаддима ва 2-банддаги “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияси қўриқлаш бўлинмалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати тарифларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияси қўриқлаш бўлинмалари томонидан жисмоний ва юридик шахслар мол-мулки хамда объектларини қўриқлаш борасида кўрсатиладиган хизматлар тарифларини белгилаш методикасига амал қилсин”;

г) иловада:

QMMB: 09/26/94/0218-son
10.03.2026-y.



номидаги “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияси қўриқлаш бўлинмалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банддаги “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти ҳамда Миллий гвардияси Муҳим давлат объектларини қўриқлаш бошқармаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

**7.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси бўлинмалари томонидан қўриқланадиган объектлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 21 ноябрдаги 930-сон қарорида:

а) номидаги “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-бандда:

иккинчи хатбошидаги “Миллий гвардияси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-банддаги “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Ички ишлар вазирлиги” сўзлари “Миллий гвардияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) иловада:

номи ва I бўлимнинг номидаги “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси ва агентликлар”;

3-банддан “қонун чиқарувчи,” сўзлари чиқариб ташлансин;

II бўлимда:

номидаги “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

изоҳда:

биринчи хатбошидаги “Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

2 ва 4-бандлардаги “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаментининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги “Миллий гвардияси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

**8.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 мартдаги 170-сон қарори билан тасдиқланган Биржа савдоларида юқори ликвидли ва (ёки) монопол турдаги маҳсулотларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 9-бандда:

иккинчи хатбошидаги “2026” рақами “2030” рақами билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“металл рухини биржа савдоларига қўйишда унинг бошланғич нархи ЛМБ нархига қўшилган қиймат солиғини қўшган ҳолда, рухдан ишлаб чиқарилган бошқа маҳсулотлар бошланғич нархлари эса ЛМБ нархларига ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга сарфланган қўшимча харажатларни ва умумий суммага қўшилган қиймат солиғини қўшган ҳолда аниқланади”;

б) 15-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

**9.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомда:

а) 10-илованинг 10-позицияси учинчи устунидаги “в” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти) – объектнинг техник мустаҳкамлиги ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмалари техник қўриқлаш марказига улангани ҳақида маълумот бўйича”;

б) 12-илованинг 5-позицияси учинчи устуни “б” кичик бандидаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг техникани қўриқлаш пункти” сўзлари “ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмалари техник қўриқлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 34-иловада:

5-позициянинг учинчи устунида:

1-банднинг “б” кичик бандидаги “Миллий гвардия органларининг” сўзлари “ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/94/0218-son
10.03.2026-y.



2-банднинг “г” кичик бандидаги “Миллий гвардия” сўзлари “ички ишлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-позициянинг учинчи устунида:

1-банднинг “г” кичик бандидаги “Миллий гвардия органларининг” сўзлари “ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-бандда:

саккизинчи хатбошидаги “Миллий гвардия органларининг” сўзлари “ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги “Миллий гвардия” сўзлари “ички ишлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банднинг учинчи ва бешинчи хатбошиларидаги “Миллий гвардиянинг” сўзлари “ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 35-илованинг 9-позицияси учинчи устуни учинчи хатбошисидаги “Миллий гвардия Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмалари” сўзлари билан алмаштирилсин.

**10.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомда:

а) 41-илованинг 4-позицияси учинчи устунидаги “Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 42-илованинг 9-позицияси учинчи устунининг III бўлими 1-бандида:

“е” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“е) махсус хоналар ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг техник қўриқлаш маркази қўриқловига топширилиши, бунда уларнинг қўриқлаш ва ёнғиндан дарак берувчи сигнализациялар комплекси техник қўриқлаш марказига уланиши”;

“м” кичик банддаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларининг техник қўриқлаш маркази (пункти)га” сўзлари “ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг техник қўриқлаш марказига” сўзлари билан алмаштирилсин;

“н” кичик банддаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларининг техник қўриқлаш маркази (пункти)” сўзлари “ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг техник қўриқлаш маркази” сўзлари билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/94/0218-son
10.03.2026-у.



в) 46-иловада:

5-позициянинг учинчи устунида:

3 ва 4-бандларнинг “в” кичик бандлари, 8-банднинг “з” кичик банди, 9-банднинг “в” ва “и” кичик бандларидаги “Миллий гвардия органларининг” сўзлари “ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банднинг тўртинчи хатбошисидаги “Миллий гвардияси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-позициянинг учинчи устунида:

4 ва 5-бандларнинг учинчи хатбошиларидаги “Миллий гвардия органларининг” сўзлари “ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг” сўзлари билан алмаштирилсин

8-банднинг саккизинчи хатбошисидаги “Миллий гвардияси органларининг” сўзлари “ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-бандда:

учинчи хатбошидаги “Миллий гвардия органларининг” сўзлари “ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг” сўзлари билан алмаштирилсин,

еттинчи ва саккизинчи хатбошилардаги “Миллий гвардияси органларининг” сўзлари “ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 47-иловада:

5-позициянинг учинчи устуни 8-банди “б” кичик бандиҳамда 9-банди “а” кичик бандидаги “Миллий гвардия органларининг” сўзлари “ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-позициянинг учинчи устунида:

4-банднинг “б” кичик бандидаги “Миллий гвардияси органларининг” сўзлари “ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг “б”, “е” ва “ж” кичик бандларидаги “Миллий гвардия органларининг” сўзлари “ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг” сўзлари билан алмаштирилсин.

**11.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 февралдаги 88-сон қарори билан тасдиқланган Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомга 10-иlованинг 4-позицияси учинчи устунидаги “Миллий гвардияси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин.

QMMB: 09/26/94/0218-son
10.03.2026-y.



**12.** Вазирлар Маҳкамасининг “Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 1 ноябрдаги 630-сон қарорида:

а) 1-иловада:

4-банддаги “Миллий гвардияси (кейинги ўринларда – Миллий гвардия)” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банднинг биринчи хатбошисидаги “Миллий гвардия” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

20-банддаги “Миллий гвардия Қўриқлаш бош бошқармаси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

8 ва 13-бандлардаги “Миллий гвардияси қўмондони” сўзлари “ички ишлар вазири” сўзлари билан алмаштирилсин;

26-банддаги “Миллий гвардияси” сўзлари “Ички ишлар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

**13.** Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг функционал қуйи тизими доирасидаги аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича функцияларида:

а) 11-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 15-банд қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Қўриқлаш хизматини”;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

**14.** Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 28 июлдаги 319-сон қарори билан тасдиқланган Ҳарбий мақсадга мўлжалланган маҳсулотлар муомаласи ҳамда бўшатилаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш ва қайта ишлаш соҳасидаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 3-илованинг 5-позицияси учинчи устуни “г” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“г) объектнинг техник жиҳозлангани ва ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг техник қўриқлаш марказига улангани тўғрисида маълумотлар”;

б) 4-илованинг 5-позицияси учинчи устуни “г” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

QMMB: 09/26/94/0218-son
10.03.2026-y.



“г) объектнинг техник жиҳозлангани ва ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг техник қўриқлаш марказига улангани тўғрисида маълумотлар”.

**15.** Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 8 ноябрдаги 591-сон қарори билан тасдиқланган Таълим муассасаларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 8-банднинг иккинчи хатбошиси, 9-банднинг тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилари, 19-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси техник қўриқлаш пунктлари” сўзлари “ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг техник қўриқлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловага изоҳнинг тўртинчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси техник қўриқлаш пунктлари” сўзлари “ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмаларининг техник қўриқлаш марказлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

**16.** Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 30 январдаги 55-сон қарорида

а) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Касбий таълим агентлиги, олий таълим ташкилотлари, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Энергетика вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар Солиқ қўмитаси билан биргаликда “Шаффоф қурилиш”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, шунингдек, бошқа зарурий ахборот тизимларининг “Тадбиркорларнинг барқарорлик рейтинги” электрон платформаси билан интеграция қилинишини таъминласин”;

б) иловада:

10-банднинг “в” кичик банди қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг, шунингдек, техникумларда дуал таълим шаклида таълим олаётган ўқувчиларнинг ва битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш”;

қуйидаги мазмундаги $34^5$-банд билан тўлдирилсин:

“$34^5$. Олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг, шунингдек, техникумларда дуал таълим шаклида таълим олаётган ўқувчиларнинг ҳамда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш кўрсаткичини баҳолашда тадбиркорлик субъектлари ходимларининг умумий сонида олий ва дуал таълимни тугатганига 3 йил тўлмаган ёхуд таълим олаётган шахслар улуши:

20 фоиз ва ундан юқори бўлганда – 5 балл;

15 фоиздан 20 фоизгача бўлганда – 4 балл;

10 фоиздан 15 фоизгача бўлганда – 3 балл;

5 фоиздан 10 фоизгача бўлганда – 2 балл берилади.

Бунда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаган тадбиркорлик субъектларига қўшимча балл берилишида улардаги мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали "Бўш (вакант) иш ўринлари миллий базаси"га жойлаштиргани инобатга олинади";

2-илова қуйидаги мазмундаги 28-позиция билан тўлдирилсин:

"

| | | | |
|---|---|---|---|
| 28. | Олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг, шунингдек, техникумларда дуал таълим шаклида таълим олаётган ўқувчиларнинг ва битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш | Кунлик | Солиқ қўмитаси |

".

**17.** Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 1 июлдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тўғрисидаги низомда:

а) 42-банднинг олтинчи хатбошисидан "марказий аппарати ва агентлик эксперт-таҳлил гуруҳи" сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 44-банднинг "б" кичик банди тўртинчи хатбошисидаги "30" ва "60" рақамлари тегишлича "5" ва "10" рақамлари билан алмаштирилсин.

**18.** Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 июлдаги 445-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти тўғрисидаги низомнинг 35-бандидаги "Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати томонидан шартнома асосида" сўзлари "Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти томонидан" сўзлари билан алмаштирилсин.

**19.** Вазирлар Маҳкамасининг "Мис хом ашёсидан юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда мис хом ашёсини чуқур қайта ишлаш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2024 йил 17 октябрдаги 682-сон қарорида:

а) қарорнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"**Мис хомашёсини чуқур қайта ишлаш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида**";

б) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"2. Мис хом ашёсини чуқур қайта ишлаш фаолиятини амалга оширувчи корхоналар рўйхатини шакллантириш, юритиш ва уларни рўйхатдан чиқариш ҳамда уларнинг фаолиятини мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин";

QMMB: 09/26/94/0218-son
10.03.2026-y.



в) 1-иловада:

илованинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Мис хом ашёсини қайта ишлаш фаолиятини амалга оширувчи корхоналар рўйхатини шакллантириш, юритиш ва уларни рўйхатдан чиқариш ҳамда уларнинг фаолиятини мониторинг қилиш тартиби тўғрисида**
**НИЗОМ”;**

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мазкур Низом мис хом ашёсини чуқур қайта ишлаш фаолиятини амалга оширувчи корхоналар рўйхатини шакллантириш, юритиш ва уларни рўйхатдан чиқариш ҳамда уларнинг фаолиятини баҳолаш ва мониторинг қилиш тартибини белгилайди”;

2-бандда:

ўнинчи – ўн иккинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўн учинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мис хом ашёсини чуқур қайта ишлаш фаолиятини амалга оширувчи қайта ишлаш корхоналари рўйхати мазкур Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ шакллантирилади”;

4-банд, 2-боб ҳамда 1, 3, 5 ва 6-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

2-илованинг илова белгиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мис хом ашёсини чуқур қайта ишлаш фаолиятини
амалга оширувчи корхоналар рўйхатини
шакллантириш, юритиш ва уларни рўйхатдан
чиқариш ҳамда уларнинг фаолиятини мониторинг
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова”;

4-илованинг илова белгиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мис хом ашёсини чуқур қайта ишлаш фаолиятини
амалга оширувчи корхоналар рўйхатини
шакллантириш, юритиш ва уларни рўйхатдан
чиқариш ҳамда уларнинг фаолиятини мониторинг
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова”;

7-илованинг илова белгиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мис хом ашёсини чуқур қайта ишлаш фаолиятини
амалга оширувчи корхоналар рўйхатини
шакллантириш, юритиш ва уларни рўйхатдан
чиқариш ҳамда уларнинг фаолиятини мониторинг
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова”;

8-илованинг илова белгиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Мис хом ашёсини чуқур қайта ишлаш фаолиятини
амалга оширувчи корхоналар рўйхатини
шакллантириш, юритиш ва уларни рўйхатдан
чиқариш ҳамда уларнинг фаолиятини мониторинг
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова";

г) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**20.** Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 октябрдаги 722-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет ташкилотлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашда услубий ёндашувлар асосида гуруҳларга ажратиш ҳамда штатлар жадвалини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Бунда ушбу ташкилотлар учун мазкур Низом билан тасдиқланган штатлар жадвали шаклларидан фойдаланиш тавсиявий хусусиятга эга";

б) 5-банд қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"бюджет ташкилотлари штатлар жадвалининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қисми(индикатор)ни бюджет ташкилотининг идентификация кодлари бўйича ахборот тизимида бириктиради";

в) 29-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"29. "D" гуруҳи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг тизимидаги Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар, шунингдек, республика даражасидаги бошқа давлат органларини қамраб олади";

г) 31-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"31. "E" гуруҳи – вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларнинг ҳудудий ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва халқ депутатлари Кенгашларини қамраб олади";

д) 32-банддаги "1-иловадаги" сўзлари "1, 1.1 ва 1.2-иловалардаги" сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 1–7-иловалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бюджет ташкилотлари ходимларининг меҳнатига ҳақ
тўлашда услубий ёндашувлар асосида гуруҳларга
ажратиш ҳамда штатлар жадвалини
шакллантириш тартиби тўғрисида низомга
1-илова

## “A” гуруҳи – миллий даража, “B” гуруҳи – қонунчилик даражаси, “D” гуруҳи – республика даражаси, “E” гуруҳи – ҳудудий даражадаги БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ШТАТЛАР ЖАДВАЛИ

____________________
*(рўйхатдан ўтказувчи ташкилотнинг номи)*
да рўйхатдан ўтказилди
_____-сон рўйхатдан ўтказиш карточкаси
“_____” ___________
____ йил

____________________
*(рўйхатдан ўтказувчи ташкилот раҳбари Ф.И.О. ва имзоси)*
____________________
*(рўйхатдан ўтказувчи ташкилот масъул ходими Ф.И.О. ва имзоси)*
*(муҳр ўрни ёки QR-код)*

**ТАСДИҚЛАЙМАН:**

Бюджет ташкилотининг жами штат бирликлари сони__________бирлик

Йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси_____________сўм

____________________________________________________сўм
*(сумма сўз билан)*

____________________ ____________________
*(имзо ёки QR-код)* *(ташкилот раҳбарининг Ф.И.О.)*

**ШТАТ ЖАДВАЛИ**
**_____ йил __________ ҳолатига**

**Ташкилотнинг тўлиқ номи** ____________
**Ташкилот СТИР** ____________
**Ҳудуд номи:** ____________
**Тўлиқ манзили:** ____________
**Бюджет даражаси:** ____________

| | | | Қатор* |
|---|---|---|---|
| **Бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси жами:** | _________ | сўм | 1 |
| **Шунинг ўзи бир йилда:** | _________ | сўм | 2 |
| **Шунинг ўзи вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақалари ва бўш иш жойлари бўйича тежалганнинг ҳисоби билан:** | _________ | сўм | 3 |
| **Кўп йиллик хизмати учун устама тўлаш жамғармаси, йиллик:** | _________ | сўм | 4 |
| **Ходимнинг шахсий ютуқлари, махсус унвонлар (малака даражаси, даражали унвон, дипломатик мартаба ва бошқалар) учун устама ва қўшимчалар ҳамда компенсацияларни тўлаш учун меҳнатга ҳақ тўлаш фонди:** | _________ | | 5 |
| **Илмий даража ва илмий унвон учун, йиллик:** | _________ | сўм | 6 |

Ташкилот даражаси ___________

Юқори турувчи ташкилот: ___________

Бўлим: ___________

Кичик бўлим: ___________

Боб: ___________

Штат жадвали коди ___________

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ___________

Раҳбар ходимларнинг мутахассисларга нисбати ___________ Фоизда

| | | | |
|---|---|---|---|
| | ___________ | | 7 |
| Бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида моддий ёрдам кўрсатиш: | ___________ | сўм | |
| Икки ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида мукофотлаш: | ___________ | сўм | 8 |
| Бюджет ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси, йиллик: | ___________ | сўм | 9 |
| Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик кунлари учун нафақа: | ___________ | сўм | 10 |
| Жами меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси, йиллик: | ___________ | сўм | 11 |

| Т/р | Тузилма ва лавозим номи | Лавозим тури* | Лавозим тоифаси ** | Штат бирлик-лари сони | ЯТС бўйича разряди | Тариф коэфф. | Туза-тиш коэфф. | Лавозим оклади (сўмда) *** | Устама ва қўшимчалар (сўмда) | | | | | | Ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси (сўмда) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | ... | | ... | | .... | | | |
| | | | | | | | | | % | суммаси | % | суммаси | % | суммаси | | |
| *А* | *1* | *2* | *3* | *4* | *5* | *6* | *7* | *8* | *9* | *10* | *11* | *12* | *13* | *14* | ... | ... |
| | **Жами** | | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Бошқарув ходимлари сони** | | | | | | | | | | | | | | | |
| | *шундан:* | | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Раҳбар ходимлар сони** | | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Мутахассислар сони** | | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Ишлаб чиқариш ходимлари сони** | | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Ёрдамчи ходимлар сони** | | | | | | | | | | | | | | | |
| | *шундан:* | | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Техник ходимлар сони** | | | | | | | | | | | | | | | |

| | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **Хизмат кўрсатувчи ходимлар сони** | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | |
| **1** | **Раҳбар ходимлар** | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1.2 | Вазир | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1.2 | Департамент директори | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1.3 | Бош мутахассис | | | | | | | | | | | | | | | |
| ... | | | | | | | | | | | | | | | | |
| **2.** | ***Ёрдамчи ходимлар*** | | | | | | | | | | | | | | | |
| 2.1 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 2.2 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 2.3 | | | | | | | | | | | | | | | | |
| ... | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | **ҲАММАСИ** | | | | | | | | | | | | | | | |

**Молия-иқтисод бўлими бошлиғи**
**(молиявий-иқтисодий масалалар бўйича мутахассис)** ____________________ ____________________
*(имзо ёки QR-код)* *(Ф.И.О.)*

**Бош ҳисобчи (ҳисобчи)** ____________________ ____________________
*(имзо ёки QR-код)* *(Ф.И.О.)*

***1-изоҳ.**

***1-қатор. “Бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори жами”*** *– штатлар жадвали бўйича бир ойлик иш ҳақи жами.*

***2-қатор. “Шунинг ўзи бир йилда”*** *– 1-қатордаги “Бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори жами”нинг 12 ойга кўпайтмаси натижасида ҳосил қилинади.*

***3-қатор. “Шунинг ўзи вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақалари ва бўш иш жойлари бўйича тежалганнинг ҳисоби билан”*** *– 2-қатордаги “Шунинг ўзи бир йилда”нинг 98 фоизи қисми режалаштирилади.*

***4-қатор. “Кўп йиллик хизмати учун устама тўлаш жамғармаси, йиллик”*** *– ходимлар кесимида кўп йиллик хизмати учун устамага алоҳида ҳисоб-китоблар асосида маблағ режалаштирилади.*

***5-қатор. “Ходимнинг шахсий ютуқлари, махсус унвонлар (малака даражаси, даражали унвон, дипломатик мартаба ва бошқалар) учун устама ва қўшимчалар ҳамда компенсацияларни тўлаш учун меҳнатга ҳақ тўлаш фонди”*** *– ходимларнинг шахсий ютуқлари, махсус унвонлар (малака даражаси, даражали унвон, дипломатик мартаба ва бошқалар) учун устама ва қўшимчалар ҳамда компенсацияларни тўлаш учун алоҳида ҳисоб-китоблар асосида йиллик маблағ шакллантирилади.*

***6-қатор. “Илмий даража ва илмий унвон учун, йиллик”*** *– илмий даража ва унвонга эга ходимлар учун алоҳида ҳисоб-китоб асосида маблағлар шакллантирилади.*

***7-қатор. "Бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида моддий ёрдам кўрсатиш"*** *– 3-қатор "Шунинг ўзи вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақалари ва бўш иш жойлари бўйича тежалганнинг ҳисоби билан", 4-қатор "Кўп йиллик хизмати учун устама тўлаш жамғармаси, йиллик", 5-қатор "Ходимнинг шахсий ютуқлари, махсус унвонлар (малака даражаси, даражали унвон, дипломатик мартаба ва бошқалар) учун устама ва қўшимчалар ҳамда компенсацияларни тўлаш учун меҳнатга ҳақ тўлаш фонди", 6-қатор "Илмий даража ва илмий унвон учун, йиллик" қаторлари йиғиндисининг ўн иккидан бир қисмидан шакллантирилади.*

***8-қатор. "Икки ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида мукофотлаш"*** *– 3-қатор "Шунинг ўзи вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақалари ва бўш иш жойлари бўйича тежалганнинг ҳисоби билан", 4-қатор "Кўп йиллик хизмати учун устама тўлаш жамғармаси, йиллик", 5-қатор "Ходимнинг шахсий ютуқлари, махсус унвонлар (малака даражаси, даражали унвон, дипломатик мартаба ва бошқалар) учун устама ва қўшимчалар ҳамда компенсацияларни тўлаш учун меҳнатга ҳақ тўлаш фонди", 6-қатор "Илмий даража ва илмий унвон учун, йиллик" қаторлари йиғиндисининг ўн иккидан икки қисмидан шакллантирилади.*

***9-қатор. "Бюджет ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси, йиллик"*** *– 3-қатор "Шунинг ўзи вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақалари ва бўш иш жойлари бўйича тежалганнинг ҳисоби билан", 4-қатор "Кўп йиллик хизмати учун устама тўлаш жамғармаси, йиллик", 5-қатор "Ходимнинг шахсий ютуқлари, махсус унвонлар (малака даражаси, даражали унвон, дипломатик мартаба ва бошқалар) учун устама ва қўшимчалар ҳамда компенсацияларни тўлаш учун меҳнатга ҳақ тўлаш фонди", 7-қатор "Бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида моддий ёрдам кўрсатиш", 8-қатор "Икки ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида мукофотлаш" қаторлари йиғиндисининг белгиланган фоиздаги миқдорида (суд органлари бундан мустасно) шакллантирилади.*

***10-қатор. "Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик кунлари учун нафақа"*** *– 3-қатор "Шунинг ўзи вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақалари ва бўш иш жойлари бўйича тежалганнинг ҳисоби билан", 4-қатор "Кўп йиллик хизмати учун устама тўлаш жамғармаси, йиллик", 5-қатор "Ходимнинг шахсий ютуқлари, махсус унвонлар (малака даражаси, даражали унвон, дипломатик мартаба ва бошқалар) учун устама ва қўшимчалар ҳамда компенсацияларни тўлаш учун меҳнатга ҳақ тўлаш фонди" қаторлари йиғиндисининг 1 фоизи шакллантирилади.*

***11-қатор. "Жами меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси, йиллик"*** *– 3-қатор + 4-қатор + 5-қатор + 6-қатор + 7-қатор + 8-қатор + 9-қатор + 10-қаторлар йиғиндиси шакллантирилади.*

***2-изоҳ.***

***Лавозим тури**** *– ходимнинг функционал вазифалари, лавозим мажбуриятлари ва жавобгарлик хусусияти билан белгиланадиган унинг хизмат мавқеи.*

***Лавозим тоифаси***** *– хизматчининг меҳнати мазмунининг тавсифлари ва кўрсаткичлари тизими (бошқарув ходимлари, маъмурий-бошқарув ходимлари, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи ходимлари);*

***Лавозим оклади (сўмда)****** *– лавозим оклади миқдорини (лавозим маошини) белгилаш учун тариф коэффициенти меҳнатга ҳақ тўлашнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдорига ва қонунчиликда белгиланган тузатиш коэффициентига кўпайтириш орқали аниқланади.*

Бюджет ташкилотлари ходимларининг меҳнатига
ҳақ тўлашда услубий ёндашувлар асосида
гуруҳларга ажратиш ҳамда штатлар жадвалини
шакллантириш тартиби тўғрисида низомга
1.1-илова

## “Е” гуруҳи – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашлари котибиятларининг штат жадваллари

**ТАСДИҚЛАЙМАН:**

________________________
*(рўйхатдан ўтказувчи ташкилотнинг номи)*
да рўйхатдан ўтказилди
_____-сон рўйхатдан ўтказиш карточкаси
“_____”
____________ ____
йил

________________________
*(рўйхатдан ўтказувчи ташкилот раҳбари Ф.И.О. ва имзоси)*

________________________
*(рўйхатдан ўтказувчи ташкилот масъул ходими Ф.И.О. ва имзоси)*

*(муҳр ўрни ёки QR-код)*

Бюджет ташкилотининг жами штат бирликлари сони__________бирлик

Йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси_____________сўм

__________________________________________________________сўм

*(сумма сўз билан)*

______________________ ____________________________
*(имзо ёки QR-код)* *(ташкилот раҳбарининг Ф.И.О.)*

**ШТАТ ЖАДВАЛИ**
**______ йил __________ ҳолатига**

**Ташкилотнинг тўлиқ номи** __________
**Ташкилот СТИР** __________

| | | | **Қатор*** |
|---|---|---|---|
| **Бошқарув (Давлат фуқаролик хизмати) ходимлари бир ойлик иш ҳақи жамғармаси:** | _________ | сўм | 1 |
| **Бошқарув (Давлат фуқаролик хизмати) ходимлари бир йиллик иш ҳақи жамғармаси:** | _________ | сўм | 2 |
| **Бошқарув ходимларининг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақалари ва бўш иш жойлари бўйича тежалганнинг ҳисоби билан (98%):** | _________ | сўм | 3 |

QMMB: 09/26/94/0218-son
10.03.2026-y.





| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **Ҳудуд номи:** | ________ | **Бошқарув ходимларини энг муҳим самарадорлик (KPI) кўрсаткичлари бўйича рағбатлантириш йиллик маблағлари:** | сўм | 4 |
| **Тўлиқ манзили:** | ________ | **Бошқарув ходимларининг малака даражалари учун устама тўлаш бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фонди:** | сўм | 5 |
| **Бюджет даражаси:** | ________ | **Бошқарув ходимларининг бонус тўловлари учун йиллик маблағлар:** | сўм | 6 |
| **Ташкилот даражаси** | ________ | **Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ёрдамчи ходимларининг бир ойлик иш ҳақи фонди:** | сўм | 7 |
| **Юқори турувчи ташкилот:** | ________ | | | |
| **Бўлим:** | ________ | **Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ёрдамчи ходимларининг йиллик иш ҳақи фонди:** | сўм | 8 |
| **Кичик бўлим:** | ________ | **Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ёрдамчи ходимларининг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақалари ва бўш иш жойлари бўйича тежалганнинг ҳисоби билан (98%):** | сўм | 9 |
| **Боб:** | ________ | | | |
| **Штат жадвали коди** | ________ | **Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ёрдамчи ходимларининг бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида моддий ёрдам кўрсатиш:** | сўм | 10 |
| **Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори** | ________ | **Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ёрдамчи ходимларининг икки ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида мукофотлаш:** | сўм | 11 |
| **Раҳбар ходимларнинг мутахассисларга нисбати** | **фоизда** | **Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ёрдамчи ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси, йиллик:** | сўм | 12 |
| | | **Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси, йиллик:** | сўм | 13 |
| | | **Жами меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси, йиллик:** | сўм | 14 |

| **Т/р** | **Таркибий бўлинмаларнинг номланиши** | **Лавозим номи** | **Лавозим тури*** | **Лавозим тоифаси ** ** | **Штат бирлик-лари сони** | **Тариф сеткаси разрядлари ҳамда поғонаси ва ишлаган йили** | **Тариф коэфф.** | **Туза-тиш коэфф.** | **Лавозим оклади (сўмда) ***** | **Устама ва қўшимчалар (сўмда)** | | | | **Ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси (сўмда)** | **Изоҳ** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | **…** | | **…** | | | |
| | | | | | | | | | | **%** | **суммаси** | **%** | **суммаси** | | |
| *А* | *1* | *2* | *3* | *4* | *5* | *6* | *7* | *8* | *9* | *10* | *11* | *12* | *13* | *14* | … |
| | **Жами** | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Бошқарув ходимлари сони жами** | | | | | | | | | | | | | | |
| | *шундан:* | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Раҳбар ходимлар сони** | | | | | | | | | | | | | | |

QMMB: 09/26/94/0218-son
10.03.2026-y.



| | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **Мутахассислар сони** | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Ишлаб чиқариш ходимлари сони** | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Ёрдамчи ходимлар сони** | | | | | | | | | | | | | | |
| | *шундан:* | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Техник ходимлар сони** | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Хизмат кўрсатувчи ходимлар сони** | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| **1** | **Бошқарув ходимлари жами** | | | | | | | | | **х** | | | | | |
| 1.2 | Раҳбарият | Вилоят ҳокими | Раҳбар | Бошқарув | | | | | | **х** | | | | | |
| 1.2 | Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар котибияти | Котибият мудири | Раҳбар | Бошқарув | | | | | | **х** | | | | | |
| 1.3 | Мурожаатлар билан ишлаш бўлими | Бош мутахассис | Мутахассис | Бошқарув | | | | | | **х** | | | | | |
| ... | | | | | | | | | | **х** | | | | | |
| **2.** | ***Ёрдамчи ходимлар жами*** | | | | | | | | | | | | | | |
| 2.1 | Техник ходимлар | Иш юритувчи | Мутахассис | Ёрдамчи | | | | | | | | | | | |
| 2.2 | Хизмат кўрсатувчи ходимлар | Ҳайдовчи | Мутахассис | Ёрдамчи | | | | | | | | | | | |
| 2.3 | | | | | | | | | | | | | | | |
| ... | | | | | | | | | | | | | | | |
| | **ҲАММАСИ** | | | | | | | | | | | | | | |

**Молия-иқтисод бўлими бошлиғи**
**(молиявий-иқтисодий масалалар бўйича мутахассис)**

____________ *(имзо ёки QR-код)* ____________ *(Ф.И.О.)*

____________________

**Бош ҳисобчи (ҳисобчи)**

____________ *(имзо ёки QR-код)* ____________ *(Ф.И.О.)*

***** ***1-изоҳ.***

***1-қатор. “Бошқарув (Давлат фуқаролик хизмати) ходимлари бир ойлик иш ҳақи жамғармаси”** – штатлар жадвалидаги лавозим тоифасининг “Бошқарув” тоифасидаги лавозимлар бўйича бир ойлик иш ҳақи жамланмаси доирасида шакллантирилади.*

***2-қатор. “Бошқарув (Давлат фуқаролик хизмати) ходимлари бир йиллик иш ҳақи жамғармаси”** – 1-қатор “Бошқарув (Давлат фуқаролик хизмати) ходимлари бир ойлик иш ҳақи жамғармаси”нинг 12 ойга кўпайтмаси натижасида ҳосил қилинади.*

***3-қатор. “Бошқарув ходимларининг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақалари ва бўш иш жойлари бўйича тежалганнинг ҳисоби билан (98%)”** – 2-қатордаги “Бошқарув (Давлат фуқаролик хизмати) ходимлари бир йиллик иш ҳақи жамғармаси” индикаторининг 98% қисми режалаштирилади.*

***4-қатор. “Бошқарув ходимларини энг муҳим самарадорлик (KPI) кўрсаткичлари бўйича рағбатлантириш йиллик жамғармаси”** – 3-қатордаги “Бошқарув ходимларининг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақалари ва бўш иш жойлари бўйича тежалганнинг ҳисоби билан (98%)” индикаторининг 10 фоиздан ошмаган миқдорида режалаштирилади.*

***5-қатор. “Бошқарув ходимларининг ходимларининг малака даражалари учун устама тўлаш бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фонди”** – ходимнинг малака даражаси учун алоҳида ҳисоб-китоблар асосида маблағ режалаштирилади.*

***6-қатор. “Бошқарув ходимларининг бонус тўловлари учун йиллик маблағлар”** – 1-қатордаги штатлар жадвалидаги лавозим тоифасининг “Бошқарув” тоифасидаги лавозимлар бўйича бир ойлик иш ҳақи жамланмасидан ошмаган миқдорида режалаштирилади.*

***7-қатор. “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ёрдамчи ходимларининг бир ойлик иш ҳақи фонди” –** штатлар жадвалидаги лавозим тоифасининг “Ёрдамчи ходимлар жами” тоифаларидаги лавозимлар бўйича бир ойлик иш ҳақи жамланмаси доирасида шакллантирилади.*

***8-қатор. “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ёрдамчи ходимларининг йиллик иш ҳақи фонди” –** 7-қатор “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ёрдамчи ходимларининг бир ойлик иш ҳақи фонди” индикаторининг 12 ойга кўпайтмаси натижасида ҳосил қилинади.*

***9-қатор. “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ёрдамчи ходимларининг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақалари ва бўш иш жойлари бўйича тежалганнинг ҳисоби билан (98%)” –** 8-қатордаги “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ёрдамчи ходимларининг йиллик иш ҳақи фонди” индикаторининг 98% қисми режалаштирилади.*

***10-қатор. “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ёрдамчи ходимларини бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида моддий ёрдам кўрсатиш”** – 9-қатордаги “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ёрдамчи ходимларининг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақалари ва бўш иш жойлари бўйича тежалганнинг ҳисоби билан (98%)” қатори йиғиндисининг ўн иккидан бир қисми режалаштирилади.*

***11-қатор. “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ёрдамчи ходимларини икки ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида мукофотлаш”** – 9-қатордаги “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ёрдамчи ходимларининг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақалари ва бўш иш жойлари бўйича тежалганнинг ҳисоби билан (98%)” қатори йиғиндисининг ўн иккидан икки қисми режалаштирилади.*

KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH

QMMB: 10/26/3144-2/0239-son
16.03.2026-y.

**10 (1238)-сон**
**228-модда**

Oʻzbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2026-yil 2-martdagi 334-son buyrugʻiga

ILOVA

**Oʻzbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (8-sonli HS) Koʻchmas mulk, bino va jihozlar”ga kiritilayotgan oʻzgartirishlar**

1. 36-banddagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

2. 68-bandning toʻqqizinchi xatboshisidagi “qabul qilish dalolatnomasi” degan soʻzlar “foydalanish uchun ruxsatnoma” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

10 (1238)-сон
229-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3171-1
2026 - yil 13 - Mart

# OʻZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI OʻZBEKISTON RESPUBLIKASI SOGʻLIQNI SAQLASH VAZIRLIGINING QARORI

## Ichki ishlar organlari xodimlarini terrorizmga va jinoyatchilikka qarshi kurashish hamda jamoat xavfsizligini taʼminlash chogʻida halok boʻlgan yoki olgan jarohati tufayli nogiron boʻlib qolgan deb topish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga oʻzgartirishlar kiritish haqida

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 26-martdagi PF–6196-son “Jamoat xavfsizligini taʼminlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasida ichki ishlar organlari faoliyatini sifat jihatidan yangi bosqichga koʻtarish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoni, 2020-yil 18-martdagi PQ–4643-son “Agrar va oziq-ovqat sohalarini boshqarish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi qarori hamda Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 4-iyuldagi 354-son “Oʻzbekiston Respublikasi ichki ishlar organlari va Milliy gvardiyasining shaxsiy tarkibi hamda ularning oila aʼzolarini ijtimoiy himoya qilish tizimini tartibga solish toʻgʻrisida”gi va 2025-yil 16-sentabrdagi 587-son “Nogironlikni belgilash tizimi raqamlashtirilishi munosabati bilan Oʻzbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritish toʻgʻrisida”gi qarorlariga muvofiq Oʻzbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi va Sogʻliqni saqlash vazirligi qaror qiladi:

1. Oʻzbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi va Sogʻliqni saqlash vazirligining 2019-yil 1-iyuldagi 52QQ, 86-son qarori (roʻyxat raqami 3171, 2019-yil 1-iyul) (Qonun hujjatlari maʼlumotlari milliy bazasi, 01.07.2019-y., 10/19/3171/3384-son) bilan tasdiqlangan Ichki ishlar organlari xodimlarini terrorizmga va jinoyatchilikka qarshi kurashish hamda jamoat xavfsizligini taʼminlash chogʻida halok boʻlgan yoki olgan jarohati tufayli nogiron boʻlib qolgan deb topish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga ilovaga muvofiq oʻzgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy eʼlon qilingan kundan eʼtiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 6-mart
18-QQ-son

TASHPULATOV AZIZ ANVAROVICH

Vazir
2026-yil 3-mart
01-05/QQ-son

XUDAYAROV ASILBEK ANVAROVICH

Oʻzbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining 2026-yil 6-martdagi 18-QQ-son hamda Sogʻliqni saqlash vazirligining 2026-yil 3-martdagi 01-05/QQ-son qaroriga
ILOVA

**Ichki ishlar organlari xodimlarini terrorizmga va jinoyatchilikka qarshi kurashish hamda jamoat xavfsizligini taʼminlash chogʻida halok boʻlgan yoki olgan jarohati tufayli nogiron boʻlib qolgan deb topish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga kiritilayotgan oʻzgartirishlar**

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom ichki ishlar organlari xodimlarini terrorizmga va jinoyatchilikka qarshi kurashish hamda jamoat xavfsizligini taʼminlash chogʻida halok boʻlgan yoki olgan jarohati tufayli nogiron boʻlib qolgan (bundan buyon matnda halok boʻlgan yoki olgan jarohati tufayli nogiron boʻlib qolgan deb yuritiladi) deb topish tartibini belgilaydi.”.

2. 5-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“5. Maxsus komissiya Oʻzbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining oʻrinbosari – Ma’naviy-ma’rifiy ishlar va kadrlar bilan ta’minlash departamenti boshligʻi, Ichki ishlar vazirligi Tibbiyot boshqarmasi boshligʻi va uning oʻrinbosari, Tashkiliy departament boshligʻi, Shaxsiy xavfsizlik bosh boshqarmasi boshligʻi, Moliya va moddiy-texnika ta’minoti departamenti boshligʻining birinchi oʻrinbosari – Moliya-iqtisod boshqarmasi boshligʻi, Yuridik taʼminlash boshqarmasi boshligʻi va Ichki ishlar vazirligining masʼul xodimlaridan iborat tarkibda shakllantiriladi.”.

3. 6-bandda:

birinchi xatboshidagi “Kadrlar bosh boshqarmasi” degan soʻzlar “Ma’naviy-ma’rifiy ishlar va kadrlar bilan ta’minlash departamenti” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “Kadrlar bosh boshqarmasining” degan soʻzlar “Ma’naviy-ma’rifiy ishlar va kadrlar bilan ta’minlash departamentining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

4. 11-bandning toʻqqizinchi xatboshisidagi “Tibbiy-mehnat ekspert komissiyasining” degan soʻzlar “Tibbiy-ijtimoiy ekspert komissiyasining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

5. 13-bandning ikkinchi xatboshisidagi “Kadrlar bosh boshqarmasining” degan soʻzlar “Ma’naviy-ma’rifiy ishlar va kadrlar bilan ta’minlash departamentining” degan soʻzlar bilan

almashtirilsin.

6. 17-banddagi “Kadrlar bosh boshqarmasida” degan soʻzlar “Ma’naviy-ma’rifiy ishlar va kadrlar bilan ta’minlash departamentida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

7. 35-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“35. Terrorizmga va jinoyatchilikka qarshi kurashish (jamoat xavfsizligini taʼminlash) chogʻida halok boʻlgan (olgan jarohati tufayli nogiron boʻlib qolgan) xodimlar farzandlarining davlat oliy taʼlim muassasalarining bakalavriatiga (ikkinchi taʼlimdan tashqari) hamda Oʻzbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi, Ichki ishlar vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Milliy gvardiyasi va Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qoʻmitasining oliy (magistratura, ikkinchi va oliy taʼlim muassasasidan keyingi taʼlimdan tashqari) va oʻrta maxsus taʼlim muassasalariga oʻqishga kirishi uchun tavsiyanoma (taqdimnoma) berish Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 4-iyuldagi 354-son qarori bilan tasdiqlangan Oʻzbekiston Respublikasi ichki ishlar organlari shaxsiy tarkibi va ularning oila aʼzolarini ijtimoiy himoya qilish tartibi toʻgʻrisidagi nizom asosida amalga oshiriladi”;

ikkinchi xatboshidagi “Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 6-maydagi 375-son qarori bilan tasdiqlangan nizomga asosan tashkil etilgan komissiyaga” degan soʻzlar “Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 4-iyuldagi 354-son qarori bilan tasdiqlangan Oʻzbekiston Respublikasi ichki ishlar organlari shaxsiy tarkibi va ularning oila aʼzolarini ijtimoiy himoya qilish tartibi toʻgʻrisidagi nizomga asosan Oʻzbekiston Respublikasi taʼlim muassasalariga oʻqishga qabul qilish boʻyicha Davlat komissiyasiga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

QMMB: 10/26/3593-2/0238-son
16.03.2026-y.

10 (1238)-сон
230-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3593-2
2026 - yil 13 - Mart

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

**O‘zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (21-sonli BHMS) “Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasi va uni qo‘llash bo‘yicha yo‘riqnoma”ning 26-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida**

O‘zbekiston Respublikasining “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi va 2025-yil 30-dekabrdagi O‘RQ–1109-son “Mahalliy davlat hokimiyati organlari faoliyati takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 14-noyabrdagi 191-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3593, 2024-yil 27-dekabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 28.12.2024-y., 10/24/3593/1084-son) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (8-sonli BHS) O‘zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (21-sonli BHMS) “Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasi va uni qo‘llash bo‘yicha yo‘riqnoma”ning 26-bandi “j” kichik bandidagi “mahalliy davlat hokimiyati organlari” degan so‘zlar “mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 4-mart
336-son

KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH

QMMB: 10/26/3786/0230-son
14.03.2026-y.

**10 (1238)-сон**
**231-модда**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3786
2026 - yil 13 - Mart**

# OʻZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING BUYRUGʻI

## Ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish dasturi doirasida buyurtmachisi aniqlanmagan va taqsimlanmagan mablagʻlarni buyurtmachilarga taqsimlash tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 8-sentabrdagi PF–161-son “Islohotlarni huquqiy jihatdan taʼminlash samaradorligini oshirish hamda ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda vazirlik va idoralarning masʼuliyati va tashabbuskorligini kuchaytirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi Farmoni hamda Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 21-apreldagi 206-son “Ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish dasturlarini shakllantirish va davlat investitsiyalarini boshqarish tizimini takomillashtirish boʻyicha qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish dasturi doirasida buyurtmachisi aniqlanmagan va taqsimlanmagan mablagʻlarni buyurtmachilarga taqsimlash tartibi toʻgʻrisidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq Oʻzbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xoʻjaligi vazirligi, Maktabgacha va maktab taʼlimi vazirligi, Oliy taʼlim, fan va innovatsiyalar vazirligi, Sogʻliqni saqlash vazirligi, Madaniyat vazirligi, Sport vazirligi, Suv xoʻjaligi vazirligi, Transport vazirligi hamda Bosh prokuraturasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy eʼlon qilingan kundan eʼtiboran kuchga kiradi.

Vazir
2026-yil 17-fevral
333-son

KUCHKAROV DJAMSHID ANVAROVICH

Kelishildi:

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokurori
2026-yil 5-fevral

YO‘LDOSHEV NIG‘MATILLA TO‘LQINOVICH

Vazir
2026-yil 23-yanvar

XIDOYATOV SHERZOD SAIDJANOVICH

Vazir
2026-yil 17-yanvar

SHARIPOV KONGRATBAY AVEZIMBETOVICH

Vazir
2026-yil 16-yanvar

IKRAMOV ADXAM ILXAMOVICH

Vazir
2026-yil 16-yanvar

XUDAYAROV ASILBEK ANVAROVICH

| | |
|---|---|
| Vazir<br>2026-yil 15-yanvar | MAXKAMOV ILXOM RUSTAMOVICH |
| Vazirning birinchi o'rinbosari<br>2026-yil 13-yanvar | TADJIXANOV AVAZXON BAXADIROVICH |
| Vazirning birinchi o'rinbosari<br>2026-yil 9-yanvar | KARIMOV SHERZOD ABDURASULOVICH |
| Vazirning birinchi o‘rinbosari<br>2026-yil 9-yanvar | ISHPULATOV ZOKIR ESHKURBONOVICH |

10 (1238)-сон
231-модда

Oʻzbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining
2026-yil 17-fevraldagi 333-son buyrugʻiga
ILOVA

# Ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish dasturi doirasida buyurtmachisi aniqlanmagan va taqsimlanmagan mablagʻlarni buyurtmachilarga taqsimlash tartibi toʻgʻrisidagi NIZOM

Mazkur Nizom budjet tizimi budjetlari hisobidan amalga oshiriladigan Ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish dasturi (bundan buyon matnda Dastur deb yuritiladi) doirasida buyurtmachisi aniqlanmagan va taqsimlanmagan mablagʻlarni obyektlar (loyihalar) hamda buyurtmachilar kesimida taqsimlash tartibini belgilaydi.

## 1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

**buyurtmachi** – obyektlarni qurish, rekonstruksiya qilish va mukammal taʼmirlashni amalga oshiruvchi, shuningdek shu maqsadlarda loyiha-qidiruv, ekspertlik, qurilish-montaj va nazorat ishlarini bajarish uchun tegishli tashkilotlar bilan shartnomalar tuzuvchi yuridik shaxs;

**buyurtmachisi aniqlanmagan va taqsimlanmagan mablagʻlar** (bundan buyon matnda taqsimlanmagan mablagʻlar deb yuritiladi) – Dastur parametrlarida nazarda tutilgan va maqsadli yoʻnalishga ega boʻlgan holda buyurtmachisi aniqlanmagan va obyektlar (loyihalar) kesimida taqsimlanmagan budjet tizimi budjetlarining mablagʻlari;

**kreditor qarzdorliklar (kafolat summasi)** – qurilish-montaj ishlari yakunlangan va foydalanishga topshirilgan obyektlar boʻyicha loyiha (bajarilgan ishlar va amalga oshirilgan xarajatlar) qiymatidan obyektni kafolatlash uchun

kelgusida to‘lab berish sharti asosida pudratchi tashkilotiga vaqtincha to‘lanmay turgan mablag‘lar;

**loyiha hujjatlari (ishchi loyiha, loyiha-smeta hujjatlari, ishchi hujjatlar)** – shaharsozlik normalari va qoidalariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda hajmiy-rejali, amaliy va texnik yechimlarni, obyektlarni qurish, rekonstruksiya qilish hamda mukammal ta’mirlash ishlarining qiymatini belgilovchi hujjatlar;

**vakolatli organ** – O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi.

2. Mazkur Nizom qoidalari taqsimlash tartib-taomillari amalda mavjud bo‘lgan taqsimlanmagan mablag‘lar, shuningdek davlat tomonidan qo‘riqlanishi lozim bo‘lgan shaxslarning xavfsizligini ta’minlash, mudofaa qobiliyatini yaxshilash, ichki tartibni saqlash hamda davlat sirlari bilan bog‘liq bo‘lgan obyektlarni qurish, rekonstruksiya qilish, mukammal ta’mirlash va jihozlash ishlari uchun yo‘naltirilgan mablag‘larni taqsimlashga tatbiq etilmaydi.

## 2-bob. Taqsimlanmagan mablag‘larni taqsimlash tartibi

3. Taqsimlanmagan mablag‘lar Dasturdagi asosiy parametrlarning alohida satrlarida ushbu mablag‘larning maqsadli yo‘nalishlari belgilangan holda aks ettiriladi, bundan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti va Vazirlar Mahkamasining hujjatlariga muvofiq belgilangan yo‘nalishlar mustasno.

4. Vakolatli organ taqsimlanmagan mablag‘lar (maqsadli yo‘nalishlar kesimidagi taqsimot va qoldiq mablag‘lar) to‘g‘risidagi yig‘ma ma’lumotlarni shakllantiradi hamda Dastur ijrosini monitoring qilish mobaynida taqsimlanmagan mablag‘larning hisobini yuritib boradi.

5. Taqsimlanmagan mablag‘lar Dasturning asosiy parametrlariga muvofiq quyidagi maqsadli yo‘nalishlardagi xarajatlarni moliyalashtirish uchun shakllantiriladi:

1) loyiha-qidiruv hujjatlari va bosh rejalarni ishlab chiqish:

bosh reja, hududlarning arxitektura-rejalashtirish loyihalari va bosh sxemalarini (ARL) hamda batafsil rejalashtirish loyihalarini (BRL) ishlab chiqish;

kelgusi yillar loyiha-qidiruv ishlari;

xalqaro moliya institutlari mablagʻlari hisobidan amalga oshiriladigan loyihalarning loyiha hujjatlarini ishlab chiqish hamda loyihalarning Oʻzbekistondagi ulushi;

2) loyihalar (obyektlar) boʻyicha qurilish, rekonstruksiya qilish va (mukammal) taʼmirlash ishlarini olib borish:

yirik ishlab chiqarish loyihalarini tashqi muhandislik-kommunikatsiya infratuzilmasi bilan taʼminlash;

“Yangi Oʻzbekiston” va uy-joy massivlarida barpo etiladigan ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmasi obyektlarini yaxshilash;

jadal kompleks rivojlantirish rejalashtirilgan tuman va shaharlarning turizm salohiyatini oshirish va yoʻl infratuzilmasini rivojlantirish;

umumiy foydalanishdagi avtomobil yoʻllarida harakat xavfsizligini taʼminlash va yerosti piyodalar yoʻlaklarini qurish (nogironligi boʻlgan shaxslarga moslashtirish);

kanallarni sugʻorish mavsumi boʻlmagan davrda rekonstruksiya qilish uchun avans mablagʻlari;

turistik-rekreatsion zonalarni muhandislik-kommunikatsiya tarmoqlari bilan taʼminlash;

davlat-xususiy sheriklik shartlari asosida loyihalarni amalga oshirishni birgalikda moliyalashtirish;

maktablarning sanitariya-gigiyena infratuzilmasini yaxshilash;

davlat ijtimoiy buyurtma loyihalari asosida aholi yashash punktini toza ichimlik suvi bilan taʼminlash;

energiya tejovchi uskunalarni oʻrnatish;

tayyor charm-poyabzal, moʻyna va import oʻrnini bosuvchi mahsulotlarni ishlab chiqarishga ixtisoslashgan kichik sanoat zonalarini tashqi muhandislik-kommunikatsiya infratuzilmasi bilan taʼminlash;

toʻqimachilik sanoatini rivojlantirish investitsiya loyihalarini muhandislik-kommunikatsiya infratuzilmasi bilan taʼminlash;

sement-beton qoplamali ichki xoʻjalik avtomobil yoʻllarini qurish;

“Qishloq infratuzilmasini rivojlantirish” loyihalarini natijaga yoʻnaltirilgan dasturli moliyalashtirish (PForR) asosida amalga oshirish;

“Amudaryo” HSXB obyektlari uchun kelgusi yillarga loyiha-qidiruv ishlari;

3) maxsus texnika va suv hisoblash uskunalarini xarid qilish hamda modernizatsiya qilish;

QMMB: 10/26/3786/0230-son
14.03.2026-y.



4) kreditor qarzdorliklar va Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 5-sentabrdagi 740-son “Hisoblangan qiymati tasdiqlangan loyiha-smeta hujjatlariga nisbatan oshib ketgan qurilish obyektlarini moliyalashtirishga ruxsat etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga asosan talab etiladigan qoʻshimcha mablagʻlar;

5) Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti va Vazirlar Mahkamasining hujjatlariga muvofiq belgilangan boshqa yoʻnalishlar.

6. Vazirlik va idoralar, Qoraqalpogʻiston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahri hokimliklari (bundan buyon matnda tashabbuskor deb yuritiladi) taqsimlanmagan mablagʻlardan foydalanish boʻyicha takliflarni ularning maqsadli yoʻnalishlaridan chetga chiqmagan holda ishlab chiqadi hamda mazkur Nizomning ilovasida belgilangan muddatlarda vakolatli organga elektron shaklda taqdim etadi.

Dastur parametrlarida keltirilgan, biroq mazkur Nizomda oʻz aksini topmagan yoʻnalishlarga tegishli taqsimlanmagan mablagʻlar boʻyicha tashabbuskorlarning takliflari mazkur Nizomda belgilangan tartibda 1-oktabrga qadar vakolatli organga kiritiladi.

7. Taqdim etilayotgan takliflarga maqsadli yoʻnalishlar doirasida tegishliligi boʻyicha quyidagi hujjatlar ilova qilinadi:

1) loyiha-qidiruv hujjatlari va bosh rejalarni ishlab chiqishda:

asoslovchi hujjatlar (Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti va Vazirlar Mahkamasining hujjatlari hamda topshiriqlari va boshqalar);

keyingi yil Dasturiga kiritiladigan obyektlarning (loyihalarning) manzilli roʻyxati;

Qoraqalpogʻiston Respublikasi Joʻqorgʻi Kengesi, Xalq deputatlari viloyatlar va Toshkent shahri kengashlarining qarorlari;

ishlab chiqiladigan bosh reja, hududlarning arxitektura-rejalashtirish loyihalari va bosh sxemalari (ARL) hamda batafsil rejalashtirish loyihalari (BRL) roʻyxati va zarur hisob-kitoblar;

2) loyihalar (obyektlar) boʻyicha qurilish, rekonstruksiya qilish va (mukammal) taʼmirlash ishlarini olib borishda:

asoslovchi hujjatlar (Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti va Vazirlar Mahkamasining hujjatlari hamda topshiriqlari va boshqalar);

tasdiqlangan loyiha (loyihaoldi) hujjatlari (yangidan boshlanuvchi loyihalar boʻyicha);

loyiha (loyihaoldi) va (yoki) shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish va ekspertizadan oʻtkazish uchun mablagʻlarga boʻlgan ehtiyoj boʻyicha hisob-kitoblar;

obyektni (loyihani) amalga oshirish qiymati boʻyicha hisob-kitoblar;

tegishli davr uchun obyekt (loyiha) boʻyicha amalga oshirilgan va moliyalashtirilgan ish va xarajatlarni tasdiqlovchi hujjatlar;

obyektlar (loyihalar) boʻyicha manzilli roʻyxatlar;

Qoraqalpogʻiston Respublikasi Joʻqorgʻi Kengesi, Xalq deputatlari viloyatlar va Toshkent shahri kengashlarining qarorlari;

Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 7-iyundagi 306-son “Xorijiy va mahalliy investorlarning investitsiya loyihalari tashqi infratuzilmasini yaratish xarajatlarini davlat tomonidan qoplab berish tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori bilan tashkil etilgan ishchi guruhining loyiha boʻyicha berilgan xulosasi hamda Oʻzbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi “Loyihalar va import kontraktlarini kompleks ekspertiza qilish markazi” davlat unitar korxonasining ekspertiza xulosasi;

3) maxsus texnika, uskunalar va jihozlarni xarid qilish hamda modernizatsiya qilishda:

asoslovchi hujjatlar (Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti va Vazirlar Mahkamasining hujjatlari hamda topshiriqlari va boshqalar);

xarid qilinadigan maxsus texnika, uskunalar va jihozlarning roʻyxati;

asoslovchi hisob-kitoblar;

4) kreditor qarzdorliklar va Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 5-sentabrdagi 740-son “Hisoblangan qiymati tasdiqlangan loyiha-smeta hujjatlariga nisbatan oshib ketgan qurilish obyektlarini moliyalashtirishga ruxsat etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga asosan talab etiladigan qoʻshimcha mablagʻlar uchun:

asoslovchi hujjatlar (Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti va Vazirlar Mahkamasining hujjatlari hamda topshiriqlari va boshqalar);

obyektni foydalanishga topshirish dalolatnomasi;

tegishli solishtirma dalolatnomalar;

5) Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti va Vazirlar Mahkamasining hujjatlariga muvofiq belgilangan boshqa yoʻnalishlarda

asoslovchi hujjatlar (Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti va Vazirlar Mahkamasining hujjatlari hamda topshiriqlari va boshqalar);

mablagʻlar ajratish taklif etilayotgan obyektlarning (loyihalarning) (manzilli) roʻyxati;

yoʻnalishga aloqador boshqa hujjatlar va hisob-kitoblar.

Dastur doirasida taqsimlanmagan mablagʻlarni oqilona va samarali taqsimlash hamda ziddiyatlarga aniqliklar kiritish maqsadida tashabbuskorlar tomonidan qoʻshimcha hujjatlar taqdim etilishi mumkin.

8. Vakolatli organ takliflar kelib tushgan kundan boshlab bir oy muddat ichida taqdim etilgan takliflar va ularga ilova qilingan hujjatlarni koʻrib chiqadi hamda Dasturni shakllantirishning asosiy tamoyillaridan kelib chiqqan holda takliflarning maqsadga muvofiqligi va ularni amalga oshirishning moliyaviy imkoniyatlarini oʻrganadi.

Quyidagi holatlarda tashabbuskorlar tomonidan taqdim etilgan takliflarni qabul qilish rad etilishi mumkin:

asoslantiruvchi hujjatlar mavjud boʻlmaganda;

taqdim etilgan taklifda nazarda tutilgan yoʻnalish ushbu Nizomning 5-bandida keltirilgan maqsadli yoʻnalishlarga muvofiq boʻlmaganda;

taklifda nazarda tutilgan moliyalashtirish hajmlari taqsimlanmagan mablagʻlarni taqsimlash uchun ajratilishi belgilangan mablagʻlar hajmidan oshib ketganda.

Oʻrganish natijalariga asosan vakolatli organ tomonidan tashabbuskorlarga taklif qabul qilinganligi (qisman yoki toʻliq) yoxud qabul qilinmaganligi toʻgʻrisidagi asoslantirilgan javob xatlari mazkur bandning birinchi xatboshisida belgilangan muddat doirasida yuboriladi. Bunda, javob xatida takliflarga oid tavsiyalar hamda amalga oshirilishi lozim boʻlgan tadbirlar koʻrsatilishi mumkin.

9. Vakolatli organ tashabbuskorlarning asoslantirilgan takliflari, shuningdek Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti va Vazirlar Mahkamasining hujjatlari va topshiriqlari hamda Dastur ijrosining har oylik monitoringi natijalaridan kelib chiqib, har bir obyekt (loyiha) boʻyicha buyurtmachini koʻrsatgan holda har chorakda kamida bir marta yagona (manzilli) roʻyxatni shakllantiradi hamda Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasiga kiritadi.

10. Yagona (manzilli) roʻyxat Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 21-apreldagi 206-son “Ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish dasturlarini shakllantirish va davlat investitsiyalarini boshqarish tizimini takomillashtirish boʻyicha qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi qaroriga muvofiq koʻrib chiqiladi va tasdiqlanadi.

11. Vakolatli organ taqsimlanmagan mablagʻlarning hisobini yuritadi va monitoring qiladi.

Vakolatli organ tomonidan tahliliy maʼlumotlar tayyorlanadi hamda taqsimlanmagan mablagʻlarning maqsadli yoʻnalishlarga muvofiq ishlatilishining joriy holati yuzasidan har chorakda tashabbuskorlarga maʼlumotlar kiritib boriladi.

## 3-bob. Taqsimlanmagan mablagʻlar boʻyicha buyurtmachilarni belgilash

12. Taqsimlanmagan mablagʻlar boʻyicha buyurtmachilar vakolatli organ hamda Oʻzbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xoʻjaligi vazirligining takliflari asosida Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Rayosati majlisi bayoni bilan belgilanadi.

Taqsimlanmagan mablagʻlarni obyektlar (loyihalar) kesimida taqsimlashda ushbu obyektlar (loyihalar) boʻyicha buyurtmachilarni belgilash toʻgʻrisidagi vakolatli organ hamda Oʻzbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xoʻjaligi vazirligining takliflari Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasiga yagona (manzilli) roʻyxat bilan birga taqdim etiladi.

13. Taqsimlanmagan mablagʻlar boʻyicha buyurtmachilar Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti va Vazirlar Mahkamasining hujjatlariga asosan belgilangan, biroq obyektlar (loyihalar) kesimida taqsimlanmagan hollarda buyurtmachilarni belgilash boʻyicha takliflarni Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasiga kiritish talab etilmaydi.

14. Dastur doirasida buyurtmachilari va (yoki) tarmoq yoʻnalishi mavjud boʻlgan holda loyihalar (obyektlar) kesimida taqsimlanmagan kreditor qarzdorlik mablagʻlari buyurtmachilar tomonidan qurilish (loyihalash) obyektlari boʻyicha manzilli roʻyxatlarni rasmiylashtirish orqali taqsimlanadi.

## 4-bob. Yakuniy qoida

15. Mazkur Nizom talablari buzilishida aybdor boʻlgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar boʻladilar.

Ijtimoiy
va ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish dasturi doirasida
buyurtmachisi aniqlanmagan va taqsimlanmagan mablagʻlarni
buyurtmachilarga taqsimlash tartibi toʻgʻrisidagi nizomga
ILOVA

## Buyurtmachisi aniqlanmagan va taqsimlanmagan mablagʻlardan foydalanish boʻyicha moliya yili davomida Oʻzbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligiga takliflar kiritib borishning maqsadli yoʻnalishlari va muddatlari

| T/r | Maqsadli yoʻnalish nomi | Taklif kiritish muddati |
|---|---|---|
| **I.** | **Loyiha-qidiruv hujjatlari va bosh rejalarni ishlab chiqish.** | |
| 1. | Bosh reja, hududlarning arxitektura-rejalashtirish loyihalari va bosh sxemalarini (ARL) hamda batafsil rejalashtirish loyihalarini (BRL) ishlab chiqish. | har chorakda bir marta |
| 2. | Kelgusi yillar loyiha-qidiruv ishlari. | 1-iyulga qadar |
| 3. | Xalqaro moliya institutlari mablagʻlari hisobidan amalga oshiriladigan loyihalarning loyiha hujjatlarini ishlab chiqish hamda loyihalarning Oʻzbekistondagi ulushi. | 1-martga qadar |
| **II.** | **Loyihalar (obyektlar) boʻyicha qurilish, rekonstruksiya qilish va (mukammal) taʼmirlash ishlarini olib borish.** | |
| 1. | Yirik ishlab chiqarish loyihalarini tashqi muhandislik-kommunikatsiya infratuzilmasi bilan taʼminlash. | yil davomida |
| 2. | “Yangi Oʻzbekiston” va uy-joy massivlarida barpo etiladigan ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmasi obyektlarini yaxshilash. | 1-avgustga qadar |

| | | |
|---|---|---|
| 3. | Jadal kompleks rivojlantirish rejalashtirilgan tuman va shaharlarning turizm salohiyatini oshirish va yoʻl infratuzilmasini rivojlantirish. | 1-iyulga qadar |
| 4. | Umumiy foydalanishdagi avtomobil yoʻllarida harakat xavfsizligini taʼminlash va yerosti piyodalar yoʻlaklarini qurish (nogironligi boʻlgan shaxslarga moslashtirish). | 1-iyulga qadar |
| 5. | Kanallarni sugʻorish mavsumi boʻlmagan davrda rekonstruksiya qilish uchun avans mablagʻlari. | 1-noyabrga qadar |
| 6. | Turistik-rekreatsion zonalarni muhandislik-kommunikatsiya tarmoqlari bilan taʼminlash. | yil davomida |
| 7. | Davlat-xususiy sheriklik shartlari asosida loyihalarni amalga oshirishni birgalikda moliyalashtirish. | 1-iyunga qadar |
| 8. | Maktablarning sanitariya-gigiyena infratuzilmasini yaxshilash. | 1-martga qadar |
| 9. | Davlat ijtimoiy buyurtma loyihalari asosida aholi yashash punktini toza ichimlik suvi bilan taʼminlash. | 1-aprelga qadar |
| 10. | Energiya tejovchi uskunalarni oʻrnatish. | 1-avgustga qadar |
| 11. | Tayyor charm-poyabzal, moʻyna va import oʻrnini bosuvchi mahsulotlarni ishlab chiqarishga ixtisoslashgan kichik sanoat zonalarini tashqi muhandislik-kommunikatsiya infratuzilmasi bilan taʼminlash. | yil davomida |
| 12. | Toʻqimachilik sanoatini rivojlantirish investitsiya loyihalarini muhandislik-kommunikatsiya infratuzilmasi bilan taʼminlash. | yil davomida |
| 13. | Sement-beton qoplamali ichki xoʻjalik avtomobil yoʻllarini qurish. | 1-iyulga qadar |
| 14. | “Qishloq infratuzilmasini rivojlantirish” loyihalarini natijaga yoʻnaltirilgan dasturli moliyalashtirish (PForR) asosida amalga oshirish. | 1-iyulga qadar |
| 15. | “Amudaryo” HSXB obyektlari uchun kelgusi yillarga loyiha-qidiruv ishlari. | 1-iyulga qadar |
| **III.** | **Maxsus texnika va suv hisoblash uskunalarini xarid qilish hamda modernizatsiya qilish.** | yil davomida |

| | | |
|---|---|---|
| **IV.** | **Kreditor qarzdorliklar va Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 5-sentabrdagi 740-son “Hisoblangan qiymati tasdiqlangan loyiha-smeta hujjatlariga nisbatan oshib ketgan qurilish obyektlarini moliyalashtirishga ruxsat etish tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga asosan talab etiladigan qoʻshimcha mablagʻlar.** | yil davomida |
| **V.** | **Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti va Vazirlar Mahkamasining hujjatlariga muvofiq belgilangan boshqa yoʻnalishlar.** | Vazirlar Mahkamasining Rayosati bayoni asosida |

QMMB: 10/26/3787/0287-son
16.03.2026-y.

10 (1238)-сон
232-модда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3787
2026 - yil 14 - Mart

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR VAZIRINING BUYRUG‘I

## Sunʼiy intellektga asoslangan yechimlarni yaratish, joriy qilish va ulardan foydalanish boʻyicha etika qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 22-oktabrdagi PF–189-son “Sunʼiy intellekt texnologiyalarini yanada rivojlantirishga oid qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi Farmoni hamda 2024-yil 14-oktabrdagi PQ–358-son “Sunʼiy intellekt texnologiyalarini 2030-yilga qadar rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash toʻgʻrisida”gi qaroriga asosan **buyuraman**:

1. Sunʼiy intellektga asoslangan yechimlarni yaratish, joriy qilish va ulardan foydalanish boʻyicha etika qoidalari ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Oliy sudi, Ichki ishlar vazirligi, Davlat xavfsizlik xizmati, Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi hamda Istiqbolli loyihalar milliy agentligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Vazir
24-Fevral 2026-yil
284-mh son

SHERMATOV SHERZOD XOTAMOVICH

Kelishildi:

| | |
|---|---|
| Direktor<br>21-Fevral 2026-yil | LI DMITRIY ROMANOVICH |
| Direktor<br>27-Noyabr 2025-yil | BURXANOV AKMAL ESHONDEDAYEVICH |
| O`zbekiston Respublikasi DXX Raisi<br>19-Noyabr 2025-yil | KURBANOV BAXODIR NIZAMOVICH |
| Олий суд раиси<br>17-Noyabr 2025-yil | ISLAMOV BAXTIYAR DJAXANGIROVICH |
| Vazir<br>10-Noyabr 2025-yil | TASHPULATOV AZIZ ANVAROVICH |

**10 (1238)-сон**
**232-модда**

Oʻzbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirining 2026-yil 24-fevraldagi 284-mh-son buyrugʻiga
ILOVA

**Sunʼiy intellektga asoslangan yechimlarni yaratish, joriy qilish va ulardan foydalanish boʻyicha**
# ETIKA QOIDALARI

Mazkur Etika qoidalari sunʼiy intellektga asoslangan yechimlarni yaratish, joriy qilish va foydalanish boʻyicha tamoyillar va talablarni, shuningdek sunʼiy intellekt ishtirokchilarining huquq va majburiyatlarini belgilaydi.

## 1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Etika qoidalarida quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

**Etika qoidalari** – sunʼiy intellektga asoslangan yechimlarni yaratish, joriy qilish va foydalanishda sunʼiy intellekt texnologiya va tizimlari hamda sunʼiy intellekt ishtirokchilariga nisbatan xavfsizlik va etika meʼyorlarini belgilovchi asosiy qoida va talablar;

**sunʼiy intellekt** – insonning bilim va koʻnikmalariga taqlid qilish, shu jumladan mustaqil ravishda oʻrganish va yechimlarni izlash hamda aniq vazifalarni bajarishda inson aqliy faoliyati natijalari bilan taqqoslanadigan natijalarni olish imkonini beradigan texnologik yechimlar majmui;

**sunʼiy intellekt ishtirokchilari** – Oʻzbekiston Respublikasi hududida sun’iy intellekt texnologiyalari va tizimlarini ishlab chiquvchi, joriy etuvchi va ulardan foydalanuvchi jismoniy va yuridik shaxslar;

**sunʼiy intellekt texnologiyasi** – sunʼiy intellektdan foydalanishga asoslangan texnologiyalar, shu jumladan, intellektual videotahlil, nutqni tanib olish va sintezlash, qabul qilingan qarorlarni intellektual qoʻllab-quvvatlashning istiqbolli usullari;

**sunʼiy intellekt tizimlari** – sun’iy intellekt texnologiyalari asosida yaratilgan ma’lumotlarni izlash, toʻplash, saqlash, tahlil qilish, ishlov berish,

baholash, ulardan foydalanish va ushbu ma’lumotlar asosida mustaqil qarorlar qabul qilish imkoniyatiga ega boʻlgan dasturiy ta’minot.

2. Sun’iy intellekt ishtirokchilari sun’iy intellekt texnologiyalari va tizimlaridan foydalanishda mazkur Etika qoidalari talablariga qatʼiy rioya etishlari shart.

3. Etika qoidalarining maqsadi sun’iy intellekt texnologiyalari asosida ishlaydigan sun’iy intellekt tizimlaridan xavfsiz foydalanilishini ta’minlash, shuningdek inson huquq, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini himoya qilishdan iborat.

4. Davlat sirlari va boshqa qonunchilik bilan qoʻriqlanadigan sirlarni tashkil etuvchi ma’lumotlar bilan ishlashda Oʻzbekiston Respublikasining “Davlat sirlari toʻgʻrisida”gi, “Bank siri toʻgʻrisida”gi, “Tijorat siri toʻgʻrisida”gi qonunlari hamda boshqa qonunchilik hujjatlari talablariga rioya qilinishi shart.

5. Sun’iy intellekt texnologiya va tizimlaridan foydalanish Oʻzbekiston Respublikasining “Shaxsga doir maʼlumotlar toʻgʻrisida”gi, “Axborotlashtirish toʻgʻrisida”gi va “Kiberxavfsizlik toʻgʻrisida”gi qonunlari hamda boshqa qonunchilik hujjatlariga asosan amalga oshirilishi shart.

6. Sunʼiy intellekt ishtirokchilari sun’iy intellekt texnologiya va tizimlari tomonidan qabul qilingan qarorlarni yakuniy qaror sifatida qabul qilmasliklari lozim.

## 2-bob. Etika qoidalari

7. Sun’iy intellekt ishtirokchilari sun’iy intellekt texnologiya va tizimlaridan foydalanishda quyidagi tamoyillarga rioya qilishlari lozim:

qonuniylik;

shaxs, jamiyat va davlat manfaatlarini hamda atrof-tabiiy muhitni himoya qilishning ustuvorligi;

tushunarlilik;

mas’uliyat, javobgarlik va nazorat;

adolatlilik va kamsitishga yo‘l qo‘ymaslik;

ochiqlik va shaffoflik;

ma’lumotlar himoyasi;

ishonchlilik va xavfsizlik.

8. Qonuniylik tamoyiliga ko‘ra, sun’iy intellekt ishtirokchilari sunʼiy intellekt texnologiyalari va tizimlaridan foydalanishda Oʻzbekiston Respublikasining amaldagi qonunchilik hujjatlari talablariga rioya etishlari lozim.

9. Shaxs, jamiyat, davlat manfaatlarini va atrof-tabiiy muhitni himoya qilishning ustuvorligi tamoyiliga ko‘ra, sun’iy intellekt texnologiya va tizimlaridan foydalanishda:

inson huquq, erkinliklari va qonuniy manfaatlari, shaxsiy hayot daxlsizligi, fuqarolarning hayoti, sog‘lig‘i, sha’ni va qadr-qimmati himoya qilinishini ta’minlash;

davlat va jamoat xavfsizligiga, ijtimoiy-iqtisodiy va ekologik barqarorlikka salbiy ta’sir ko‘rsatmasligi lozim.

10. Tushunarlilik tamoyiliga ko‘ra:

sun’iy intellekt texnologiya va tizimlari tomonidan qabul qilingan qarorlar yoki amalga oshirilgan harakatlar sunʼiy intellekt ishtirokchilari uchun tushunarli (ishlash mantigʻi, asosiy algoritmik mezonlari, qaror qabul qilish jarayonlari va ma’lumot manbalari ochiq va izohlanadigan shaklda) bo‘lishi;

foydalanuvchilar sun’iy intellekt texnologiya va tizimlaridan foydalanish qoidalari bilan tanishtirilishi, ulardan qanday maqsadda foydalanish mumkinligi yoki taqiqlanishi, shuningdek sun’iy intellektga asoslangan yechimlar yoki qarorlar doim to‘g‘ri bo‘lmasligi hamda ularning natijalaridan tavsiyaviy yoki ma’lumot uchun foydalanish mumkinligi haqida tushuntirilishi lozim.

11. Mas’uliyat, javobgarlik va nazorat tamoyiliga ko‘ra:

sunʼiy intellekt texnologiya va tizimlarini ishlab chiqish, joriy etish va ulardan foydalanish natijasida yuzaga keladigan oqibatlar uchun sunʼiy intellekt

ishtirokchilari oʻz harakatlari doirasida mas’ul va javobgar boʻlishi;

sunʼiy intellekt texnologiya va tizimlari orqali qabul qilingan barcha qarorlar inson nazorati ostida boʻlishi hamda inson tomonidan qayta koʻrib chiqilishi, shuningdek yakuniy qaror inson tomonidan qabul qilinishi lozim.

12. Adolatlilik va kamsitishga yoʻl qoʻymaslik tamoyiliga koʻra, sunʼiy intellekt texnologiya va tizimlarini ishlab chiqish, joriy etish, tartibga solish va ulardan foydalanishda insonlarni jinsi, irqi, millati, tili, madaniyati, dini, e’tiqodi, ijtimoiy kelib chiqishi, jismoniy holati, ijtimoiy mavqeyidan qat’i nazar kamsitilishiga yoʻl qoʻyilmasligi lozim.

13. Ochiqlik va shaffoflik tamoyiliga koʻra:

sunʼiy intellekt texnologiya va tizimlari ochiq, shaffof va sunʼiy intellekt ishtirokchilari uchun tushunarli boʻlishi;

sunʼiy intellekt texnologiya va tizimlaridagi axborotdan qonunchilikda belgilangan usullar orqali erkin foydalanilishi lozim.

14. Ma’lumotlar himoyasi tamoyiliga koʻra:

sunʼiy intellekt texnologiya va tizimlaridan foydalanishda sunʼiy intellekt ishtirokchilari davlat sirlari va boshqa qonunchilik bilan qoʻriqlanadigan sirlarni, shaxsga doir ma’lumotlar va foydalanilishi cheklangan boshqa ma’lumotlar himoyasini ta’minlashi;

sunʼiy intellekt ishtirokchilari tomonidan shaxsga doir ma’lumotlarga qonunga zid ravishda ishlov berishning taqiqlanishi kerak.

15. Ishonchlilik va xavfsizlik tamoyiliga koʻra:

sunʼiy intellekt texnologiya va tizimlarining barqaror va aniq ishlashi, xatolik ehtimoli minimal darajada boʻlishi;

sunʼiy intellekt texnologiya va tizimlariga kiritilgan ma’lumotlarning xavfsiz saqlanishi;

inson huquq, erkinliklari va qonuniy manfaatlariga aloqador boʻlgan yuridik ahamiyatga ega qarorlarni, shuningdek sogʻliqni saqlash (kasalliklarni tashxislash,

davolash usullarini belgilash, tibbiy tasvirlarni tahlil qilish va bemorga oid maʼlumotlarni boshqarish) va boshqa sohalardagi qarorlarni qabul qilish chogʻida faqat sunʼiy intellektdan foydalangan holda yaratilgan axborot resurslari va sunʼiy intellekt texnologiyalari asosida ishlaydigan axborot tizimlarining xulosalariga tayanmaslik.

## 3-bob. Sunʼiy intellekt ishtirokchilarining huquq va majburiyatlari

16. Sunʼiy intellekt texnologiya va tizimlarini ishlab chiquvchi va joriy etuvchilar quyidagi huquqlarga ega:

sunʼiy intellekt texnologiya va tizimlarini mazkur Etika qoidalariga asosan ishlab chiqish va joriy etish;

qonunchilikda belgilangan tartibda oʻz sunʼiy intellekt texnologiya va tizimlariga boʻlgan mulk huquqi va intellektual mulk huquqini himoya qilish;

sunʼiy intellekt texnologiya va tizimlari uchun mazkur Etika qoidalarini takomillashtirish yuzasidan takliflar berish.

Sunʼiy intellekt texnologiya va tizimlarini ishlab chiquvchi va joriy etuvchilar qonunchilikda belgilangan boshqa huquqlarga ham ega boʻlishi mumkin.

17. Sunʼiy intellekt texnologiya va tizimlarini ishlab chiquvchi va joriy etuvchilar quyidagi majburiyatlarga ega:

ushbu Etika qoidalariga amal qilish;

sunʼiy intellekt texnologiya va tizimlaridagi algoritmlarning shaffof va tushunarli boʻlishini taʼminlash;

sunʼiy intellekt texnologiya va tizimlaridagi ehtimoliy tarafkashlikni oldini olish;

shaxsga doir maʼlumotlar va foydalanishi cheklangan maʼlumotlar himoyasini taʼminlash;

sunʼiy intellekt texnologiya va tizimlarining imkoniyatlari, cheklovlari va ehtimoliy xavflari haqida ochiq maʼlumot berish;

sun’iy intellekt texnologiya va tizimlaridan foydalanuvchilarni ulardan foydalanish qoidalari bilan tanishtirish, ulardan qanday maqsadda foydalanish mumkinligi yoki taqiqlanishi, shuningdek sun’iy intellektga asoslangan yechimlar yoki qarorlar doim to‘g‘ri bo‘lmasligi hamda ularning natijalaridan tavsiyaviy yoki ma’lumot uchun foydalanish mumkinligi haqida ma’lumot berish;

sun’iy intellekt texnologiya va tizimlari dasturiy ta’minoti xavfsizligini ta’minlash;

mazkur Etika qoidalarini inobatga olgan holda sun’iy intellekt texnologiya va tizimlarini doimiy ravishda takomillashtirib borish;

sun’iy intellekt texnologiya va tizimlari inson nazorati ostida bo‘lishini hamda inson tomonidan qayta ko‘rib chiqilishi, shuningdek yakuniy qaror inson tomonidan qabul qilinishini ta’minlash;

sun’iy intellekt texnologiya va tizimlaridan qonunchilikka zid bo‘lgan yoki shaxs, jamiyat, davlat va atrof tabiiy-muhitga zarar yetkazishi mumkin bo‘lgan maqsadlarda foydalanmaslik;

sun’iy intellekt texnologiya va tizimlaridan foydalanuvchilar uchun sun’iy intellekt texnologiyalari va tizimlaridan foydalanish qo‘llanmasini ishlab chiqish va joylashtirish.

Sunʼiy intellekt texnologiya va tizimlarini ishlab chiquvchi va joriy etuvchilar qonunchilikda belgilangan boshqa majburiyatlarga ham ega bo‘lishi mumkin.

18. Sun’iy intellekt texnologiya va tizimlaridan foydalanuvchilar quyidagi huquqlarga ega:

sun’iy intellekt texnologiya va tizimlaridan foydalanish qoidalari bilan tanishish, ulardan qanday maqsadda foydalanish mumkinligi yoki taqiqlanishi, shuningdek sun’iy intellektga asoslangan yechimlar yoki qarorlar doim to‘g‘ri bo‘lmasligi hamda ularning natijalaridan tavsiyaviy yoki ma’lumot uchun foydalanish mumkinligi haqida ma’lumot olish;

qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda sudga yoki vakolatli davlat organiga shikoyat qilish;

ochiq, shaffof va xavfsiz sun’iy intellekt texnologiya va tizimlaridan foydalanish;

sun’iy intellekt texnologiya va tizimlari algoritmlari to‘g‘risida tushuntirish olish;

sun’iy intellekt texnologiya va tizimlaridan foydalanishda mustaqil bo‘lish;

sunʼiy intellekt tizimlarida aniqlangan kamchiliklarni tuzatish bo‘yicha sunʼiy intellekt tizimlarini ishlab chiquvchi va joriy etuvchilarga takliflar kiritish.

Sun’iy intellekt tizimlaridan foydalanuvchilar qonunchilikda belgilangan boshqa huquqlarga ham ega bo‘lishi mumkin.

19. Sunʼiy intellekt tizimlaridan foydalanuvchilar quyidagi majburiyatlarga ega:

sun’iy intellekt texnologiyalari va tizimlaridan foydalanish qoidalari va shartlariga rioya qilish;

sun’iy intellekt texnologiyalari va tizimlaridan to‘g‘ri foydalanish;

shaxsga doir ma’lumotlar va foydalanishi cheklangan ma’lumotlar himoyasini ta’minlash;

boshqa foydalanuvchilarning mualliflik huquqlarini buzmaslik;

mazkur Etika qoidalariga amal qilish;

shaxs, jamiyat va davlat manfaatlariga hamda atrof-tabiiy muhitga zarar yetkazmaslik;

Sunʼiy intellekt tizimlaridan foydalanuvchilar qonunchilikda belgilangan boshqa majburiyatlarga ham ega bo‘lishi mumkin.